

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**23-сон**  
**(991)**  
**2021 йил**  
**июнь**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

327. «Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 июндаги ЎРҚ–694-сон Қонуни
328. «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 июндаги ЎРҚ–695-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

329. «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ–6243-сон Фармони
330. «Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-

- тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги ПФ–6244-сон Фармони
331. «Давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудларда замонавий иссиқхона хўжаликларини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 июндаги ПҚ–5138-сон қарори
332. «Ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПҚ–5140-сон қарори
333. «Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги ПҚ–5143-сон қарори
334. «Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги ПҚ–5144-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

335. «Республика кўчмас мулк объектларини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июндаги 355-сон қарори
336. ««Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 июндаги 356-сон қарори
337. «Гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини ундириш, қайтариш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 июндаги 358-сон қарори
338. «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида кредит-модуль тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 июндаги 359-сон қарори
339. «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 июндаги 366-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

341. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 9 июндаги 12-мх-сон «Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицейнинг битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3308*)
341. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2021 йил 8 июндаги 3-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 7 июндаги 16-сон «Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3309*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**327** Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари кунини белгилаш тўғрисида\*Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 4 майда қабул қилинганСенат томонидан 2021 йил 29 майда  
маъқулланган

**1-модда.** 15 апрель Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни этиб белгилансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти****Ш. МИРЗИЁЕВ**Тошкент ш.,  
2021 йил 7 июнь,  
ЎРҚ-694-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 июнда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**328** **Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 18 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 29 майда  
маъқулланган

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) қуйидаги баёнот ва қўшимча шарт билан ратификация қилинган:

«Ўзбекистон Республикаси ногиронлиги бўлган шахслар ўз ҳаётининг барча соҳаларида бошқалар билан тенг равишда ҳуқуқ лаёқатига эга эканлигини тан олади.

Ўзбекистон Республикаси Конвенция тегишли ҳолатларда ва қонунга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўллаб-қувватлашдан фойдаланишини ҳамда қарорлар қабул қилиш механизмларини алмаштиришни таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўришга, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг муомала лаёқатини чеклашга йўл қўяди деб тунгунлигини маълум қилади.

Конвенциянинг 12-моддаси ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан қарорлар қабул қилишнинг ўрнини босувчи механизмларнинг бекор қилинишини талаб этадиган модда сифатида талқин этилиши мумкин бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси тегишли шароитларда ҳамда лозим даражадаги ва самарали кафолатларга риоя этиш шarti билан ушбу механизмлардан фойдаланишни давом эттириш ҳуқуқини ўзида қолдиради».

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 7 июнь,  
ЎРҚ-695-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 июнда эълон қилинган.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **329** Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритиш мақсадида:

1. Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ишлаб чиқилган ер тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар маъқуллансин.

2. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 августдан бошлаб:

ер участкалари хусусий секторга — мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) — доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади;

мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилинади, бунда илгари ажратилган ер участкаларига бўлган бундай ҳуқуқлар уларнинг эгаларида амалдаги тартибда сақланиб қолади;

ижарага олинган ер участкасида қонунчиликда белгиланган тартибда қурилган кўчмас мулк объектга мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектга мулк ҳуқуқи билан биргаликда у жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳам янги мулкдорга ўтади;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган, натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланадиган очиқ электрон танлов якунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилади;

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 июнда эълон қилинган.

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилинади;

давлат ташкилотларига ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади;

барча ҳолларда ер участкалари фақат бўш турган ва захирага олинган ерлардан ажратилади, айнаи бир ҳужжат билан ёки бир вақтнинг ўзида ер участкасини олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш ер бериш тартибини бузиш ҳисобланади ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлади;

давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ва ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда ер участкалари давлат ташкилотига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилади, ушбу ерлар давлат-хусусий ёки ижтимоий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатига хусусий шерик, нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ижарага берилиши мумкин;

кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси, агар кўп квартирали уйдаги жойларнинг мулкдорларига бошқа ҳуқуқ билан тегишли бўлмаса, уларга умумий фойдаланиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади.

3. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамаси 2021 йил 1 августдан бошлаб, истисно тариқасида, фақат қуйидаги ҳолларда ер участкаларини тўғридан-тўғри ижарага беришга ҳақли:

қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқот ва тажриба синовлар амалга ошириш учун давлат илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига — Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг таклифига асосан;

агросаноат кластерларига — ер участкаси норматив қийматининг икки баравари миқдоридagi пул маблағи депозитга қўйилганда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимининг таклифига асосан;

энг яхши таклифни танлаш орқали аниқланадиган, қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида (ер майдони ҳажмига кўра ортиб боради) бўлган йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун — лойиҳа қийматининг камида 10 фоизига тенг маблағ аввалдан махсус ҳисоб-рақамга жойлаштирилганда;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга — ижарага олиш ҳуқуқини олганлик учун бозор қийматида ҳақ тўлаган ҳолда (халқаро бирлашмалар ва ташкилотлардан ташқари).

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид қуйидаги ваколатлари, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи 2021 йил 1 августдан бекор қилинсин:

ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, кел-

гусида ажратиш учун захиралаш, бириктириш, ободонлаштириш учун бериш ёки ерларни бошқача йўл билан тасарруф қилиш, бундан мазкур Фармонга мувофиқ ер участкаларини давлат ташкилотларига доимий фойдаланишга ажратиш, очиқ танлов яқунларини тасдиқлаш, ижара шартномасини имзолаш, ер участкаларини хусусийлаштириш натижаларини расмийлаштириш бўйича ваколатлар мустасно;

туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш;

суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар тоифасига ёки бошқа ер тоифасига, суғорилмайдиган қишлоқ хўжалиги ерларини бошқа ер тоифасига ўтказиш;

жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги ҳамда ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш;

хусусийлаштириладиган ер участкаларига нисбатан инвестиция мажбуриятлари ёки хусусий мулкни эркин тасарруф этишни чеклайдиган бошқа мажбуриятларни белгилаш.

5. Қонунчилик ҳужжатларида ушбу Фармонда белгиланганидан бошқача тартибда ер участкаларини ажратишни назарда тутувчи барча тартиблар, имтиёз ва истиснолар 2021 йил 1 августдан тўлиқ бекор қилинсин.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш ёки бошқача тарзда имтиёз ва истиснолар белгилаш ташаббуси билан чиқиш тақиқлансин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) бир ой муддатда алоҳида ижтимоий ҳимоя қилинадиган шахсларга, шунингдек, ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган шахсларга ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали сотиб олиш харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплаб бериш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

«Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги;

«Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги;

«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Ж. Қўчқоров):

бир ой муддатда «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан доимий фойдаланиш (эгаллик қилиш) ёки мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқлари асосида берилган ер участка-



ларини хусусийлаштириш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини;

Адлия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликлари улушини ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ушбу Фармон расман эълон қилинган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий вакиллик ва ижро ҳоқимияти органлари томонидан мазкур Фармонда назарда тутилганидан бошқача тартибда ер участкаларини ажратиш қатъиян тўхтатилсин.

9. Ер тўғрисидаги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) ва жойларда ҳудудий кенгашлар ташкил этилсин, уларнинг таркиби 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Республика ва ҳудудий кенгашларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллашда вужудга келаётган муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, шу жумладан, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ердан оқилона фойдаланиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда уларни жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши аҳволини мунтазам ўрганиб бориш, соҳада ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш;

ерга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини бевосита таъминлаш ва давлат назоратини олиб боришга масъул давлат органларининг соҳага доир фаолиятини ўрганиб, мувофиқлаштириб бориш, тегишлича ушбу органлар ва уларнинг қўйи тузилмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

ерларни, айниқса, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш, қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

ерга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳамда қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишда кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш;

ер ажратиш ва ундан фойдаланиш жараёнларига ахборот-коммуникация воситаларини кенг жорий қилиш орқали соҳада рақамлаштириш жараёнларини тезлаштиришга кўмаклашиш;

ерга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш самарадорлигини оширишга оид бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

10. Ер тоифасидан қатъи назар, барча турдаги ер участкалари ҳамда

---

\* 1-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиншига ва чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўриш, ердан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назорати Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва чора кўриш учун Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ходимлари масъул эканлиги белгилансин.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги органларига ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилсин.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Адлия вазирлиги билан бирга ер тўғрисидаги қонунчилик, шу жумладан, янги қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ижрочилар ҳамда аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этсин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тегишлича Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашларнинг ишчи органи ҳисобланади;

Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар йиғилишлари ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади, Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар йиғилишларига давлат органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилиши мумкин;

ҳудудий кенгашлар ўз фаолияти тўғрисида ҳар чоракда Республика кенгашига ҳисобот беради.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари бир ой муддатда тегишли маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари томонидан 2019 йил 1 январдан ҳозирга қадар қабул қилинган ер участкаларини бериш ва олиб қўйиш билан боғлиқ барча ҳужжатларнинг ягона рўйхатини тасдиқлаб, уларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича умумлаштирсин ҳамда Бош прокуратура ва Адлия вазирлигига тақдим этсин.

Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш, ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари нормаларининг бузилишига, шу жумладан ер участкаларини бериш ва олиб қўйиш билан боғлиқ ҳужжатларни қалбакилаштириш ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан қатъий прокурор назоратини ўрнатиш, айбдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш учун жавобгар эканлиги белгилансин.

13. Белгилансинки:

электрон онлайн-аукцион ва очик танловга қўйиш учун ер участкаларини танлаш, келишиш, аукцион ва танловда иштирок этиш учун мурожаатларни қабул қилиш, аукцион ва танловни ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш билан боғлиқ барча жараёнлар, истисноларсиз фақат электрон ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, электрон ҳужжат ал-машинуви йўли билан амалга оширилади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига доир барча қарорларини қабул қилиш улар томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон — «Е-садо» тизими орқали, ушбу қарорларда ер участкасига доир географик маълумотлар ва хариталарни шакллантириш эса «Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интеграциялашган ахборот тизими» орқали автоматик равишда амалга оширилади;

ҳуқуқий экспертиза якуни бўйича ҳудудий адлия органларининг ижобий ҳулосаси мавжудлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер муносабатларига доир ҳужжатларни қабул қилишнинг мажбурий шarti ҳисобланади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиқов), Адлия вазирлиги (Р.К. Давлетов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж. Ортиқов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Ф.К. Умаров) бир ой муддатда мазкур банд талабларидан келиб чиққан ҳолда, тегишли ахборот тизимлари фаолиятини такомиллаштириш ва уларни ўзаро интеграция қилиш чораларини кўрсин.

14. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти;

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламенти;

Йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олишнинг маъмурий регламентини тасдиқласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ 2021 йил 1 августдан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 4-иловага мувофиқ 2021 йил 1 августдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ш.М. Фаниев ва Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Н.Т. Йўлдошев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун

масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 октябрга қадар, кейинчалик ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 июнь,  
ПФ-6243-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 8 июндаги  
ПФ-6243-сон Фармониغا  
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига  
2021 йил 1 августдан киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Yoshlar — kelajagimiz» давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5466-сон Фармонининг 3-банди «а» кичик бандида:

- а) иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- б) учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сон Фармонида:

- а) 2-банд:

қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилар томонидан қабул қилинади;

давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер участкалари давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади, ушбу ер участкаларини бошқача тарзда ва бошқа шахсларга ажратиш тақиқланади»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 4-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги «Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5511-сон Фармони 1-банди «а» кичик бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5600-сон Фармонининг 1-банди иккинчи хатбошиси «маъмурий кенгашларнинг» сўзларидан кейин «электрон онлайн-аукцион натижалари асосида қабул қилинадиган» сўзлари билан тўлдирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон Фармонининг 5-банди олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«суғориладиган ерлар ҳисобидан боғдорчилик, узумчилик ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ҳамда енгил типдаги иссиқхоналарни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хулосасига асосан амалга оширилади».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги ПФ-5780-сон Фармонида:

а) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига берилсин»;

б) 10-банднинг «а» кичик банди биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ» сўзлари «энг яхши таклифни танлаш орқали йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6059-сон Фармонида:

а) 1-банднинг учинчи хатбошиси «яйловлар» сўзидан кейин «электрон онлайн-аукцион орқали» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 6-бандда:

«б» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) яйловлар Қўмита томонидан электрон онлайн-аукцион орқали, шу жумладан ер участкасининг бошланғич нарҳини 1 сўм миқдориди белгилаган ҳолда ижарага берилади»;

«в» кичик банддаги «, шу жумладан ноль ставкада» сўзлари «электрон онлайн-аукцион орқали» сўзлари билан алмаштирилсин;

«г» кичик банднинг иккинчи хатбошиси «яйловни» сўзидан кейин «электрон онлайн-аукцион натижаларига кўра» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 14-банднинг «в» кичик банди иккинчи хатбошиси «ҳамда уларга электрон онлайн-аукционларда иштирок этиш тартиби юзасидан тушунтиришлар берсин» сўзлари билан тўлдирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Яширин иқтисодийни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6098-сон Фармонининг 14-банди биринчи хатбошисидаги «2020 йилда Давлат солиқ қўмитасига республика бюджетининг ортиқча бажарилган даромадлари» сўзлари «2020-2021 йилларда Давлат солиқ қўмитасига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча маблағлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги «Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6202-сон Фармонида:

а) 10-бандда:

бешинчи ва саккизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи — еттинчи хатбошилар тегишлича бешинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 11-банднинг иккинчи хатбошисидаги «тадбиркорлик субъектларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган 25 сотих ер майдонлари бепул ажратилади» сўзлари «қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган 25 сотих ер майдонлари электрон онлайн-аукционга қўйилади» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 12-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ажратсин» сўзи «электрон онлайн-аукционга қўйилишини таъминласин» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги ПҚ-694-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги матнида:

а) 28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. По заявлению военнослужащих взамен выделяемого жилья или улучшения жилищных условий им могут быть выплачены денежные компенсации на приобретение на аукционной основе земельных участков для индивидуального жилищного строительства. На период освоения земельного

участка за военноташуашиим и членами его семьи сохраняется служебная квартира сроком до двух лет»;

б) 29-банддан «на выделенных для них земельных участках» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 36-банд «приобретения квартир» сўзларидан кейин «, земельных участков для индивидуального жилищного строительства» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 37-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

д) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2939-сон қарорининг 11-бандида:

а) иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3194-сон қарорининг 2-банди тўртинчи хатбошисидаги «тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг қарорлари билан» сўзлари «электрон онлайн аукцион орқали» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3195-сон қарорининг 4-бандидан «ёки ер участкалари» сўзлари чиқариб ташлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида»ги ПҚ–3196-сон қарорининг 8-банди иккинчи хатбошисида «берилиши ҳамда аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан ер участкалари ажратилишини» сўзлари «берилишини» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги «Эркин иктисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3356-сон қарорида:

а) 6-банднинг учинчи хатбошисидаги «ер участкаларини, шу жумладан, давлат мулки бўлган фаолият юритмаётган бўш объектлар ва бўш ер майдонларини» сўзлари «давлат мулки бўлган фаолият юритмаётган бўш объектларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг 5-бандида:

еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

саккизинчи — йигирма бешинчи хатбошилар тегишинча еттинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги

«Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ПҚ-3697-сон қарорининг 3-банди иккинчи хатбошисидан «зарур ер участкалари,» сўзлари чиқариб ташлансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузуридаги Давлат хизматлари марказлари биноларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қурилишини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3701-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошисида «ажратилади» сўзлари «ижарага берилади» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги «Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3895-сон қарорида:

а) 2-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лойиҳалар ташаббускорларига «Business city» марказлари ҳудудида объектлар қуриш учун ер участкалари қонунчиликда белгиланган тартибда электрон-онлайн аукцион савдолари орқали берилади»;

б) 3-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Business city» марказлари ҳудудидаги ер участкаларини электрон-онлайн аукцион орқали олган инвесторлар билан «Business city» марказларига инвестиция киритиш тўғрисида битимлар тузиш».

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4246-сон қарорининг 7-банди «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) суғориладиган ерлар ҳисобидан боғдорчилик, узумчилик ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ҳамда енгил типдаги иссиқхоналарни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳулосасига асосан амалга оширилади».

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июндаги «Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4363-сон қарорининг 3-бандида:

«б» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) ер участкаларини бериш қонунчиликда белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилади»;

«г» кичик бандда «маъмурий кенгаш» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари (кейинги ўринларда — маъмурий кенгашлар)» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4427-сон қаро-



рининг 1-банди иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ» сўзлари «энг яхши таклифни танлаш орқали йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги «Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4512-сон қарорининг 2-банди «а» кичик бандида:

а) иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

б) тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4576-сон қарориди:

а) 11-банднинг «а» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 20-банднинг бешинчи хатбошисидан «хамда қонунчиликда белгиланган меъёрлар асосида ер майдонларини ўз вақтида ажратсинлар» сўзлари чиқариб ташлансин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5006-сон қарорининг 10-банди биринчи хатбошисидаги «июлга» сўзи «октябрга» сўзи билан алмаштирилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги «Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5033-сон қарориди:

а) 13-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ташаббускорларга икки ой муддатда ажратиб берсин» сўзлари «электрон онлайн-аукционга қўйилишини таъминласин» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг изоҳ қисми чиқариб ташлансин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5087-сон қарорининг 4-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини» сўзлари «ер участкасига мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқини» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5088-сон қарорининг 9-банди «г» кичик бандининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ер участкалари электрон онлайн-аукцион орқали ажратилади».

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги

«Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ–5113-сон қарорининг 12-банди биринчи хатбошиси «бўш ер участкалари» сўзларидан кейин «электрон-аукцион савдоларига жойлаштирилишини» сўзлари билан тўлдирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сон қарори билан тасдиқланган Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларида:

а) 18-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қурилиш учун ер участкаларини ажратиш ушбу коммуникациялар эгаларининг хулосаларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши керак»;

б) 28-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Алоқа коммуникациялари ўтказилган ер участкаларини олган юридик ва жисмоний шахслар улардан фойдаланишни тегишли алоқа коммуникациялари эгалари билан келишиб олишлари шарт».

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисида низомда:

а) 6-банднинг биринчи хатбошисидан «ва кейинчалик инжиниринг компаниясига бериш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 7-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Комплекс экспертизанинг ижобий хулосаси олингач ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи белгиланган тартибда электрон онлайн-аукционга қўйилади.

Инжиниринг компанияси ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион орқали сотиб олади.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини сотиб олиш харажатлари ушбу ер участкасида қуриладиган уй-жой ва арзон уй-жойларнинг нархига улар эгаллайдиган майдонга мутаносиб равишда киритилади.

Бунда арзон уй-жойларнинг нархига киритилган ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини сотиб олиш харажатлари тегишли туман маҳаллий бюджети ҳисобидан қоплаб берилади»;

в) 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси якка тартибдаги қурувчилар томонидан сотиб олинадиган уй-жойнинг ёки арзон уй-жойнинг намунавий лойиҳалари учун белгиланган майдондан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ердан кимошди савдолари ва электрон онлайн-аукцион ўтказилмасдан, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига мулк ҳуқуқи билан берилади.

Якка тартибдаги қурувчига ер участкасини мулк ҳуқуқи билан бериш учун Якка тартибдаги қурувчи билан инжиниринг компанияси филиали ўртасида тайёр ҳолда топшириш шарти билан уй-жой ёки арзон уй-жой қуришга инжиниринг компанияси томонидан буюртмачи функциялари амалга оширилишига шартнома асос бўлади. Кўчмас мулк объектларига бўлган

хуқуқларни рўйхатдан ўтказувчи орган ушбу шартнома асосида ер участкасига бўлган мулк хуқуқини рўйхатдан ўтказди.

Бунда ушбу банднинг иккинчи хатбошисида назарда тутилган шартноманинг бекор қилиниши намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ер участкаси мулк хуқуқининг ҳам бекор қилинишига олиб келади. Кўрсатиб ўтилган шарт Якка тартибдаги қурувчи билан инжиниринг компанияси филиали ўртасида тузилган шартномада қайд этилиши керак».

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 ноябрдаги «Республиканинг чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларида биогаз қурилмалари қуришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 343-сон қарорининг 2-банди иккинчи хатбошисидан «ер участкалари ажратилишини ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 декабрдаги «Фарғона вилоятида қўшимча кичик саноат зоналари ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1007-сон қарорининг 3-банди тўртинчи хатбошисидagi «ер участкалари бериш» сўзлари «ер участкаларини ижарага бериш» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги «Ер участкалари бериш ва якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқини реализация қилишнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 63-сон қарорида:

- а) 1-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
- б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 июлдаги 550-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотларга бинолар (бинолар қисми), хоналар ва ер участкаларини тақдим этиш (сотиш) тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш, уларнинг раҳбарлари ва чет эллик ходимлари яшаши учун ажратиладиган бинолар (бинолар қисми), хоналар ва уларга туташ ер участкалари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри ҳудудидан ажратилади».

35. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 октябрдаги «Sergeli industrial park» кичик саноат зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 878-сон қарорида:

- а) 2-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

- б) 3-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Sergeli Industrial Park» кичик саноат зонаси иштирокчилари томони-

дан битимлар ва шартнома шартлари бузилган, шунингдек, улар томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, ишлаб чиқариш майдонлари ижарасининг битимлари ва шартномаларини белгиланган тартибда бекор қилиш ва тўхтатиш масалаларини Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари Маъмурий кенгашига (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) кўриб чиқиш учун киритиш»;

в) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Маъмурий кенгашга ижарага бериладиган ер участкасининг ҳар бир гектари учун тўлов миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилсин».

36. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 911-сон қарориди:

а) 1-банднинг «а» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳаларини (кейинги ўринларда инвестиция лойиҳалари деб аталади) амалга ошириш доирасида ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ҳамда ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорларига биноан амалга оширилади»;

б) 3-банднинг учинчи хатбошисидаги «тегишли халқ депутатлари Кенгашига» сўзлари «халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

2-банднинг тўққизинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«инвестиция лойиҳалари — Вазирлар Маҳкамаси томонидан энг яхши таклифни танлаш орқали аниқланадиган, қиймати камида 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида (ер майдони ҳажмига кўра ортиб боради) бўлган йирик инвестиция лойиҳалари»;

3-бандда:

биринчи хатбошидаги «тегишли халқ депутатлари Кенгашлари» сўзлари «халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари (кейинги ўринларда — тегишли халқ депутатлари Кенгашлари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер участкалари давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан доимий фойда-

ланиш ҳуқуқи асосида ажратилади, ушбу ер участкаларини бошқача тарзда ва бошқа шахсларга ажратиш тақиқланади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйиладиган ер участкаларидан фақат ушбу мақсадларда фойдаланилади».

37. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги «Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1023-сон қарориди:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ» сўзлари «энг яхши таклифни танлаш орқали йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-бандда:

«г» кичик банддаги «ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи» сўзлари «ер участкаларига мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

«е» кичик банддаги «доимий фойдаланишга» сўзлари «ижарага» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

1-банддаги «доимий фойдаланишга» сўзлари «ижарага ва мулк ҳуқуқи асосида» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

3, 8, 16, 17, 20, 23 — 26, 29, 59, 69, 73, 80 ва 81-бандлар ҳамда 2-бобнинг 3-параграфи номидаги «ер участкасидан доимий фойдаланиш» сўзлари «ер участкасига мулк ва ижара» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкалари аукцион орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларига мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида, бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ижара ҳуқуқи асосида ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича берилади;

10-банднинг учинчи хатбошиси «беш иш куни ичида» сўзларидан кейин «қишлоқ жойларда турғун чакана савдо шохобчасини қуриш мўлжалланган ерлар бўйича уч иш куни ичида» сўзлари билан тўлдирилсин;

73-бандда:

«д» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) мазкур банднинг «а» — «г» кичик бандларида назарда тутилган маблағлар чегириб ташлагандан сўнг қолган суммадан:

50 фоизи — ер участкалари давлат органлари, муассасалари ва корхоналари фойдаланишида бўлган ва уларнинг ташаббуси билан электрон онлайн-аукционга қўйилган тақдирда — ушбу давлат органлари ва ташкилотларига, қолган ҳолларда — давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича ҳудудий жамғармага;

50 фоизи — тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджети даромадига ўтказилади»;

«е» кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

иловада:

номидаги «доимий фойдаланишга» сўзлари «ижарага ва мулк ҳуқуқи асосида» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-босқич «Тадбирлар» устунидаги «Ер участкасидан доимий фойдаланиш» сўзлари «Ер участкасига мулк ва ижара» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги «Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 52-сон қарорида:

а) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) иловада:

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Туман ҳокимлиги ўн кун муддатда қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган очиқ ер майдонлари, захирада турган ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, шунингдек, яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган ерларда интенсив боғ, токзор барпо этиш учун 10 гектардан, иссиқхона қуриш учун 3 гектардан кам бўлмаган ер майдонини ижарага олиш ҳуқуқини электрон онлайн-аукционга чиқарилишини таъминлайди ва бу ҳақида сотувчига хабар беради.

Сотувчи ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини электрон онлайн-аукцион орқали қўлга киритиши керак.

Агар электрон онлайн-аукционда сотувчидан бошқа юридик ёки жисмоний шахс голиб бўлса, ушбу шахс мазкур Низомда сотувчи учун назарда тутилган барча ҳуқуқларга эга бўлади ҳамда унга юклатилган мажбуриятларни ўз зиммасига олади»;

11-банднинг биринчи хатбошисидаги «ер майдони ажратилгандан сўнг» сўзлари «ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини қўлга киритгандан сўнг» сўзлари билан алмаштирилсин;

31 ва 32-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Сотувчи интенсив боғ, токзорлар ёки иссиқхона қиймати ташаббускорлар томонидан тўлиқ тўлаб берилгандан сўнг беш кун муддатда интенсив боғ, токзорлар ёки иссиқхонага мулк ҳуқуқини ва улар эгалланган ер участкасига ижара ҳуқуқини ташаббускор номига расмийлаштириш тўғрисида туман ҳокимлигига ёзма равишда мурожаат қилади.

32. Туман ҳокимлиги ўн кун муддатда ташаббускорларни (лизинг олувчини) деҳқон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтказилишини ва унга интенсив боғ, токзорлар ёки иссиқхонага бўлган мулк ҳуқуқини ва улар эгалланган ер участкасига ижара ҳуқуқини бериш тўғрисида вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинишини таъминлайди»;

33-банддаги «Туман» сўзи «Вилоят» сўзи билан алмаштирилсин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги «Кичик саноат зо-

налари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 134-сон қарорининг 1-банди қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Белгилансинки, кичик саноат зоналари ҳудудида ер участкаларини бериш қонунчилиқда белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион орқали амалга оширилади».

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 8 июндаги  
ПФ-6243-сон Фармониға  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг 2021 йил 1 августдан ўз кучини  
йўқотган деб топилаётган айрим ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5552-сон Фармонининг 2-банди саккинчи хатбошиси, шунингдек 2-иловасининг 3-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6186-сон Фармонининг 14-банди «г» ва «д» кичик бандлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрдаги «Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3939-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги «Чорвачилиқ тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4243-сон қарорининг 5-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4575-сон қарорининг 2-банди 4-кичик банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Обод кишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5048-сон қарорининг 4-банди «г» кичик банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги 51-сон қарори билан тасдиқланган Боғдорчилик-узумчилик ширкатлари тўғрисидаги низомнинг 3-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарори

билан тасдиқланган Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатининг 41-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларини қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 167-сон қарори.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **330** Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Сўнгги йилларда мамлакатимиз саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва худудларни комплекс ривожлантириш, шаҳар ва вилоятларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобига аҳолини иш билан банд қилишни кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди ва амалга оширилди.

Натижада сўнгги тўрт йил ичида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 23 фоизга, шу жумладан, электротехника, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика, заргарлик саноати, қурилиш материаллари, мебель, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа истеъмол моллари ишлаб чиқариш сингари саноатнинг худудларда жадал ривожланаётган тармоқлари 1,3 баробардан кўпроқ ўсди.

Шу билан бирга, худудларда мавжуд саноат салоҳиятидан, айниқса, қурилиш индустриясини ривожлантиришда норуда минералларнинг хом ашё базасини ўзлаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Хусусан, керамзит, силикат қуми, шиша хом ашёси, қурилиш ва қоплама тошларга эга ўрганилган конларнинг ярмидан кўпи ўзлаштирилмай қолмоқда. Натижада санитария-техник воситалар бўйича маҳаллий ишлаб чиқариш ички бозорнинг фақатгина 40 фоизини, газбетон блоклар — 51 фоизини, лок-бўёқ маҳсулотлари — 65 фоизини, қурилиш ойналари — 70 фоизини, девор гулқоғозлари — 30 фоизини ташкил этмоқда.

Электротехника, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика, заргарлик буюмлари, қоғоз саноати, қурилиш материаллари, мебель, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш ва бошқа маҳаллий саноат тармоқлари-

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 июнда эълон қилинган.



ни (кейинги ўринларда — маҳаллий саноат) жадал ривожлантиришга кўмаклашувчи яхлит тизимни яратиш, шунингдек, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига маҳаллий саноатни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

мавжуд табиий ва иқтисодий ресурсларни жалб қилиш, туманлар (шаҳарлар) салоҳиятини ишга солиш ва уларнинг нисбий устунликларидан фойдаланиш асосида маҳаллий саноатни ривожлантириш «драйверлари» бўлган тармоқларни аниқлаш;

тармоқларнинг ички ва тармоқлараро кооперация алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, корхоналарни глобал ишлаб чиқариш занжирларига жалб қилиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни учинчи давлатларга ҳамкорликда экспорт қилишни йўлга қўйиш;

сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган хусусий ва хорижий инвестициялар ҳамда замонавий технологияларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш;

«қўшимча қиймат занжирлари»ни кенгайтириш, ишлаб чиқариш таннархи ва харажатларини камайтириш, тайёр маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

кичик саноат ва махсус иқтисодий зоналар имкониятларидан самарали фойдаланиш ва фаолиятини мувофиқлаштириш;

замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий саноат корхоналари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, тренинг дастурларидан кенг фойдаланиш;

тармоқлар ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш мақсадида тартибга солиш муҳити ва стандартларни такомиллаштириш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 июлдан бошлаб мазкур Фармонга 1-иловада\* кўрсатилган қурилиш материалларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қуйидагилар тақдим этилади:

а) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида, шу жумладан, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган банк кредитлари суммасининг 50 фоизигача, бироқ 15 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда кафолатлар;

б) қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарига берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун қуйидагича компенсациялар:

миллий валютадаги кредитлар бўйича — Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, бироқ 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда;

чет эл валютасидаги кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 50 фоизи, бироқ 4 фоиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда;

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

в) синов лабораторияси ускуналарини сотиб олиш ва халқаро сифат менежменти стандартларини жорий этиш харажатларини қоплаш учун компенсациялар.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

2-иловага\* мувофиқ 24 та туманлар (шаҳарлар)ни қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш (кейинги ўринларда — ихтисослаштирилган туманлар);

«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ҳузурида 3-иловага\* мувофиқ таркибда Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш ташкил қилиш;

ихтисослаштирилган туманларда зарур ер участкаларини ажратган ҳолда, шу жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ҳузуридаги «PSB Capital» МЧЖ инвестиция компанияси иштирокида, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида «кичик саноат зоналари»ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Вазирлар Маҳкамаси (С. Умурзаков) «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ҳузуридаги Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш (С. Аннакличев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, икки ой муддатда, ихтисослашув соҳасини инobatга олиб, лойиҳалар амалга оширилиши таклиф қилинадиган туманлар (шаҳарлар) рўйхатини шакллантирган ҳолда 2022 — 2026 йилларда маҳаллий саноат тармоқларини жадал ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБга қурилиш материаллари саноатидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун 200 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит линияси ажратилишини таъминласин.

6. Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров) ва Молия вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан 2021 йилда:

ихтисослаштирилган туманларда саноат инфратузилмасини ривожлантириш учун 400 миллиард сўм;

геология-қидирув ишларини олиб бориш учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилишини назарда тутсин;

б) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг асослантирилган таклифларига биноан ихтисослаштирилган туманларда саноат инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ишларнинг манзилли рўйхатини тасдиқласин ва ушбу манзилли рўйхатга мувофиқ ишларнинг молиялаштирилишини таъминласин.

---

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси 2021 йил 1 октябрга қадар кимошди савдолари натижаларига кўра 500 та норуда фойдали қазилмалар конларининг инвесторларга фойдаланишга берилишини таъминласин.

8. Белгилансинки, 2021 йил 1 июлдан бошлаб 4-иловада\* кўрсатилган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган қурилиш материалларининг мувофиқлигини тасдиқлаш ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) томонидан декларация қилиш орқали амалга оширилади.

9. Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллий саноат тармоқларини ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган янги яхлит тизимни жорий этиш тўғрисидаги, қуйидагиларнинг шахсий жавобгарлигини назарда тутувчи таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Умурзаковга — маҳаллий саноатни жадал ривожлантиришга кўмаклашишнинг вертикал тизимини жорий қилиш юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига — «ички бозор эҳтиёжларини ўрганиш — импортни таҳлил қилиш — ресурс базасини аниқлаш — янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш» тамойили асосида маҳаллий саноатни ривожлантириш юзасидан.

10. Қуйидаги асосий вазифалар юклатилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи аппарати тузилмасида штатларининг умумий сони 17 бирликдан иборат бўлган Маҳаллий саноатни ривожлантириш ва кооперация алоқалари масалалари котибияти (кейинги ўринларда — Котибият) ташкил қилинсин:

маҳаллий саноатдаги идоралар ва хўжалик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг маҳаллий саноатни ривожлантириш стратегиялари ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича ишини мувофиқлаштириш;

тармоқларнинг ички ва тармоқлараро кооперация алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, тармоқлар ва ҳудудларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

ҳудудларда кичик саноат зоналари ва саноат кластерларини ишга тушириш, кичик саноат ва махсус иқтисодий зоналар имкониятларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;

ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркаларини ташкил этиш.

Белгилансинки, Котибиятнинг 6 та штат бирлиги Вазирлар Маҳкамасининг умумий штат бирликлари доирасида ҳамда қўшимча ажратиётган 11 та штат бирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг штат бирликлари ҳисобига шакллантирилади.

11. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича ёрдамчиси лавозими маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси лавозимига ўзгартирилсин. Бунда, уларнинг котибиятлари

---

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

штати Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг худудий бўлинмаларидан 2 та штат бирлигини ўтказиш ҳисобига 3 та штат бирлигигача кенгайтирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари зиммасига Котибият ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

13. 2021 йил 1 июлдан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Электрон кооперация портали маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва вилоятлар иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармалари ҳузуридаги Кичик саноат зоналари дирекциялари Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимига тўлиғича мавжуд штат бирликлари ва моддий-техника базаси билан биргаликда ўтказилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов бир ҳафта муддатда ушбу Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳасини киритсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тузилмасини ушбу Фармонда белгиланган талабларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш, унинг янги тузилмаси ва бошқарув ходимлари штат жадвалини тасдиқлаш тавсия этилсин.

16. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ҳузуридаги Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаши раиси С.С. Аннакличев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 9 июнь,  
ПФ-6244-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**331 Давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудларда замонавий иссиқхона хўжалиklarини ташкил қилиш чоратадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергия тежамкор технологияларга асосланган иссиқхона хўжалиklarини ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт ҳажмларини ошириш, шунингдек, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва малакали мутахассисларни кенг жалб қилиш, ўз бизнесига эга оилаларни кўпайтириш мақсадида:

1. Қўйидагилар республикада замонавий иссиқхона хўжалиklarини ташкил қилишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

замонавий иссиқхона хўжалиklarини, биринчи навбатда, унда етиштириладиган маҳсулотлар бўйича импортни қисқартириш ва зарур ускуна ва техникалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига ташкил этиш;

иссиқхона хўжалиklари учун уруғ, кўчат ва ўғитларнинг инвесторлар томонидан доимий етказиб берилишини ташкил этиш;

ташкил этиладиган иссиқхона хўжалиklари учун тўлиқ агросервис хизматларини кўрсатиш, малакали агрономларни бириктириш ҳамда замонавий лабораторияларни ташкил этиш;

хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда иссиқхона хўжалиklари ишчиларини ўқитиш орқали соҳа бўйича етарли кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш;

иссиқхоналар ҳосилдорлигини ва самарадорлигини йил давомида ҳосил олиш амалиётини жорий этиш орқали ошириш.

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг хорижий ва маҳаллий инвесторлар (кейинги ўринларда — инвесторлар) томонидан ишлаб чиқариладиган замонавий ва энергия тежамкор ускуна-жиҳозлардан фойдаланган ҳолда иссиқхона хўжалигига эга бўлиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш истагини билдирган аҳолининг (кейинги ўринларда — ташаббускор аҳоли) талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб:

ташаббускор аҳоли томорқалари ва хонадонларида майдони камида 10 сотих бўлган иссиқхоналар (кейинги ўринларда — иссиқхоналар) барпо этиш;

қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари, захирадаги ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган бўш ер майдонларида ҳар бирининг майдони камида 20 сотих бўлган турар жой мажмуаси-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 июнда эълон қилинган.

ни ҳам қамраб олган иссиқхоналар (кейинги ўринларда — уй-иссиқхона мажмуалари) ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Уй-иссиқхона мажмуаларини қуриш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилиш давлат-хусусий шериклик тамойили асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин. Бунда, лойиҳа доирасида:

а) давлат шериги:

қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари, захирадаги ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, шунингдек, яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган бўш ер майдонларини инвесторлар ўртасида ўтказиладиган очиқ танлов якунлари бўйича ижара ҳуқуқи асосида ажратади;

уй-иссиқхона мажмуасига ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари (жумладан, газ, сув, электр энергияси, ички йўл) тортилишини таъминлайди;

мазкур қарорнинг 4 ва 5-бандларида кўрсатилган имтиёزلарни тақдим этади;

б) инвесторлар:

лойиҳа-олди ва лойиҳа ҳужжатларининг (ТИА, чизмалар ва бошқалар) тайёрланиши ва экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

уй-иссиқхона мажмуаларини қуриш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилишга оид лойиҳаларнинг концепцияси, лойиҳа-смета ҳужжатларини «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган тартибда ишлаб чиқади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ қурилиш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилиш харажатлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини ўз маблағлари ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширади;

уй-иссиқхона мажмуалари фойдаланишга топширилган санадан бошлаб шартномада келишилган муддатгача етиштирилган маҳсулотларни ташқи ва ички бозорларда сотиш ва ҳисобини юритиш ишларини амалга оширади;

давлат шериги ва ташаббускор аҳоли билан тузилган шартномалар шартларига амал қилади;

уй-иссиқхона мажмуалари фойдаланишга топширилган санадан бошлаб келишилган муддат ва миқдорда хизмат ҳақи тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва ташаббускор аҳоли фаолият юритаётган уй-иссиқхона мажмуасини давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муддати тугагандан сўнг давлат шеригига ўтказилган ҳолда бепул тарзда ташаббускор аҳолига белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлайди;

в) ташаббускор аҳоли:

уй-иссиқхона мажмуалари фойдаланишга топширилган санадан бошлаб келишилган муддатгача тузилган шартнома асосида уй-иссиқхона мажмуаларида ўзини ўзи банд қилган ҳолда фаолият олиб боради ҳамда уларда маҳсулотлар етиштириш билан шуғулланади;

келишилган муддат якунланганидан сўнг уй-иссиқхона мажмуаларини

мулк ҳуқуқи асосида, улар жойлашган ерни ижара ҳуқуқи асосида (ижара шартномасининг амал қилиш муддатига) бепул қабул қилиб олади ҳамда келгусида ундан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлайди.

4. Белгилансинки:

а) ташаббускор аҳолини танлаш инвесторлар ва туман ҳокимликлари томонидан амалга оширилади;

б) ташаббускор аҳоли ва инвесторларнинг талаблари ҳамда имкониятларидан келиб чиқиб, улар ўртасида тузилган шартнома асосида иссиқхоналар қурилиши уларнинг хонадонлари ва томорқаларида томонларнинг ўз маблағлари, шунингдек қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

в) уй-иссиқхона мажмуалари қурилиши учун:

инвесторларнинг ўз маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар жалб этилади;

ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини (газ, сув, электр энергияси, ички йўл) тортиш ишлари маҳаллий ҳокимликларнинг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари буюртмалари асосида амалга оширилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларида «Эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш» йўналиши учун назарда тутилган марказлашган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштирилади;

г) иссиқхоналар ва уй-иссиқхона мажмуаларида маҳсулот етиштириш билан шуғулланаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4742-сон қарорида белгиланган имтиёзлар ва шарт-шароитлар татбиқ этилади.

5. Қўйидагилар:

уй-иссиқхона мажмуаларини қуриш учун хориждан олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган йиғиладиган алоҳида қисмлардан иборат тайёр ҳолдаги замонавий иссиқхоналар 2021 йилнинг 31 декабрига қадар божхона божидан озод қилинсин;

иссиқхоналар ва уй-иссиқхона мажмуаларини ишлаб чиқариш учун хориждан олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган материаллар, хом ашёлар ва бутловчи қисмлар 2023 йилнинг 31 декабрига қадар божхона божидан озод қилинсин;

иссиқхоналар ва уй-иссиқхона мажмуалари учун ер солиғи ставкалари ҳамда уй-иссиқхона мажмуалари таркибидаги турар жойлар учун мол-мулк солиғи ставкалари улар фойдаланишга топширилган санадан бошлаб уч йил давомида 50 фоиз миқдорда ўрнатилсин.

Бунда, импорт қилинадиган товарларнинг Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилиши тўғрисида экспертиза хулосаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва им-

порт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан берилади.

6. Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда уй-иссиқхона мажмуаларини қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича туман ҳокимликлари, инвесторлар ва ташаббускор аҳоли ўртасида тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг намунавий шаклини тайёрлаб, икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига тақдим этсин. Бунда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг намунавий шаклига уй-иссиқхона мажмуасидан инвесторларнинг фойдаланиш муддати ҳамда уй-иссиқхона мажмуасида турар жой ва иссиқхонанинг майдонига оид ва бошқа шартлар киритилади.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда:

уй-иссиқхона мажмуалари қурилиши учун қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари, захирадаги ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, шунингдек, ярқисқиб деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган бўш ер майдонларини аниқласин;

битта майдонда камида 100 та уй-иссиқхона мажмуасининг жойлаштирилишини назарда тутган ҳолда, уларнинг жойлаштирилиши бўйича манзилли дастур лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган манзилли дастур асосида инвесторларга уй-иссиқхона мажмуалари қурилиши учун ер майдонларининг белгиланган тартибда ижара ҳуқуқи асосида ажратилишини таъминласин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги уй-иссиқхона мажмуалари учун ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини (газ, сув, электр энергияси, ички йўл) тортиш ишларини молиялаштириш мақсадида марказлашган капитал қўйилмалар ҳисобидан маблағлар ажратилишини таъминласин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қуйидагилар бўйича асослантирилган таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

хорижий компаниялар ва малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда Бухоро туманида «Замонавий иссиқхона хўжалиги» кўргазмали семинарини ташкил этиш ҳамда унинг доирасида соҳадаги муаммо ва ечимларга қаратилган халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиш;

иссиқхона хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида уруфчилик, навчилик, лаборатория ва логистика масалаларини қамраб оладиган кластер тизимини жорий қилиш;



соҳадаги олий таълим ва профессионал таълим муассасаларида замонавий иссиқхона хўжалигини ташкил этиш, уларда касаллик ва зараркундаларга қарши курашишнинг самарали усуллари йўлга қўйиш;

б) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танлови доирасида «Энг илғор иссиқхона хўжалиги» номинациясини жорий этсин;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда замонавий иссиқхона хўжалиklarининг аҳамияти, имкониятлари ва қулайликларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилсин. Бунда иссиқхона ва уй-иссиқхона мажмуалари фаолиятини ёритиш ҳамда кенг тарғиб этишга бағишланган кўргазмалари нашрлар ва услубий қўлланмаларни яратиш ҳамда аҳолига тарқатиш чораларини кўрсин.

Ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Маҳалла», «Ўзбекистон — 24», «Ёшлар» ва маҳаллий телеканалларда замонавий иссиқхона хўжалиklarини қуриш, ресурс тежовчи илғор технологияларни кенг жорий этишга оид махсус кўрсатувлар ташкил этилишини ҳамда мунтазам намойиш этиб борилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишда масъул ва шахсий жавобгар этиб Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М. Холхўжаев белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 7 июнь,  
ПҚ-5138-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**332 Ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизими-  
ни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-  
сида\***

Ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ўқув жараёнларини амалиёт билан боғлаган ҳолда ташкил этиш, ишсиз аҳоли, жумладан, ёшлар ва хотин-қизларда замонавий касб ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, касб-хунарга ўқитиш муассасаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, мазкур жараёнда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4804-сон қарорига мувофиқ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида 16 та «Ишга марҳамат» мономарказлари, 30 та касб-хунарга ўқитиш марказлари ва 136 та маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар ташкил этилсин:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида қўшимча равишда 28 та касб-хунарга ўқитиш марказлари 1-иловага\*\* мувофиқ;

864 та фуқаролар йиғинларида тикувчилик, ошпазлик-қандолатчилик, эркаклар ва аёллар сартарошлиги, компьютер саводхонлиги, бухгалтерия ва тадбиркорлик асослари ҳамда бошқа мураккаб бўлмаган йўналишлар бўйича маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари (кейинги ўринларда — масканлар) 2-иловага\*\* мувофиқ;

вазирлик ва идоралар тасарруфида бўлган 18 та профессионал таълим муассасаларида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қисқа муддатли касб-хунарга, хорижий тилларга ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш курслари (кейинги ўринларда — қисқа муддатли курслар) 3-иловага\*\* мувофиқ.

Белгилансинки, рўйхати мазкур қарорнинг 1-иловасида белгиланган таълим муассасаларининг бино ва иншоотлари мавжуд мол-мулки ва жиҳозлари билан бирга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида касб-хунарга ўқитиш марказларини ташкил этиш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига бепул берилади.

3. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 июнда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар масканлар фаолиятини тўлиқ ташкил этсин;

тасарруфида профессионал таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 августдан бошлаб қисқа муддатли курсларни йўлга қўйсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар касб-хунарга ўқитиш марказлари, масканлар ва қисқа муддатли курсларнинг таълим жараёнига Германия, Корея, Россия, Туркия, Япония ва бошқа давлатларнинг малакали мутахассисларини жалб қилсин ҳамда молиявий ва ташкилий масалаларни ҳал этсин.

4. Туман (шаҳар) ҳокимлари касб-хунарга ўқитиш марказлари, масканлар ва қисқа муддатли курслар очилган таълим муассасаларининг фаолияти талаб даражасида ташкил этилиши, тўлиқ йўлга қўйилиши, самарали таълим хизматлари кўрсатиши учун масъул ва шахсан жавобгар этиб белгилансин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) билан биргаликда:

бир ой муддатда мазкур қарорнинг 1-илоvasида белгиланган таълим муассасаларининг бино ва иншоотларини, мол-мулки ва жиҳозларини хатловдан ўтказсин ҳамда белгиланган тартибда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига топширилишини таъминласин;

бир ой муддатда ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқласин ва ижросини таъминласин;

икки ой муддатда меҳнат бозори хусусияти, иш берувчилар талаби ҳамда туман (шаҳар) ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда касб-хунарга ўқитиш марказлари, масканлар ва қисқа муддатли курсларда ўқитиладиган касблар рўйхатини белгиласин ҳамда 2021 йил учун аҳолини касб-хунарга, хорижий тилларга ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш буюртмасини шакллантирсин;

икки ой муддатда касб-хунарга ўқитиш марказларининг малакали ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига бўлган эҳтиёжини касблар кесимида шакллантирсин ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этсин;

уч ой муддатда касб-хунарга ўқитиш марказлари, масканлар ва қисқа муддатли курсларга замонавий талабларга жавоб берадиган, юксак малака, соҳада кўп йиллик иш тажрибасига ва юқори профессионал тайёргарликка эга бўлган мутахассисларни жалб қилсин;

2021 йил 1 августга қадар касб-хунарга ўқитиш марказларини Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан замонавий ўқув асбоб-ускуналари ва жиҳозлар билан таъминласин;

2022 йил 1 январга қадар масканларни фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган маҳалла гузарлари ва давлат ташкилотларининг унумли фойдаланилмаётган бошқа бўш турган жойлари ва биноларида жойлаштирсин;

икки ой муддатда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш учун касб-хунарга ўқитиш марказлари, масканлар ва қисқа муддатли

курслар очилган таълим муассасаларини ҳудуддаги хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бириктириш чораларини кўрсин;

«маҳаллабай» ишлаш тизими орқали аниқланган ҳамда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган, банд бўлмаган фуқароларни ўқув курсларига жалб қилсин;

касб-хунарга ўқитиш марказлари, масканлар ва қисқа муддатли курслар битирувчиларини иш билан таъминлаш чораларини кўрсин, уларга тадбиркорлик, хунармандчилик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошлаш учун (давлат мулкни ижарага бериш, кредитлар ва субсидиялар ажратиш) ҳар томонлама кўмаклашсин.

#### 5. Белгилансинки:

масканларни ўқув асбоб-ускуналари ва жиҳозлар билан таъминлаш харажатлари тенг улушларда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

масканларни сақлаш ҳамда ўқиш жараёнларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

қисқа муддатли курсларни ташкил этиш ва жиҳозлаш харажатлари тасарруфида мазкур таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан, банд бўлмаган аҳолини ушбу курсларда ўқитиш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

мазкур қарорга мувофиқ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига берилаётган таълим муассасаларининг ўқувчилари ўқиши тугагунига қадар ўзлари таълим олаётган муассасада амалдаги ўқув дастурлари асосида таълим олади;

«Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари ҳамда масканларнинг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари мақоми бўйича профессионал таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига тенглаштирилади ҳамда уларга ушбу ходимлар учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ва ижтимоий ҳимоя кафолатлари татбиқ этилади;

«Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари ҳамда масканларнинг ташкилий тузилмаси, штатлар жадвали, раҳбар, ўқитувчи ва бошқа ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан мустақил белгиланади.

6. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л. Кудратов) билан биргаликда уч ой муддатда касб-хунарга ўқитиш марказлари, масканлар ва қисқа муддатли курсларда банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитишда замонавий ўқув дастурларини жорий қилиш ҳамда моддий-техник таъминотини яхшилаш учун халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг техник ҳамда молиявий кўмагини жалб қилсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) касб-хунар марказлари ҳамда масканларни сақлаш, таъмирлаш, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг иш ҳақларини тўлаш учун Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармасига зарур маблағларни ажратиб борсин.

Туман (шаҳар) ҳокимлари касб-хунарга ўқитиш марказлари, масканлар ва қисқа муддатли курсларни ташкил этиш ва лозим даражада фаолият юритиши учун ажратилаётган маблағларнинг манзилли ва самарали сарфланишини таъминласин.

7. Касб-хунарга ўқитиш марказларининг даромад манбаларини кўпайтириш ҳамда уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизими-га ўтказиш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

а) касб-хунарга ўқитиш марказларида аҳолига пуллик хизматларни кўрсатиш, шу жумладан, талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича ўқув курсларини ташкил этиш, ўқувчилар томонидан ўқув жараёнида тайёрланган маҳсулотларни сотиш ҳамда малакани баҳолаш хизматларини кўрсатиш;

б) касб-хунарга ўқитиш марказларининг таълим жараёнидан бўш бўлган ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари (асбоб-ускуналари билан бирга), бошқа бино ва иншоотларини:

нодавлат таълим ташкилотларига ишсиз фуқароларни касб-хунарга, хорижий тилларга ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш курсларини ташкил этиш учун 5 йилгача бўлган муддатга текин фойдаланишга бериш;

касб-хунарга ўқитиш марказларида таълим бераётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига, ўқитилаётган касбларга мос фаолиятни амалга ошириб келаётган ўзини ўзи банд қилган шахсларга ва тадбиркорлик субъектларига маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун 5 йилгача бўлган муддатга ижарага бериш;

в) касб-хунарга ўқитиш марказларига тегишли ер участкаларининг бўш турган қисмини тадбиркорлик субъектларига енгил конструкцияли ўқув хона ва ишлаб чиқариш цехини ташкил этиш учун 10 йилгача бўлган муддатга ижарага бериш;

г) касб-хунарга ўқитиш марказларининг таълим жараёнидан бўш бўлган спорт майдончаларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларига бериш.

8. Белгилансинки:

а) касб-хунарга ўқитиш марказларининг ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, бошқа бино, иншоотлари ва ер участкаларининг бўш турган қисми ижарага олувчи ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўртасида тузилган тўғридан-тўғри шартномага асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган энг кам ставкаларда ижарага берилади;

б) касб-хунарга ўқитиш марказларининг ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, бошқа бино, иншоотлари ва ер участкаларининг бўш

турган қисмини маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ёки енгил конструкцияли ўқув хона ва ишлаб чиқариш цехини ташкил этиш учун ижарага олган ўзини ўзи банд қилган шахслар ва тадбиркорлик субъектлари зиммасига:

касб-хунарга ўқитиш марказлари ўқувчиларининг амалиётини ўзини ўзи банд қилган шахснинг ва тадбиркорлик субъектининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жойларида ташкил этиш;

ходимлар умумий сонининг камида 30 фоизи касб-хунарга ўқитиш марказлари битирувчилари ташкил этиши бўйича ижтимоий мажбуриятлар юклатилади;

в) касб-хунарга ўқитиш марказларининг ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, бошқа бино, иншоотлари ва ер участкаларининг бўш турган қисмини ижарага беришдан тушган маблағлар мазкур марказларнинг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

9. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И. Норкулов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Ортиқов) ҳамда Савдо-саноат палатаси (А. Икромов) билан биргаликда икки ой муддатда касб-хунар марказларига тегишли ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, бошқа бино, иншоотлари ва ер участкаларининг бўш турган қисмини ижарага ва текин фойдаланишга бериш тартибини ҳамда талабгорларга қўйиладиган минимал талабларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Туман (шаҳар) ҳокимлари икки ой муддатда ижарага берилиши мумкин бўлган касб-хунарга ўқитиш марказларининг ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, бошқа бино, иншоотлари ва ер участкаларининг бўш турган қисмини ҳар бир касб-хунарга ўқитиш маркази кесимида аниқласин ҳамда уларни салоҳиятли тадбиркорлик субъектлари ва ўзини ўзи банд қилган шахсларга таклиф қилсин.

10. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) уч ой муддатда ҳудудий «Ишга марҳамат» мономарказларида юридик шахс мақомига эга бўлмаган «Ўқув-маслаҳат офислари»ни ташкил этсин.

Қўйидагилар «Ўқув-маслаҳат офислари»нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш сифатини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати, ахборот-коммуникация технологиялари, қурилиш, техникага хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, болалар, кексалар ва касалларни парвариш қилиш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича малакали хорижий ўқитувчиларни, шу жумладан, хорижда яшайдиган ватандошларни жалб этиш;

жалб этилган хорижий ўқитувчиларни малакали мутахассис етишмаётган касб-хунарга ўқитиш марказларига йўналтириш;

жалб этилган хорижий ўқитувчилар иштирокида «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари, масканлар ҳамда қисқа муддатли курслар ўқитувчилари учун маҳорат дарсларини ўтказиш.

11. Белгилаб қўйилсинки:

хорижий мутахассисларни «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларига ишга таклиф қилиш билан боғлиқ харажатлар (йўл ҳақи, таълим муассасаларига юборилгунгача бўлган яшаш харажатлари) Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан, улар таълим муассасаларида иш бошлаганидан кейин тегишли таълим муассасаси томонидан тўлиқ молиялаштирилади;

иш берувчилар «Ўқув-маслаҳат офислари»га жалб этилган хорижий ўқитувчиларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тасдиқномаларни бериш (узайтириш) учун белгиланган йиғим тўловларидан озод этилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) етакчи хорижий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг малакали мутахассислари билан музокаралар олиб борсин ҳамда уларни «Ўқув-маслаҳат офислари»га жалб қилиш чораларини кўрсин.

12. Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг (Н. Хусанов) умумий ўрта таълим муассасаларининг 9 — 11-синф ўқувчиларини асосий таълим жараёнларидан бўш бўлган вақтларида касб-хунарга ўқитиш тартибини жорий қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, мазкур тартиб доирасида:

туман (шаҳар) ҳокимликлари Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларини уларга яқин ҳудудда жойлашган «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-хунарга ўқитиш марказлари, масканлар ва қисқа муддатли курслар очилган таълим муассасаларига бириктиради;

Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) умумий ўрта таълим муассасаларининг 9 — 11-синф ўқувчиларининг касбий мойиллигини замонавий ташхислаш методларини қўллаган ҳолда баҳолайди ҳамда уларни касбга йўналтириш бўйича ишларни амалга оширади;

туман (шаҳар) ҳокимликлари Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларининг 9 — 11-синф ўқувчиларини асосий таълим жараёнларидан бўш бўлган вақтларида касб-хунарга ўқитиш ишларини ташкил қилади.

Халқ таълими вазирлиги (Ш. Шерматов) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) билан биргаликда икки ой муддатда умумий ўрта таълим муассасаларининг 9 — 11-синф ўқувчиларини касб-хунарга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «ТУМО» креатив технологиялар марказининг Тошкент шаҳридаги филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 14-мавзе манзилида жойлашган бино ва иншоотлари мавжуд мол-мулки ва жиҳозлари билан бирга Филиални ташкил этиш учун

оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига бепул берилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиқов) билан биргаликда:

2022 йил 1 мартга қадар Филиалда «ТУМО» креатив технологиялар марказининг франшизаси, дастурий таъминоти, ўқув дастурлари ва лицензияси асосида ёшларни веб-ишланмалар, графика дизайни, 3D-моделлаштириш, рақамли дастурлаш, робототехника, рақамли медиа, видеоўйинлар яратиш йўналишлари бўйича ўқитишни йўлга қўйсин;

Филиал битирувчиларини Мирзо Улуғбек туманидаги «IT-park» ва бошқа ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ташкилотларда фаолият олиб боришига жалб қилсин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг аҳолининг ишчанлик фаоллигини ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш учун балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, тикувчилик, хунармандчилик ва бошқа илғор соҳаларда кооперативларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Туман (шаҳар) сектор раҳбарлари:

икки ой муддатда кооперативларга бирлашиш истагини билдирган ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар ҳамда кооператив фаолияти йўналиши бўйича тажрибага эга етакчи тадбиркорлар рўйхатини шакллантирсин ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этсин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) ҳамда Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар ҳар бир туман (шаҳар) секторида камида биттадан кооперативлар ташкил этсин.

Белгилансинки, кооперативларга аъзо бўлган ҳар бир иш билан банд бўлмаган фуқаро учун кооператив устав фондига улуш сифатида киритиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваригача субсидия ажратилади.

Молия вазирлиги секторларда кооперативни ташкил этишда субсидиялар тўлаш учун Давлат бюджетидан Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига қўшимча 200 млрд сўм маблағ ажратсин.

15. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида вазирликнинг умумий штат бирликлари сони доирасида:

вазирнинг касб-хунарга ўқитиш ва касбий малакани ривожлантириш бўйича ўринбосари лавозими жорий қилинсин;

бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 12 нафардан иборат бўлган Касб-хунарга ўқитишни ташкил этиш ва касбий малакани ривожлантириш департаменти тузилсин.

16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2021 йил 1 июлдан бошлаб Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазир-



лигига ўзининг бюджетдан ташқари ва мақсадли жамғармалари маблағларининг бўш қолдиқларини тижорат банкларидаги депозитларга жойлаштиришдан тушган маблағларнинг 80 фоизидан ошмаган қисмини вазирликнинг Меҳнат органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармасига йўналтириш ҳуқуқи берилади;

2021 йил 1 августдан бошлаб «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ва масканлар томонидан уларнинг ўқув фаолияти учун зарур бўлган, бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача қийматдаги эҳтиёт қисмлар, хом ашё, ўқув қуроллари ва бошқа материалларни харид қилиш тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширилади.

17. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

икки ой муддатда олий таълим муассасаларининг кўп тармоқли ўқув марказлари ва амалиёт полигонлари, бўш турган бинолари ва иншоотларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифларни;

2021 йил 1 октябрга қадар профессионал таълим тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, модернизация қилиш, замонавий асбоб-ускуналар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш бўйича комплекс дастурни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

19. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этиш учун шахсан масъул ва жавобгар этиб бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 июнь,  
ПҚ-5140-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**333 Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштириш-  
га оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6199-сон ва 2021 йил 9 июндаги «Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6244-сон фармонлари ҳамда 2021 йил 3 апрелдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида»ги ПҚ-5053-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6199-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида:

Бош вазир ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозими тугатилиб, Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири лавозими киритилганлиги;

Спорт ва туризмни ривожлантириш масалалари котибияти Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибияти этиб қайта номланганлиги ва унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 15 нафар этиб белгиланганлиги. Бунда, қўшимча ажратилган 3 та штат бирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг қисқартирилган ходимлари сони ҳисобига шакллантирилганлиги;

Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти Таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти этиб қайта номланганлиги ҳамда унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 18 нафар этиб белгиланганлиги;

Давлат тилини ривожлантириш департаменти Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти этиб қайта номланганлиги ва унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 7 нафар этиб белгиланганлиги;

бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 10 нафардан иборат Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси ташкил этилганлиги. Бунда, Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси штат бирликлари Ўзбекистонга

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 июнда эълон қилинган.

оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказининг 10 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июндаги «Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6244-сон Фармони билан:

Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 17 нафардан иборат бўлган Маҳаллий саноатни ривожлантириш ва кооперация алоқалари масалалари котибияти ташкил қилинганлиги, улардан 6 та штат бирлиги Вазирлар Маҳкамасининг умумий штат бирликлари доирасида ва 11 та штат бирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг штат бирликлари ҳисобига шакллантирилганлиги;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича ёрдамчилари лавозимлари маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчилари этиб қайта номланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири зиммасига Маҳаллий саноат ва кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари котибияти ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи лавозими тугатилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — Геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи лавозими киритилсин;

в) Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти тугатилсин ҳамда унинг негизида Геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари департаменти ташкил этилсин;

г) Таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти тугатилсин ҳамда унинг негизида қуйидагилар ташкил этилсин:

Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти;

Ёшлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 269 нафардан иборат бўлган янгиланган ижро этувчи тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## 4. Белгилансинки:

Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти, Ёшлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти ҳамда Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти фаолиятини мувофиқлаштириш Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари;

Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибияти ҳамда Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси фаолиятини мувофиқлаштириш Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири томонидан амалга оширилади.

## 5. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

а) қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарорларини қабул қилсин:

Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг, Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг, Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазирининг ҳамда Бош вазир маслаҳатчиси — Геология, энергетика, саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғининг функционал вазифаларини тасдиқлашни;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг янги ташкил этилган таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлашни;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг штат жадвалига ҳамда тегишли таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни;

б) Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг янгидан ташкил этилган таркибий бўлинмаларини зарур назарий ва амалий кўникмаларга ҳамда юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4710-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 10 июнь,  
ПҚ-5143-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 10 июндаги  
ПҚ-5143-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил  
12 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид  
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4710-сон  
қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

«г» кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

«д» кичик банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. 2-банднинг биринчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

3. Илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**334 Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактаб-  
гача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш  
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мактабгача таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолига мактабгача таълим хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда соҳада нодавлат секторнинг улушини ошириш мақсадида:

1. Мактабгача таълим вазирлигида қуйидаги янги бошқарув тизими жорий этилсин, унга мувофиқ:

а) мактабгача таълим вазири (Шин):

вазирлик тизими ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, улар иши самарали ташкил этилишини таъминлайди, юклатилган вазифалар ва функциялар тўлиқ бажарилиши учун шахсан жавоб беради, мазкур ташкилотлар билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қилади;

ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни, таълим

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 июнда эълон қилинган.

ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича янги муқобил моделларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмонан камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини, уларнинг мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олинишини таъминлайди;

ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни реабилитация қилиш ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш бўйича зарур чоралар кўради;

мактабгача таълим соҳасида «комплаенс-назорат» тизимини жорий қилади ҳамда идоравий мансуб ташкилотларда коррупциянинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширади;

мактабгача таълим тизимида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш чораларини кўради, мактабгача таълим масалалари бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар билан алоқалар ўрнатади ва ҳамкорлик қилади, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилади;

б) мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари (Онорбоев):

худудларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича зарур чораларини кўради, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан умумий назоратни амалга оширади;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг соғлом ва тўғри овқатланишини таъминлайди, мактабгача таълим ташкилотларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини химоя қилиш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга оширади;

давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, шу жумладан, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини ривожлантириш чораларини кўради, бу борада маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ва манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

в) мактабгача таълим вазирининг ўринбосари (Бегимқулов):

мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этади, таълим-тарбия жараёнига малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни жалб қилади;

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти фаолиятини мувофиқлаштиради;

мактабгача таълим тизимини рақамлаштириш ишларини, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини ташкил этади ва бошқаради;

соҳада илмий-тадқиқот ва илмий-методик фаолиятни амалга оширади ва

мувофиқлаштиради, мактабгача таълим ташкилотларини ўқув ва методик материаллар, бадий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўради;

г) мактабгача таълим вазирынинг ўринбосари:

давлат мактабгача таълим ташкилотлари бино ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш, тиклаш, жорий сақлаш, шунингдек, уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

давлат мактабгача таълим ташкилотларининг эҳтиёжларини аниқлайди ва ҳар йили уларни жиҳозлаш (қайта жиҳозлаш) дастурларини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларига киритилган мактабгача таълим объектларида олиб бориладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг тизимли мониторингини олиб боради;

давлат мактабгача таълим ташкилотлари харажатлари ўз вақтида молиялаштирилишини, уларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи белгиланган тартибда юритилишини ташкил этади.

2. Мактабгача таълим вазирлиги (Шин) бир ой муддатда мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган асосий йўналишлар ҳамда жорий этилаётган янги бошқарув тизимидан келиб чиқиб:

мактабгача таълим вазири ўринбосарларининг аниқ вазифалари ва функциялари тақсимотини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда ҳудудий мактабгача таълим органларининг аниқ вазифалари ва функциялари тақсимотини тасдиқласин.

Мактабгача таълим вазирига, зарур ҳолларда, вазирлик раҳбариятининг белгиланган асосий фаолият йўналишларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Мактабгача таълим вазирлиги (Шин) ҳамда Молия вазирлигининг (Ишметов) рўйхати 1-иловада\* белгиланган болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси паст бўлган 53 та туманда 2021-2022 йилларда:

2 мингта оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш, бунинг ҳисобига 50 минг нафар тарбияланувчилар учун янги ўринлар яратиш;

умумий қуввати 11,2 минг ўриндан зиёд бўлган 100 та давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш;

қуввати 7,5 минг ўринга тенг бўлган 50 та давлат мактабгача таълим ташкилотини қуриш;

давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ҳисобига уларнинг сонини 20 мингтага етказиш ҳамда 7,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Қўйидагилар:

Ҳудудларда мактабгача таълим хизматларини кенгайтириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага\* мувофиқ;

---

\* 1-2-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш дастури 3-иловага\* мувофиқ;

2021 йил якунига қадар ҳудудларда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Мақсадли кўрсаткичларга белгиланган муддатларда тўлиқ эришиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

Мактабгача таълим вазирлиги (Шин) ҳамда Молия вазирлиги (Ишметов) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарор билан тасдиқланаётган «Йўл харитаси» ва Дастурда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминласин.

5. Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва уларнинг янада ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратиш учун 2021 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига мавжуд қувватига қараб 50 нафаргача болани тарбиялашга ҳамда тарбияланувчилар сонидан келиб чиқиб 4 нафаргача тарбиячи ва ёрдамчиларни ёллашга рухсат берилади;

оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари томонидан ёлланган (Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида — 2 нафаргача, бошқа ҳудудларда — 4 нафаргача) тарбиячи ва ёрдамчиларга тегишли тоифа бўйича қисқа муддатли ёки 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларида ва ҳажмларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан иш ҳақи тўланади;

оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳудудий мактабгача таълим бошқармалари орқали ўқув материаллари билан бепул таъминланади;

2022 йил 1 январга қадар АК «Халқ банки» томонидан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига мебель, жиҳоз ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун 30 миллион сўмгача миқдорда 3 йил муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан 5 фоизли ставкада Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган ресурслар ҳисобидан кредитлар ажратилади;

оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг раҳбарлари ва ходимларининг малакасини ошириш давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади;

рўйхати мазкур қарорга 1-иловада белгиланган туманларнинг маъмурий марказларидан ташқари жойларда янги ташкил этиладиган оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган жиҳозлаш меъёрларига мувофиқ мебель, жиҳоз ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 30 миллион сўмгача миқдорда субсидиялар ажратилади.

---

\* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

Қурилиш вазирлиги (Зокиров) ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Қўлдошев) билан биргаликда бир ой муддатда оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этиладиган аҳоли хонадонларининг қурилиш нормалари, санитария қоидалари ва меъёрларига, ёнғин хавфсизлиги талабларига мослигини, иссиқлик тизими барқарор ишлашини ҳамда керакли жиҳозлар билан таъминланганлигини ўрганиб чиқсин;

икки ой муддатда ўрганиш натижасида шакллантирилган кафолатли тадбиркорлик субъектлари рўйхатини, уларнинг кредит ресурслари, мебель, жиҳоз ва асбоб-ускуналарга бўлган талаби тўғрисидаги маълумотларни Мактабгача таълим вазирлигига тақдим этсин.

Мактабгача таълим вазирлиги (Шин, Онорбоев) оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини лозим даражада ташкил этиш чораларини кўрсин, шу жумладан, уларни ўқув-методик ва дидактик адабиётлар билан таъминласин, замонавий ўқув ускуналари, мебель ва жиҳозларни мақбул нархларда сотиб олишга кўмаклашсин.

7. Белгилансинки, 2021 йил 1 июлдан бошлаб давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун:

а) рўйхати мазкур қарорга 1-иловада белгиланган туманларда Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларида жойлаштирилган ресурслар ҳисобидан 100 та давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун 7 йил муддатга 2 йиллик имтиёзли давр билан 5 фоизлик ставкада кредитлар ажратилади;

б) рўйхати мазкур қарорга 5-иловада\* белгиланган олис ва чекка ҳудудларда жойлашган давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига:

хар бир тарбияланувчи бола учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат мактабгача таълим ташкилотининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммасининг 75 фоизи миқдорида субсидия тўланади;

«Ёшлар дафтари», «Темир дафтар» ёки «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг хар бир тарбияланувчи фарзандлари учун мазкур дафтарлар жамғармалари ҳисобидан давлат мактабгача таълим ташкилотининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммасининг 25 фоизи миқдорида субсидия тўланади. Бунда, мазкур субсидия ушбу кичик бандининг иккинчи хатбошидаги субсидияга қўшимча равишда тўланади;

в) давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига фойдаланган электр энергияси ва табиий газ хизматлари нархининг 50 фоизи миқдорида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ойлик компенсациялар тўланади;

---

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

г) 2018-2019 йилларда нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларга мувофиқ аввал берилган кредитлар бўйича имтиёзли давр муддати 2022 йил 1 январга қадар узайтирилади. Бунда, 2022 йил 1 январга қадар тўланиши лозим бўлган асосий қарз тўловлари кредит даврининг қолган қисмига тенг миқдорда тақсимланади.

Белгилансинки, мазкур қарорда «давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари» деганда оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидан ташқари бошқа шаклдаги давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тушунилади.

8. Мактабгача таълим вазирлиги (Шин, Бегимкулов) оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги коллежларда ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш чораларини кўрсин, шунингдек улар учун қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этсин.

9. Қурилиш вазирлиги (Закиров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш бўйича ташаббускор тадбиркорлик субъектлари томонидан бугунги кунга қадар бажарилган қурилиш ишлари ҳажмини ўрганиб чиқсин ҳамда ўрганиш натижаларини Мактабгача таълим вазирлигига тақдим этсин.

Мактабгача таълим вазирлиги (Шин, Онорбоев) тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, шаклланган маблағлар доирасида:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларни ўз вақтида тузиш ва амалга ошириш бўйича барча зарур чораларни кўрсин;

хусусий шерикларга имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашсин;

тадбиркорлик субъектлари томонидан битим талабларининг бажарилиши устидан доимий мониторинг ўрнатсин;

давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ўз фаолиятини ташкил этишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин.

10. Мактабгача таълим вазирлиги (Шин, Онорбоев, Бегимкулов):

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) ҳамда Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда бир ой муддатда рўйхати мазкур қарорга 1-иловада белгиланган туманларда 2021-2022 йилларда давлат мактабгача таълим ташкилотларини қуриш ва жиҳозлашнинг манзилли дастурини тасдиқласин;

янгидан ташкил этиладиган давлат мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлар таркибини етарлича педагогик иш тажрибасига, юксак касбий тайёргарликка эга бўлган, замонавий фикрловчи мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

Қурилиш вазирлиги (Закиров) мактабгача таълим ташкилотларини

қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилишини ва қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилиши устидан давлат назорати амалга оширилишини таъминласин.

11. Белгилансинки, мазкур қарорга мувофиқ янги қуриладиган давлат мактабгача таълим ташкилотларига ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиш ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиш ишлари ўз вақтида бажарилишини таъминласин ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан зарур маблағларни ажратиб борсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ой муддатда идоравий мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича йирик саноат корхоналари, хўжалик бирлашмалари ва кластерлар билан музокаралар олиб борсин;

икки ой муддатда идоравий мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган йирик саноат корхоналари, хўжалик бирлашмалари ва кластерлар рўйхатини шакллантирсин ҳамда Мактабгача таълим вазирлигига тақдим этсин.

Мактабгача таълим вазирлиги (Шин, Онорбоев, Бегимкулов) йирик саноат корхоналари, хўжалик бирлашмалари ва кластерларга идоравий мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишда услубий ёрдам кўрсатсин.

13. Молия вазирлиги (Ишметов):

а) мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2021 йилда 900 миллиард сўмгача, 2022 йилда 400 миллиард сўмгача маблағ ажратсин;

б) қуйидагиларга:

оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари томонидан мебель, жиҳоз ва асбоб-ускуналар сотиб олинишига кредитлар бериш учун АК «Халқ банки»га 3 йил муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан 2 фоизли ставкада;

рўйхати мазкур қарорга 1-иловада белгиланган туманларда давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этишга кредитлар бериш учун тижорат банкларига 7 йил муддатга 2 йиллик имтиёзли давр билан 2 фоизлик ставкада зарур ресурслар ажратиб борсин.

Бош прокуратура (Мавлонов) мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин.

14. Мактабгача таълим вазирлиги (Шин) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Садиков) билан бирга-ликда 2022 йил 1 январга қадар давлат мактабгача таълим ташкилотларида ходимларни ишга жойлаштириш, болаларни қабул қилиш, соғлом ов-

қатлантиришни ташкил этиш, мазкур ташкилотларни мебель, жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш жараёнларини реал вақт режимда мониторинг қилиш имконини берадиган ҳамда соҳада амалга ошириладиган давлат харидларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлайдиган электрон маълумотлар базасини шакллантирсин ҳамда унинг Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизими билан ўзаро интеграция қилинишини таъминласин.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (Бурхонов) Мактабгача таълим вазирлиги (Шин) билан биргаликда бир ой муддатда мактабгача таълим тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар этиб мактабгача таълим вазири А.В. Шин ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 10 июнь,  
ПҚ-5144-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 10 июндаги  
ПҚ-5144-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва  
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1252-сон қарори 2-банднинг бешинчи хатбошисидан «(кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама бундан мустасно)» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги «Мақтабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3651-сон қарорига:

а) 5-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги мазмундаги учинчи — бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«2021 йил 1 июлдан бошлаб давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига (оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидан ташқари) фойдаланган электр энергияси ва табиий газ хизматлари нархининг 50 фоизи миқдорида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ойлик компенсациялар тўлаш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб олис ва чекка ҳудудларда жойлашган давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига (оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидан ташқари) ҳар бир тарбияланувчи бола учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат мактабгача таълим ташкилотининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммасининг 75 фоизи миқдорида субсидия тўлаш;

олис ва чекка ҳудудлардан ташқари бошқа ҳудудларда жойлашган давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига (оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидан ташқари) ҳар бир тарбияланувчи бола учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат мактабгача таълим ташкилотининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммасининг 50 фоизи миқдорида субсидия тўлаш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин»;

б) 10-банди қўйидаги мазмундаги бешинчи — еттинчи хатбошилари билан тўлдирилсин:

«2021 йил 1 июлдан бошлаб оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига мавжуд қувватига қараб 50 нафаргача болаларни тарбиялашга ҳамда тарбияланувчилар сонидан келиб чиқиб 4 нафаргача тарбиячи ва ёрдамчиларни ёллашга рухсат берилади;

2021 йил 1 июлдан бошлаб оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари худудий мактабгача таълим бошқармалари орқали ўқув материаллар билан бепул таъминланади;

2021 йил 1 июлдан бошлаб оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг раҳбарлари ва ходимларининг малакасини ошириш давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади».

в) 1-иловада:

31-банднинг олтинчи хатбошисидаги «бир йилдан кейин» сўзлари «суд орқали» сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банднинг ўн иккинчи хатбошисидаги «қиладиган муддат тугамай туриб хусусий шерик мулки бўлган объектнинг у томонидан мусодара қилинишига йўл қўйилмайди» сўзлари «қилиш муддати давомида хусусий шерик томонидан унга тегишли бўлган мулкни тасарруф этиш, шу жумладан гаровга қўйиш ман этилади (ушбу низомнинг 12-13-бобларида кўрсатилган шакллардан ташқари)» сўзлари билан алмаштирилсин;

46, 57, 65, 75, 90, 97 бандлари «50 фоизи» сўзларидан кейин «(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 июндаги ПҚ–5144-сон қарори билан тасдиқланган олис ва чекка худудларда 75 фоизи)» сўзлари билан тўлдирилсин;

99-бандида «25» рақами «50» рақами билан алмаштирилсин;

102-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Битим имзоланган кундан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кучга киради.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини бошлаш ёки тугатиш Давлат хизматлари марказига хабарнома бериш орқали амалга оширилади»;

103-банд қўйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини худудий мактабгача таълим бошқармалари орқали ўқув материаллар билан бепул таъминлаш».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4797-сон қарорида:

а) 1-банднинг бешинчи хатбошисидаги «эгаси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 4-илованинг 7-позициясидаги «мартгача» сўзлари «ноябргача» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатининг 60-устундаги «шерикчиликнинг», «муассасаларини» «муассасалари» сўзлари тегишинча «шерикчиликнинг» «ташкилотларини» «ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 июлдаги 219-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар томонидан ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга 1-иловада:

а) Ходимларни ёллаган ҳолда хусусий тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган фаолият турларининг рўйхати қуйидаги мазмундаги 3<sup>1</sup> позиция билан тўлдирилсин:

«

<p>Давлат-хусусий шерикликнинг оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва услубий жиҳатдан таъминлаш шакли асосида ташкил этилган оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти</p> <p>(Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатининг 60-банди)</p>	4
---	---

»;

б) Изоҳдан «60» рақами чиқариб ташлансин.

*Изоҳ: мазкур илованинг 2 ва 5-бандлари 2021 йил 1 июлдан бошлаб кучга киради.*

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **335 Республика кўчмас мулк объектларини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 19 февралдаги ПФ–5666-сон Фармониға мувофиқ давлат кўчмас мулк объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 19 февралдаги ПФ–5666-сон Фармониға асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директориға Молия вазирлиги ва юқори турувчи манфаатдор давлат органлари розилигига мувофиқ идоравий мансублигидан қатъи назар, давлат кўчмас мулк объектларини (хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно) бир давлат ташкилоти тасарруфидан бошқа бир давлат ташкилоти тасарруфига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Республика кўчмас мулк объектларини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш тартиби тўғрисидаги низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин:

республика кўчмас мулк объектларини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига бериш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш тартиби;  
республика кўчмас мулк объектларини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига бериш бўйича қарор қабул қилиш тартиби;  
республика кўчмас мулк объектларини топшириш ва қабул қилиш ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги республика кўчмас мулк объектларини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига беришда қабул қилувчи томоннинг мазкур объектдан самарали фойдаланишини таъминлашни назарда тутсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 июнда эълон қилинган.



публикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 июнь,  
355-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 8 июндаги 355-сон қарорига  
ИЛОВА

**Республика кўчмас мулк объектларини бир давлат  
ташкilotидан бошқа бир давлат ташкilotига оператив  
бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом республика кўчмас мулк объектларини бир давлат ташкilotидан бошқа бир давлат ташкilotига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**республика кўчмас мулк объект(лар)и** — давлат ташкilotига оператив бошқарув ҳуқуқи билан тегишли бўлган мулккий комплекс (корхона), бинолар ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объект(лар) ва у(лар)нинг қисм(лар)и;

**давлат ташкilotи** — давлат органлари, давлат муассасалари, давлат унитар корхоналари ва бошқа давлат ташкilotлари.

3. Республика кўчмас мулк объектлари бир давлат ташкilotидан бошқа бир давлат ташкilotига ушбу Низомга 1-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз берилади.

4. Республика кўчмас мулк объектлари бир давлат ташкilotидан бошқа бир давлат ташкilotига тегишли кадастр ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда (қурилиши тугалланмаган объектлар бундан мустасно), оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз берилади.

5. Қурилиши тугалланмаган объектлар бир давлат ташкilotидан бошқа бир давлат ташкilotига ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарордан нус-

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ха ва қурилиш бўйича бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги тасдиқланган маълумотнома тақдим этилган тақдирда, оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз берилади.

6. Республика кўчмас мулк объектлари бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига, агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу давлат ташкилоти фаолияти тўхтатилмасдан оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз берилади.

7. Агар республика кўчмас мулк объектлари бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз берилган пайтда ушбу объект савдода турган ёки сотилиши белгиланган ёхуд тегишли ижара шартномаси расмийлаштирилган, инвесторлар билан тузилган меморандум ёки шартнома кучда бўлган бўлса, топширувчининг барча, шу жумладан, ижара шартномаси ёки инвесторлар билан тузилган меморандум ёки шартномаси бўйича, ҳуқуқ ва мажбуриятлари қабул қилувчи томонга ўтказилади.

Бунда ижара шартномаси томонлари ўртасида бошқача келишувга эришилмаган бўлса, ижара шартномаси унда белгиланган муддатга қадар ўз кучини йўқотмайди.

Ижарага олинган республика кўчмас мулк объект(лар)и бўйича томонлар ўртасида келиб чиққан низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

8. Республика кўчмас мулк объектлари бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ва давлат ташкилотларининг ташаббусларига мувофиқ Давлат активларини бошқариш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) тегишли қарори билан оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз берилади, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**2-боб. Республика кўчмас мулк объектларини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш**

9. Ташаббускор давлат ташкилоти ўзининг юқори турувчи ташкилотига (агар мавжуд бўлса) республика кўчмас мулк объект(лар)ини қабул қилиш ёки топшириш юзасидан мурожаат қилади.

10. Ташаббускорнинг юқори турувчи ташкилоти тегишли мурожаат келиб тушган кундан бошлаб ўн кун муддатда республика кўчмас мулк объект(лар)ини топширувчи ва қабул қилувчи юқори турувчи органи розилиги ёки рад этилганлиги тўғрисидаги таклифини тақдим этади.

11. Республика кўчмас мулк объект(лар)ини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш учун Агентликка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) республика кўчмас мулкнинг бир давлат ташкилотидан бошқа бир

давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз берилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва (ёки) Ҳукуматининг тегишли топшириғи нусхаси (агар мавжуд бўлса);

б) манфаатдор давлат ташкилотининг (топширувчи ва қабул қилувчи ташкилот юқори турувчи органларининг) республика кўчмас мулкни бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш тўғрисидаги келишилган таклифлари баён этилган мурожаатлари (топширувчи ҳамда қабул қилувчининг юқори турувчи органларининг розилиги).

Мазкур мурожаатларда республика кўчмас мулкни қабул қилувчи томоннинг қабул қилинган объект(лар)дан фойдаланиш мақсадлари аниқ кўрсатилиши шарт;

в) республика кўчмас мулк объект(лар)ининг кадастр ҳужжатлари нусхалари;

г) объектларнинг ушбу Низомга 2-иловада\* келтирилган намунага мувофиқ паспорти (ppt форматда) ва фотосуратлари.

12. Республика кўчмас мулк объекти тегишли бўлган давлат ташкилотининг юқори турувчи ташкилоти (агар мавжуд бўлса) раҳбари объект тўғрисида тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўғри тақдим этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

**3-боб. Республика кўчмас мулк объектларини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш бўйича қарор қабул қилиш**

13. Республика кўчмас мулк объекти тегишли бўлган давлат ташкилотининг юқори турувчи ташкилоти ёки қабул қилувчи давлат ташкилотининг юқори турувчи ташкилоти томонидан оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз берилиши белгиланган объект тўғрисидаги маълумотлар Агентликка тақдим этилади.

14. Агентлик ушбу Низомнинг 10-бандида қайд этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган кундан кейин уч кун ичида республика кўчмас мулк объект(лар)ини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш бўйича тегишли қарор қабул қилиш мақсадида хулоса олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборади.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, маълумотлар олинган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда республика кўчмас мулк объект(лар)ини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз беришда объект(лар)ни сақлаш харажатларининг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги юзасидан хулоса беради.

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Агар Молия вазирлиги томонидан хулоса белгиланган муддатда тақдим этилмаса, республика кўчмас мулк объект(лар)ини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз беришнинг мақсадга мувофиқлиги Молия вазирлиги билан келишилган деб ҳисобланади.

16. Агентлик Молия вазирлигининг хулосасини олгандан (келишилгандан) кейин бир ҳафта муддатда тегишли қарор қабул қилади ва қарор нусхасини почта алоқаси орқали манфаатдор давлат ташкилотларига юборади.

17. Агентлик республика кўчмас мулк объектларини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш тўғрисида қарор қабул қилишда республика кўчмас мулк объектларининг бутлигини ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида республика кўчмас мулк объектларини топширувчи ва қабул қилувчи ташкилотларга белгиланган тартибда қўшимча кўрсатмалар бериши мумкин.

18. Республика кўчмас мулк объектини қабул қилувчи томон қарор нусхасини ҳамда объектдан келгусида фойдаланиш мақсадларидан келиб чиқиб, объектни сақлаш харажатлари бўйича тегишли ҳисоб-китобларни беш кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиши шарт.

19. Республика кўчмас мулк объектларини топшириш-қабул қилиш ишлари Агентликнинг тегишли қарори қабул қилинганидан кейин ўн кун муддат ичида амалга оширилади.

20. Қонунчилик ҳужжатларида республика кўчмас мулк объектларини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беришнинг аниқ муддати назарда тутилган ҳолларда ушбу муддат объектларни бериш тўғрисида қабул қилинган қарорда кўрсатиб ўтилиши мумкин.

#### **4-боб. Республика кўчмас мулк объектларини топшириш ва қабул қилиш тартиби**

21. Республика кўчмас мулк объект(лар)ини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин топширувчи ва қабул қилувчи томонидан ушбу объектларни топшириш ва қабул қилиш учун тегишли комиссия таркиби тасдиқланади.

22. Топширувчи ва қабул қилувчи комиссия томонидан имзоланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси уч нусхада тузилади.

Объектни топшириш-қабул қилиш далолатномасини топширувчи ва қабул қилувчи томонларнинг раҳбарлари тасдиқлайди.

Топшириш-қабул қилиш комиссияси томонидан тасдиқланган топшириш-қабул қилиш далолатномасининг бир нусхаси комиссия тасдиқлагандан кейин ўн кун муддатда Агентликка тақдим этилади, қолган нусхалари топширувчи ҳамда қабул қилувчида қолади.

Республика кўчмас мулк объектларини топшириш-қабул қилиш учун

топширувчи ва қабул қилувчи ташкилотлар раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

23. Республика кўчмас мулк объектларини топшириш-қабул қилиш комиссияси раиси ва аъзолари ўзлари расмийлаштирган топшириш-қабул қилиш ҳужжатларининг тўлиқлиги ҳамда қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган бўлиши учун жавобгар бўладилар.

Объектни топшириш-қабул қилиш ишлари белгиланган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда, томонлар ўзаро келишган ҳолда асослантирилган сабабларни кўрсатиб, Агентликни огоҳлантиришлари шарт.

24. Қабул қилувчи давлат ташкилоти қабул қилиб олинган республика кўчмас мулк объект(лар)и белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан техник кўрикдан ўтказилади.

25. Агентликнинг республика кўчмас мулк объект(лар)ини бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига оператив бошқарув ҳуқуқи билан беғараз бериш бўйича қарори ушбу кўчмас мулк объект(лар)ига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилишига асос бўлади.

26. Республика кўчмас мулк объектлари оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бошқа давлат ташкилотига ўтган тақдирда сервитут сақланиб қолади ва сервитут белгилаш учун асослар бекор бўлган ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

### **5-боб. Яқунловчи қоида**

27. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**336 «Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар:

«Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Давлат белгиси» давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг буюртмасига мувофиқ «Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тайёрланишини белгиланган тартибда таъминласин.

4. «Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ва Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази бош директори Ш.Ҳ. Ҳабибуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 9 июнь,  
356-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 июнда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 9 июндаги 356-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак  
нишони тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак нишони (кейинги ўринларда — кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан гидрометеорология ва иқлимшунослик соҳасини ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолини гидрометеорологик ва иқлимий ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, гидрометеорология хизмати инфратузилмасини модернизация қилиш, тизим фаолиятига замонавий ахборот ҳамда сунъий йўлдош технологияларини жорий этиш ишларига катта ҳисса қўшган, ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш борасида самарали меҳнат қилган фуқаролар тақдирланади.

Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби ушбу Низомга илова\* қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

**2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун  
ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш**

4. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (кейинги ўринларда — «Ўзгидромет») тизимидаги ташкилотлар ҳамда ҳудудий гидрометеорология бошқармалари кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни ҳар йили 1 апрелга қадар «Ўзгидромет» га тақдим этади.

Номзодлар бўйича тақдим этилган таклифларга илова сифатида номзод ҳақида маълумотнома, унинг сўнгги уч йил давомида гидрометеорология соҳасида амалга оширган ишлари акс эттирилган тавсифнома тақдим этилади.

5. «Ўзгидромет» бош директори томонидан кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) ташкил этилади.

6. Комиссия йиғилишида номзодларнинг тегишли ҳужжатлари ўрганилиб, ҳар йили 20 апрелга қадар энг муносиб номзодлар бўйича якуний ҳулоса қабул қилинади.

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби**

7. Комиссия хулосаси асосида «Ўзгидромет» бош директорининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 1 майга қадар чиқарилади.

8. Кўкрак нишони ҳар йили 7 май — «Ўзгидромет» ташкил топган кун арафасида «Ўзгидромет» бош директори (ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали тарзда топширилади.

9. Кўкрак нишони билан тақдирланганларга базавий ҳисоблаш микдорининг тўрт баравари микдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилди.

10. Кўкрак нишони билан тақдирлаш, истисно тариқасида, «Ўзгидромет» бош директорининг буйруғига асосан алоҳида ҳолатларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

11. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

12. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

**4-боб. Якунловчи қоидалар**

13. «Ўзгидромет» ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодлар ҳужжатларининг ҳолисона кўриб чиқилиши учун бевожуб масъулдир.

14. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 9 июндаги 356-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**«Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак нишонининг  
ТАВСИФИ**

«Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,5 миллиметр.

Кўкрак нишонининг олд томони юқори қисмида айлана бўйлаб баландлиги 2 миллиметр бўлган «GIDROMETEOROLOGIYA XIZMATI A'LOCHISI» сўзлари ёзилган.

Кўкрак нишонининг марказий қисмида метеорология кузатувлари учун асосий ускуна бўлган автоматик метеорология станцияси, унинг ўнг томонида баланд тоғлар ва унинг ордидан чиқиб келаётган қуёш ҳамда тоғлардан қуйида гидрологияни рамзий маънода ифода этувчи уч қаторда тўлқинсимон чизиқлар акс эттирилган.



Кўкрак нишонининг пастки четлари бўйлаб фахр-ифтихор ва шараф маъноларини ифода этувчи иккита дафна япроғи тасвирланган. Дафна япроқларининг устида метеорологларнинг шамол тезлиги ва йўналиши бўйича маълумот берувчи «шамол гули» белгиси акс эттирилган.

Кўкрак нишонининг орқа томонида қавариқ айлана марказида уч қаторда харфларнинг баландлиги 2 миллиметр бўлган «GIDROMETEOROLOGIYA», «SOHASIDAGI SAMARALI», «MEHNATLARI UCHUN» сўзлари ёзилган.

Барча ёзувлар ва тасвирлар зарҳал рангда бўлиб, қавариқдир.

Кўкрак нишони илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган.

Қадағичнинг эни — 26 миллиметр, бўйи — 17 миллиметр. Қадағич эни 22 миллиметрли мовий рангдаги шойи лента билан қопланган. Лентанинг ўртасидан эни 0,5 миллиметрли иккита оқ рангли йўл вертикал ҳолатда ўтган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

#### «Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак нишони

олд томони



орқа томони



Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 9 июндаги 356-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**«Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак  
нишони гувоҳномасининг  
ТАВСИФИ**

«Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак нишони гувоҳнома-си (кейинги ўринларда — гувоҳнома) 160 x 110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) оч кўк рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган оқ рангли хошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 3,5 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «GIDROMETEOROLOGIYA», иккинчи сатрда «XIZMATI A'LOCHISI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 14 кегль), учинчи сатрда «ko'krak nishoni» («Times new Roman Bolt» шрифти, 14 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 6 миллиметр пастда «GUVOHNOMASI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17 кегль) сўзи ёзилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) «Тангир» тасвири туширилган оч ҳаво рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс этирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «GUVOHNOMA» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзи ҳамда гувоҳноманинг тартиб рақами учун «№» белгиси ва 17 миллиметрли чизик жойлашган.

Ундан 10 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.

Пастки чизикдан 6 миллиметр қуйида, марказда оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «Ozbekiston Respublikasi», иккинчи сатрда «Gidrometeorologiya xizmati markazi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.



Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «20\_\_ у. «\_\_» \_\_\_\_\_dagi», иккинчи сатрда «\_\_-sonli buyrug'iga asosan» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 5 миллиметрли уч сатр-

дан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «GIDROMETEOROLOGIYA», иккинчи сатрда «XIZMATI A'LOCHISI» (катта харфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 12 кегль), учинчи сатрда «ko'krak nishoni bilan mukofotlandi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда «Bosh direktor» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10 кегль) сўзи ёзилган.

«Гидрометеорология хизмати аълочиси» кўкрак  
нишони гувоҳномаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**337** **Гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини ундириш, қайтариш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Вазирлар Маҳкамасининг «Гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини жорий этиш тўғрисида» 2020 йил 2 июндаги 347-сон қарорига мувофиқ, шунингдек гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини ундириш, қайтариш ва ундан фойдаланиш тартибини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини ундириш, қайтариш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамаларига нисбатан утилизация йиғимларини йиғиш, ҳисоблаш, тўлаш, ундириш, шунингдек утилизация йиғимининг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган суммаларини қайтариш ва уларни ҳисобга олиш тартиби;

транспорт воситаларининг чиқиндилари билан ишлаш инфратузилмасини ташкил этиш харажатларини молиялаштириш, шунингдек транспорт воситалари чиқиндиларини йиғиш, ташиш, қайта ишлаш, зарарсизлантириш, улардан фойдаланиш ва утилизация қилиш харажатларини қоплаш тартиби;

транспорт воситаларининг утилизацияси билан шуғулланадиган ташкилотлар учун экологик ва техник талаблар ҳамда sanoat хавфсизлиги талабларини белгилаш;

транспорт воситаларининг утилизация қилиниши муносабати билан уларни ички ишлар органларида тўловлар ундирмай ҳисобдан чиқариш тартиби.

2. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқарти-

---

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 июнда эълон қилинган.

риш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 9 июнь,  
358-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 9 июндаги 358-сон қарорига  
ИЛОВА

**Гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини ундириш, қайтариш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Асосий қоидалар**

1. Ушбу Низом қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ утилизация йиғимини тўлаш талаб этиладиган гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамаларига нисбатан (кейинги ўринларда — транспорт воситалари) утилизация йиғимини ҳисоблаш, тўлаш, ундириш, ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган суммаларини қайтариш, шунингдек транспорт воситалари ўз истеъмол хусусиятларини йўқотганидан кейин ҳосил бўладиган чиқиндиларни (кейинги ўринларда — транспорт воситалари чиқиндилари) йиғиш, ташиш ва утилизация қилиш билан боғлиқ инфратузилмани ташкил этиш тартибини белгилайди.

**2-боб. Утилизация йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби**

2. Утилизация йиғимини ҳисоблаб чиқариш Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 июндаги 347-сон қарори билан тасдиқланган утилизация йиғимининг миқдорлари ва утилизация йиғими тўланадиган гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамаларининг турлари ва тоифалари рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

Утилизация йиғими транспорт воситаларини «эркин муомалага чиқариш» (импорт) божхона режимида расмийлаштирадиган жисмоний ва юридик шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сотиладиган транспорт воситалари ишлаб чиқарадиган (йиғадиган, тайёрлайдиган) жисмоний ва юридик шахслар томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

3. Утилизация йиғимини тўлаш учун ҳисобварақлари тўғрисидаги маъ-

лумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтларида Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштириш йўли билан утилизация йиғими тўловчиларига етказилади.

4. Транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда утилизация йиғими транспорт воситалари учун божхона декларацияси қабул қилинишидан олдин ёки бир вақтнинг ўзида тўланади.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган транспорт воситалари учун утилизация йиғимини тўлаш мазкур низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ амалга оширилади.

6. Транспорт воситаларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчиси ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай маҳаллий транспорт воситалари ишлаб чиқарувчиси жойлашган жойдаги солиқ органига, фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш учун ишлаб чиқарилган транспорт воситалари бўйича утилизация йиғими ҳисоб-китобларини электрон шаклда тақдим этади.

7. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилган транспорт воситалари бўйича утилизация йиғимини тўлайди.

Экспорт бозорларида сотиш учун ишлаб чиқарилган автомобиллар маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан ички бозорга сотилган тақдирда, транспорт воситалари ишлаб чиқарувчиси ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасидан кечиктирмай утилизация йиғимини тўлайди. Бунда сотилган автомобиль харидор томонидан қайтариб берилган тақдирда ҳисоб-китобга тузатиш киритилади.

8. Агар маҳаллий ишлаб чиқарувчи утилизация йиғимини тўламаган ёки белгиланган муддатларда тўлиқ ҳажмда тўламаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан белгиланган тартибда утилизация йиғимини ундириш амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган транспорт воситалари ишлаб чиқарадиган (йиғадиган, тайёрлайдиган) жисмоний ва юридик шахслар томонидан утилизация йиғимини тўлаш мазкур низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ амалга оширилади.

10. Утилизация йиғимининг тўланган ва қайта ҳисобланган суммалари ўртасида фарқ аниқланганда:

камчилик миқдори утилизация йиғимининг такрорий (тузатилган) ҳисоб-китоби тақдим этилган кундан бошлаб ўн иш куни ичида утилизация йиғимининг тўловчиси томонидан тўланади;

ортиқча тўланган (ундирилган) утилизация йиғими суммаси, тўловчининг утилизация йиғими бўйича мавжуд қарзларини қоплашига ёхуд утилизация йиғими тўловчисига қайтариш учун ҳисобга олинади.

11. Ортиқча тўланган утилизация тўловларининг қайтарилиши, ортиқча тўланган сумма қайси бюджетга ёки жамғармаларга ўтказилган бўлса, ўша бюджет ёки ўтказилган жамғарма маблағларидан утилизация йиғими

---

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тўловчисининг ёзма аризаси ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилган аризаси асосида, тегишлича божхона ва солиқ органларига ариза берилган санадан эътиборан ўн иш куни ичида амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва (ёки) Давлат солиқ қўмитаси томонидан мос равишда божхона ва солиқ назорати амалга оширилган пайтда утилизация йиғимининг тақдим этилган ҳисоб-китобларида тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланган ҳолатда, утилизация йиғими тўловчисига уларни қайта ҳисоблаш ва (ёки) тегишли ҳисоботга тузатишлар киритиш талабномасини юборади.

Утилизация йиғими тўловчиси тузатишлар киритиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда аниқлаштирилган ҳисоботни ёхуд тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда аниқланган тафовутларнинг асосномасини тақдим этиши шарт.

Утилизация йиғими тўловчисининг тақдим этган асосномаси тегишли ҳужжатлар (асосномалар) олинган кундан эътиборан ўн беш кун ичида солиқ ёки божхона органининг раҳбари (раҳбари ўринбосари) томонидан кўриб чиқилади.

Аниқланган тафовутлар бўйича тақдим этилган асосномаларига тўлиқ ёки қисман розилик берилган тақдирда, солиқ ёки божхона органи илгари юборилган талабнома бекор қилинганлиги тўғрисидаги билдириш хатини ёхуд утилизация йиғими ҳисоботига тузатишлар киритиш тўғрисидаги аниқлаштирилган талабномани утилизация йиғими тўловчисига юборади.

Утилизация йиғимининг тақдим этилган ҳисоб-китобларидаги тафовутлар ва (ёки) хатолар утилизация йиғимининг тўланмаслигига (ёки тўлиқ бўлмаган ҳажмда тўланмаслигига) олиб келган ҳолда, тўланмаган утилизация йиғимининг ундирилиши мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Утилизация йиғимини қайта ҳисоблаш ва (ёки) тегишли ҳисоботга тузатишлар киритиш ҳақидаги талабнома утилизация йиғими тўловчиси томонидан олинганидан сўнг белгиланган тартибда аниқлаштирилган ҳисобот ёки аниқланган тафовутлар бўйича асосномалар тақдим этилмаган ёхуд тақдим этилган асосномалар етарли эмас деб топилган тақдирда, тўланмаган утилизация йиғимининг ундирилиши мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Утилизация йиғими тўловчиси томонидан аниқлаштирилган ҳисоботни тақдим этилмаслиги, ёхуд аниқланган тафовутлар бўйича асосномаларни белгиланган муддатда тақдим этилмаслиги, унинг утилизация йиғимининг тўланмаган қисмини қатъий белгиланган миқдорда тўлашга розилигини билдиради.

### **3-боб. Утилизация йиғимини ундириш ва қайтариш тартиби**

13. Утилизация йиғими 100 фоиз миқдорида даромадлар бўйича ғазначилик шахсий ҳисобварағига келиб тушади.

14. Утилизация йиғими тўловчиси томонидан утилизация йиғими тўлан-



маган (ёки тўлиқ бўлмаган ҳажмда тўланган) тақдирда, ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган муддатларда утилизация йиғимини ундириш бўйича солиқ ва божхона органлари тегишлигига кўра утилизация йиғими тўловчисига мавжуд қарздорликни бартараф этиш тўғрисидаги талабномани юборади.

Утилизация йиғими бўйича қарздорликни тўлаш тўғрисидаги талабномада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

талабнома қўйилиши асослари;

утилизация йиғимини тўлаш бўйича қарздорликнинг талабнома қўйилган пайтдаги суммаси;

талабномани бажариш учун белгиланган муддат;

тўловчи томонидан талабнома бажарилмаган тақдирда, утилизация йиғимини тўлаш бўйича қарздорликни суд тартибида ундириш тўғрисида огоҳлантириш.

15. Утилизация йиғимини тўлаш бўйича қарздорликни тўлаш тўғрисидаги талабнома бундай қарздорлик юзага келганлиги факти аниқланган кундан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай, тўловчи томонидан ушбу талабнома олинганлиги фактини ва олиш санасини тасдиқлаш имконини берадиган ҳар қандай усулда тўловчига юборилиши керак.

Утилизация йиғими бўйича қарздорликни тўлаш тўғрисидаги талабномани бажариш муддати талабнома тўловчига топширилган ёки у тўловчи томонидан олинган куннинг эртасидан эътиборан ўн иш кунини ташкил этади.

16. Жисмоний шахслардан утилизация йиғимини тўлаш бўйича қарздорликни ундириш суд тартибида амалга оширилади, якка тартибдаги тадбиркорлар бундан мустасно.

17. Утилизация йиғимини тўлаш бўйича қарздорликни тўловчининг банк ҳисобварақларида турган пул маблағлари ҳисобидан ундириш божхона ёки солиқ органи томонидан банкка пул маблағларининг сўзсиз тартибда ундирилиши тўғрисидаги инкассо топшириқномасини юбориш орқали амалга оширилади.

Тўловчининг ҳисобварақларига хизмат кўрсатаётган банк утилизация йиғимини ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида бажаради.

18. Утилизация йиғимини тўлаш бўйича қарздорликни тўловчининг мол-мулкни реализация қилишдан тушган пул маблағлари ҳисобидан ундириш унинг ҳисобварақларида инкассо топшириқномаси қўйилган пайтдан эътиборан олти ойдан кўпроқ муддатда пул маблағлари бўлмаган тақдирда қўлланилади.

Утилизация йиғимини тўлаш бўйича қарздорликни тўлаш ҳисобига ундирувни мол-мулкка қаратиш тегишли божхона ёки солиқ органининг даъво аризасига асосан суд тартибида амалга оширилади.

#### **4-боб. Транспорт воситалари чиқиндиларини йиғиш, ташиш ва утилизация қилиш билан боғлиқ инфратузилмани ташкил этиш тартиби**

19. Ўз истеъмол хусусиятларини йўқотган барча турдаги транспорт воси-

талари уларнинг эгалари (мулкдорлари) томонидан утилизация қилувчиларга топширилганда, транспорт воситалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ транспорт воситаларини рўйхатга олиш (рўйхатдан чиқариш) ваколатига эга ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилиши лозим.

20. Транспорт воситаларини утилизация қилиниши муносабати билан улар ички ишлар органларида тўлов ундирилмасдан ҳисобдан чиқарилади. Бунда ҳисобдан чиқариш ҳақидаги ариза ички ишлар органларида бир иш куни ичида кўриб чиқилади.

21. Транспорт воситалари ўз истеъмол хусусиятларини йўқотганидан кейин ҳосил бўладиган чиқиндилар билан боғлиқ ишларни бажариш бўйича инфратузилмани ташкил этиш утилизация қилувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

22. Транспорт воситасини утилизация қилиш учун топширилганда утилизация қилувчи ташкилот ва транспорт воситасининг мулкдори ўртасида шартнома тузилади ва бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади.

23. Утилизация йиғими тўланмаган транспорт воситаларининг утилизация қилиниши утилизация қилувчи томонидан транспорт воситаларини турлари ва тоифаларига кўра уларнинг утилизацияси учун сарфланган харажатлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда утилизация қилувчи ташкилот ва транспорт воситасининг мулкдори ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

24. Транспорт воситаларини утилизация қилувчи ташкилот ҳосил бўладиган рангли ва қора металл парчалари, чиқиндиларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ рангли ва қора металл парчаларини тайёрлаш (харид қилиш) бўйича ягона ваколатли орган — «Ўзбекистон иккиламчи металл» АЖ ва «Ўзметкомбинат» АЖга топширадилар.

Қабул қилинган металл парчалари учун тўлов пул маблағлари шаклида бозор асосида аниқланадиган эркин (шартномавий) нархлар бўйича, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўлов усулларида амалга оширилади.

**5-боб. Утилизация қилиш натижасида ҳосил бўлувчи  
иккиламчи хом ашё ёки бошқа чиқиндиларни тўплаш ва  
вақтинча сақлаш тартиби**

25. Транспорт воситаларини утилизация қилишда улар, биринчи навбатда, қисмларга бўлиниши ва тури бўйича алоҳида тўпланиши лозим, шу жумладан: транспорт воситаларининг барча суюқ компонентлари — ёқилғи, мойлар, техник суюқликлар (совитиш, тормоз суюқлиги, ойна ва чироқларни ювиш воситалари ва ҳ.к.) ажратиб олиниши;

шиналар, аккумуляторлар, мой ва ҳаво филтрлари, хавфсизлик ёстиқчалари, бамперлар, шиша ва металл бўлмаган бошқа қисмлар ечиб олиниши керак.

26. Утилизация қилиш натижасида ҳосил бўлувчи иккиламчи хом ашё ёки бошқа чиқиндиларни тўплаш ва сақлаш, уларнинг келиб чиқиши, аг-

регат ҳолати, хавфлилик даражаси ва фойдаланиш имкониятларига кўра, алоҳида сараланган (ажратилган) ҳолда амалга оширилади.

27. Транспорт воситалари чиқиндиларини тўплаш ва сақлаш жойлари қуйидаги талабларга:

тупроқ қатлами транспорт воситалари чиқиндилари билан ифлосланишининг олди олинишини таъминлайдиган қопламага (сув ўтказмайдиган, асфальт, бетон) эга бўлиши;

фуқаролар соғлиги ҳамда атроф-муҳитга зарарли таъсирдан муҳофаза қилишни таъминловчи, алоҳида сақланиши талаб этиладиган иккиламчи хом ашё ва чиқиндиларни вақтинча сақлаш учун контейнерлар, чиқинди қутилари ва чиқиндиларни сақлашнинг бошқа идишлари (сигимлар) билан таъминланган бўлиши;

тунги ташқи ёритиш тизимига эга бўлиши;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бериши шарт.

28. Транспорт воситалари чиқиндиларини утилизация қилиш жараёнида ҳосил бўлувчи чиқиндиларни вақтинча сақлаш уларнинг хавфлилик даражасига кўра:

хавfli чиқиндилар (компонентлар) мажбурий тартибда контейнерлар, чиқинди қутилари ва чиқиндиларнинг фуқаролар соғлиги ҳамда атроф-муҳитга зарарли таъсирдан муҳофаза қилишни таъминловчи бошқа идишларда (сигимларда) амалга оширилади;

хавфсиз чиқиндилар вақтинча сақлаш жойларининг очиқ майдончаларида сақланиши мумкин.

Хавfli чиқиндиларни вақтинча сақлаш жойларида мазкур чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жараёнларига алоқадор бўлмаган шахсларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

### **6-боб. Мазкур Низомга риоя этилишини назорат қилиш**

29. Утилизация йиғими маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат молиявий назорати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

30. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари транспорт воситалари чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилигига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини таъминлайдилар.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

31. Мазкур Низомнинг тўғри қўлланилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**338 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида кредит-модуль тизими-ни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида кредит-модуль тизimini жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон Фармонига мувофиқ Тошкент давлат юридик университети ҳамда юридик техникумларда кредит-модуль тизimini (Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизimini) жорий этиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент давлат юридик университетида ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумларида таълимнинг кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг қуйидаги тизimini жорий этишни назарда тутувчи Тошкент давлат юридик университетида таълимнинг кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларида таълимнинг кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ўқув режаси мажбурий ва танлов фанлари асосида ишлаб чиқилади ҳамда таълим олувчига ўзининг таълим дастурини мустақил шакллантириш имконияти яратилади;

таълим олувчи томонидан муайян модуль (фан) бўйича ўзлаштирилган ўқув юкмаси кредитлар асосида ҳисобланади;

Тошкент давлат юридик университетида бакалаврият ва магистратурада ўқув йили (семестр) бошида талабаларнинг шахсий таълим траекторияси шакллантирилади, талабалар фан (модул) ва ўқитувчиларни танлаш бўйича рўйхатдан ўтказилади ҳамда академик гуруҳлар тузилади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумларида ўқув йили (семестр) бошида ўқувчиларнинг шахсий таълим траекторияси шакллантирилади, ўқувчилар фан (модул) ва ўқитувчиларни танлаш бўйича рўйхатдан ўтказилади ҳамда академик гуруҳлар шакллантирилади;

хар ўқув йилида ўқув режасига мувофиқ дарс жадвали шакллантирилади ва ўқув жараёни амалга оширилади ҳамда доимий равишда таълим натижалари бўйича талабанинг кредитлари ҳисобланади.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 июнда эълон қилинган.

3. Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

Тошкент давлат юридик университетидида таълимнинг кредит-модуль тизими тўлиқ жорий этилади, бунда Тошкент давлат юридик университети таълим дастури каталоги ва ўқитиш шароитлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда долзарб ахборотлар унинг расмий веб-сайтида таълим бериладиган барча тилларда ўқув йили бошланишидан камида бир ой олдин жойлаштирилади ва доимий равишда янгилаб борилади;

таълим сифатини ошириш ва профессор-ўқитувчилар ўртасида рақобатни шакллантириш мақсадида Тошкент давлат юридик университети кенгаши қарорига асосан талабаларга фан доирасида профессор-ўқитувчиларни танлаш имконияти берилади. Бунда талабалар таълим жараёнини бошқариш ахборот тизими портали орқали ўқув семестри бошида танланган профессор-ўқитувчининг машғулотида иштирок этиш учун онлайн тарзда рўйхатдан ўтади;

юридик техникумларда таълим сифати, педагогик фаолият даражаси, ўқув-методик ишлар, ўқувчилар ва битирувчилар билимини тавсифловчи маълумотлар базасини тизимли шакллантириш ҳамда уларни рейтинг индикаторларига мувофиқ баҳолаш асосида юридик техникумларнинг ҳар йили янгилаб бориладиган рейтинги юритилади;

юридик техникумларда хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурларини тугатгандан сўнг, ушбу хорижий олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттирган ва уни муваффақиятли тамомлаган шахсларга (юридик техникум битирувчиларига) хорижий олий таълим муассасаларининг белгиланган шаклда берилган дипломлари (бакалаврият, магистратура) Ўзбекистон Республикасида қўшимча маъмурий тартиб-таомиларсиз олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда:

Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда юридик техникумларнинг рейтингини аниқлаш тартибини тасдиқлашни белгилловчи қарор лойиҳасини киритсин;

Тошкент давлат юридик университети ҳамда юридик техникумларда кредит-модуль тизими жорий этилиши муносабати билан «юриспруденция» соҳасидаги мутахассисликларнинг малака талаблари, ўқув режаси ва фан дастурлари такомиллаштирилишини ҳамда ташкилий масалаларга доир ҳужжатлар намуналари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 30 октябрдаги 677-сон қарорига 3-иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 10 июнь,  
359-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 10 июндаги 359-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университетида таълимнинг  
кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Тошкент давлат юридик университетида (кейинги ўринларда — ТДЮУ) таълимнинг кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. ТДЮУ ўқув жараёнида кредит-модуль тизими Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа модели (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS)га мувофиқ ташкил қилинади.

Агар ТДЮУ томонидан бошқа олий таълим ташкилотлари билан қўшма таълим дастурлари доирасидаги шартномаларда ушбу Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар назарда тутилган бўлса, шартномада белгиланган қоидалар қўлланилади.

ТДЮУда ташкил қилинган хорижий тил ва ҳуқуқни ўрганиш марказларида талабалар томонидан ўрганилган модуллер ТДЮУ кенгаши томонидан ўзлаштирилган деб тан олиниши ҳамда кредит берилиши мумкин.

3. Ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этишнинг ташкилий масалаларига оид маълумотлар, жумладан, таълим дастури, фанлар каталоги, академик мобилликни таъминлаш, кредитларни тан олиш ва кўчириб ўтказишга тааллуқли ҳужжатлар ҳамда дипломга илованинг шакллари, шунингдек академик мобиллик даврида талабанинг билим даражасини аниқлаш бўйича кўрсаткичлар ва бошқа зарур ҳужжатлар намуналари ТДЮУ томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**академик мобиллик** — ТДЮУ талабаларининг муайян вақт мобайнида республика ҳудудидаги ёки хорижий давлатдаги бошқа бир олий таълим ташкилотига ўқиш мақсадида бориши;

**кредит** — таълим олиш натижаларига кўра талаба томонидан муайян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкламасининг ўлчов бирлиги;

**кредитларни кўчириш** — талабаларнинг академик мобиллигини таъминлаш мақсадида бир олий таълим ташкилоти таълим дастури бўйича олинган кредитларни бошқа олий таълим ташкилотига кўчириш ва тан олиш;

**кредит тўплаш** — таълим элементларини ўзлаштириш ва бошқа ютуқларга эришиш натижасида тақдим этиладиган кредит бирликларини тўплаш;

**мобиллик дастури** — икки ёки ундан ортиқ олий таълим ташкилоти ўртасида ўзаро таълим тўғрисидаги келишув асосида ташкил этилган академик мобиллик дастури;

**олий таълим ташкилоти** — белгиланган миқдордаги кредитларни тан олишни ҳисобга олган ҳолда, таълим ва малака тўғрисидаги хужжат берувчи ташкилот;

**талабанинг шахсий таълим траекторияси** — талаба томонидан танланган ҳамда унга кетма-кетликда билимлар тўплаш ва хоҳлаган компетенциялар йиғиндисига эга бўлиш имкониятини берадиган йўналиш (маршрут). Таълим траекторияси институционал хужжатлар ва йўриқномалар ёрдамида тузилиши ҳамда турли таълим траекториялари натижада бир хил малака олишга олиб келиши мумкин;

**таълим дастури** — бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув жараёнини амалга оширишга мўлжалланган таълимнинг асосий хусусиятлари (ҳажми, мазмуни, режалаштирилган натижалар), ташкилий-педагогик шарт-шароитлар, фан дастурларига қўйилган умумий талаблар, шунингдек, таълимни ташкил этиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот-ресурс ва ўқув-методик кўрсатмалар мажмуи;

**таълим дастури каталоги** — олий таълим ташкилоти тавсифи, кредит-модуль тизимидаги кириш, мавжуд бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари, хизматлар ва ресурслар, ўқув фанлари дастурлари, аниқ таълим дастурлари элементлари тавсифи тўғрисидаги ахборот;

**таълим жараёнини бошқариш ахборот тизими** — талабаларни рўйхатга олиш, ўқув материалларни тарқатиш, талабалар ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, топшириқларни бериш, назоратлар ўтказиш, баҳолаш ва унинг натижаларини қайд этиш каби имкониятларга эга бўлган электрон тизим (махсус дастурий восита);

**таълимнинг кредит-модуль тизими** — таълим олувчига йўналтирилган, таълим олиш, таълим бериш ва таълим олувчилар билимини баҳолаш жараёнларининг шаффофлиги тамоёйили асосида кредитларни йиғиш ва ўтказишдан иборат тизим;

**таълим модули (модуль)** — бу ўзида билимга оид ҳамда касбий жиҳатларни қамраб оладиган, талабада билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган таълим дастурининг таркибий элементи сифатида назорат қилишнинг тегишли тури билан яқунланадиган алоҳида ўқув фани (унинг қисми ёки ўзаро бир соҳага доир фанлар мажмуи);

**таълим натижалари** — талаба томонидан ўзлаштирилган ва баҳо билан тасдиқланган малака даражасини акс эттирадиган, таълим жараёнини тугатгач талаба ўзлаштирган кўникмалар ва уларни амалда бажариш қобилиятининг тавсифи;

**таълим элементлари** — таълим дастурининг бир қисми бўлиб, таълим олиш натижаларига эришиш ва таълим дастурида кўрсатилган билимларни ўзлаштиришга қўмаклашувчи ўқитиш тури;

**транскрипт** — таълим олишнинг тегишли даврида ўзлаштирилган кредитлар ва баҳоларнинг ҳарф ва рақамлардаги ифодаси кўрсатиб ўтилган фанлар рўйхатини ўз ичига олган белгиланган шаклдаги ҳужжат;

**ўқиш юкмаси** — талаба томонидан ўқув фаолиятининг барча турлари — маъруза, амалий машғулот, семинар, лаборатория иши, курс лойиҳаси (иши), амалиёт ва мустақил ишни амалга ошириш асосида қутилган ўқув натижаларига эришиш учун зарур бўлган соатлар ҳажми;

**рўйхатга олиш хизмати** — таълим жараёнини бошқариш ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлардан фойдаланиб профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар бўйича таълим жараёнига оид маълумотлар базасини шакллантиришни, шунингдек, талабаларнинг барча ўқув натижаларини рўйхатга олиш, билимини назорат қилиш ҳамда уларнинг академик рейтингини ҳисоблашнинг барча турларини ташкил этишни назарда тутувчи хизматлар;

**GPA (Grade Point Average)** — таълим олувчининг дастур бўйича ўзлаштирилган баллари ўртача қиймати бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$GPA = \frac{K_1 * U_1 + K_2 * U_2 + K_3 * U_3 \dots + K_n * U_n}{K_1 + K_2 + K_3 \dots + K_n}, \text{ бунда: } GPA$$

K — ҳар бир фан/модулга ажратилган кредитлар миқдори;

U — ҳар бир фан/модуль бўйича талаба тўплаган балл.

Бунда, талаба фақат фан/модулни муваффақиятли яқунлаган тақдирда, ушбу фан/модуль бўйича кредит берилади.

5. ТДЮУда кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш мазкур Низомга иловага\* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

## 2-боб. Таълим дастури тузилмаси

6. Ўқув йили учун таълим дастури тузилмаси бир ёки бир нечта модулардан иборат таълим элементларидан ташкил топган бўлиб, ТДЮУ кенгаши томонидан тасдиқланади. Таълим дастури таълим олиш натижаларига мос бўлган ва кредитларда ифодаланган ўқув машғулотлари, илмий лойиҳалар, мустақил таълим, амалиёт, стажировка, ижтимоий ва жамоат фаолияти ва бошқа таълим элементларидан иборат бўлиши мумкин.

7. Таълим дастури тузилмаси унинг ҳар бир таълим элементига мос

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



келадиган таълим олиш натижаларини кўрсатган ҳолда, бир академик ўқув йилига 60 кредитга мос келишини ҳисобга олиб ишлаб чиқилади. Таълим дастурида кредитларнинг миқдори ўқув юкмаси асосида кўрсатилади.

8. Талабаларнинг таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштиришлари ҳамда талаб қилинган малакага эга бўлишлари учун талаблар аниқ белгиланади. Ўзлаштириш қоидалари танланган таълим дастури бўйича ўқитишнинг турли босқичлари учун белгиланган кредитлар миқдорида ёки кредитлар оралиғида ифодаланиши мумкин.

9. Таълим дастурининг талабалар томонидан муваффақиятли бажарилишига ёрдам бериш учун ТДЮУнинг тегишли бўлинмалари ва ходимлари, шу жумладан, таълимнинг кредит тизимини бошқаришга масъул бўлими, тьютор томонидан маслаҳат ва тушунтиришлар бериб борилади. Маслаҳат доирасида талабаларга таълим олиш натижасида эришган ютуқлар ва тажрибани тан олиш имкониятлари тушунтирилади.

10. ТДЮУ таълим дастури каталоги ва ўқитиш шароитлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда долзарб ахборотлар ТДЮУнинг расмий веб-сайтида таълим бериладиган барча тилларда (ўзбек, рус, инглиз ва б.) ўқув йили бошланишидан камида бир ой олдин жойлаштирилади ва доимий равишда янгилаб борилади.

11. Таълим дастури ва унинг элементларини амалга оширишга масъул ўқитувчилар таълим дастурида кўрсатилган натижалар билан таълим бериш ҳамда баҳолаш жараёнлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашлари лозим.

### **3-боб. Ўқув юкмасларини ҳисоблаш. Ўқув жараёнини режалаштириш, мониторинг ва таълим сифатини таъминлаш**

12. Ўқув жараёни ўқув ва назорат тадбирлари мажмуини ўз ичига олади. Ўқув тадбирларида барча турдаги аудитория машғулотлари, амалиёт ва мустақил ишларнинг ташкил этилиши назарда тутилади. Назорат тадбирлари таълим олувчиларнинг ўқув режасидаги тегишли фанлар бўйича билимларни ўзлаштиришини ва уларнинг натижаларини баҳолашни назарда тутлади.

13. Ўқув жараёни талабалар, профессор-ўқитувчилар ва маъмурият ўртасида очиқ мулоқот шаклида талабага йўналтирилган ёндашув асосида режалаштирилади. Ушбу жараёнда талабаларнинг талаб ва истаклари муҳокама қилинади. Барча манфаатдор томонлар таълим дастурининг яратилиши ва ўзлаштирилишининг конструктив муҳокамасига жалб этилиши мумкин. Бундай муҳокамаларда талабалар вакиллари овоз бериш ҳуқуқи орқали иштирок этишлари мумкин.

14. Ўқув жараёнини режалаштириш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

таълим дастури каталоги ва ўқув режасини ишлаб чиқиш;  
фанларнинг дастурларини (силлабусни) ишлаб чиқиш;

ўқув режаси ва танлов фанлари рўйхатига мос равишда тьютор ёрдами ва факультет декани томонидан йўналиш бериш орқали талабаларнинг шахсий таълим траекториясини шакллантириш;

ўқув жараёни жадвалини тузиш;

академик гуруҳлар бўйича ўқув машғулоти жадвалини тузиш.

Ўқув режасига талабалар томонидан ихтиёрий равишда ўзлаштирилган қўшимча кредитлар ажратилган таълим элементлари киритилади. Талабанинг жамоат ишларидаги, илмий тўғараклар, юридик клиникалар фаолиятидаги иштироки ҳамда хорижий мутахассислар томонидан ўтказилган қисқа муддатли курслардаги иштироки рағбатлантирилиб, кредитлар ажратилади.

Талаба ўқув юкласидан ташқари ўз ихтиёрига кўра рўйхати тақдим этиладиган қўшимча фанларни (модуллари) ёки бошқа факультет ва таълим йўналиши ўқув режасининг танлов фанларида мавжуд фанлар рўйхатидан қўшимча фанни танлаб тўлов-контракт асосида ўқишига рухсат этилади. Бунда қўшимча ўзлаштирилган фанлар талаба ўқув юкласига (кредитлар ҳажмига) қўшилади ҳамда диплом иловасида қайд этилади.

15. Семестр давомида талаба томонидан тўпланиши лозим бўлган кредитлар миқдори ўқув режасида кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади. Мажбурий ва танлов фанлари таркиби ва уларни ўрганишга ажратилган кредитлар миқдори ТДЮУ томонидан мустақил белгиланади. Талабалар шахсий таълим траекториясида белгиланган танлов фанлари доирасида фанларни мустақил танлаши мумкин.

Бакалаврият (магистратура) талабаси ўқув режасида назарда тутилган давлат аттестациясини муваффақиятли топшириб, ўқув режасида белгиланган кредит миқдорини жамлаганда, бакалавр (магистр) даражасига эга бўлади.

16. Ўқув йили давомийлиги ТДЮУ кенгаши томонидан белгиланади.

Кредит-модуль тизимида 1 кредит ўртача 25 — 30 соатлик ўқув юкласига тенг. Яъни талаба муайян фандан тегишли кредитларни тўплаши учун маълум миқдордаги ўқув юкласини ўзлаштириши зарур. Ўқув юкласи бакалавриятда — 40 — 50% аудитория соати, 50 — 60% мустақил иш соатига, магистратурада — 30 — 40% аудитория соати, 60 — 70% мустақил иш соатига бўлинади. Ўқув режасига мувофиқ амалиёт ва битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси учун ҳам кредитлар ажратилади. Кредитнинг соатлардаги миқдори ва ўқув юкласи миқдори ТДЮУ кенгаши томонидан белгиланади ва ТДЮУ веб-саҳифасида шаффоф тарзда жойлаштирилади.

Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида талаба одатда бир семестрда 30 кредит, бир ўқув йилида 60 кредит тўплаши белгиланади. Семестр давомида талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган кредитлар ҳажми ўқув режасида кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади. Талаба ўзининг шахсий таълим траекториясини шакллантиришда ҳар бир семестр учун 30 кредит ҳажмидаги фанларни ўзлаштиришни назарда тутиши, улар таркибида ўқув режасидаги мажбурий фанлар бўлиши шарт.

Талаба бакалавриатда ўқиш муддати камида 3 йил бўлганда 180 кредит, ўқиш муддати камида 4 йил бўлганда 240 кредит тўплаши зарур. Магистратурада ўқиш муддати камида 1 йил бўлганда 60 ёки 90 кредит, ўқиш муддати камида 2 йил бўлганда 120 кредит тўплаши талаб этилади.

17. Ўқув жараёнининг мониторинги таълим олишнинг белгиланган натижаларига эришиш, номинал меҳнат ҳажми ҳамда уларнинг ҳаққонийлиги ва мослигини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

18. Таълим сифати самарадорлиги ТДЮУ томонидан ишлаб чиқиладиган таълим дастурининг ваколатли ташкилотлар тавсифномалари ва талабаларига мослигини таъминлаш билан белгиланади.

Таълим сифатини ошириш ва профессор-ўқитувчилар ўртасида рақобатни шакллантириш мақсадида ТДЮУ кенгаши қарорига асосан талабаларга фан доирасида профессор-ўқитувчиларни танлаш имконияти берилади. Бунда талабалар таълим жараёнини бошқариш ахборот тизими портали орқали ўқув семестри бошида танланган профессор-ўқитувчининг машғулотида иштирок этиш учун онлайн тарзда рўйхатдан ўтади.

19. Академик қарздор талабаларнинг ташаббуси билан мавжуд академик қарзларни топшириш мақсадида ёзги семестр ТДЮУ томонидан таътил вақтида пулли асосда ташкил этилиши мумкин.

Ёзги семестрнинг давомийлиги академик тақвим асосида бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ва курслар бўйича белгиланади.

Ёзги семестр қўйидаги регламент асосида ташкил қилинади:

талаба ёзги семестр бошлангунига қадар ТДЮУ ўқув-услугий бошқармасига ўзининг ёзги семестрда ўқиши истагини билдиради;

ТДЮУ ушбу талабаларга ёзги семестр учун дарс жадвалини тузади ва талаба тўлов пулини тўлаганидан сўнг дарсларга киритилади;

ёзги семестр амалдаги баҳолаш тизими асосида талабалар билимини шаффоф баҳолаш тамойилига кўра ташкил қилинади.

Ёзги семестрда жалб қилинган профессор-ўқитувчиларга соатбай асосида иш ҳақи тўланади.

20. ТДЮУда ўқув юкламалари ҳажми, ўқув машғулотлари соати (контакт ёки академик соат), бир кредитнинг жами соатлари ва уларнинг бўлиниши ТДЮУ кенгаши томонидан белгиланади.

#### **4-боб. Академик мобиллик ва кредитларни тан олиш**

21. Академик мобилликни таъминлаш ва талабанинг кредитлари олий таълим ташкилоти томонидан тан олинишида қўйидаги ҳужжатлардан фойдаланилади:

таълим дастури (фанлар) каталоги;

таълим тўғрисидаги келишув, маълумотнома ва сертификат.

Мазкур ҳужжатлар таълим олиш натижаларини акс эттиради ва олий таълим ташкилотига кредитларни тан олиш ва кўчириб ўтказиш учун асос ҳисобланади.

22. Таълим тўғрисидаги келишувга мувофиқ ТДЮУ томонидан академик мобиллик доирасидаги талабанинг барча кредитлари таълим дастурини ўзлаштиришда талабага қўшимча топшириқларсиз ҳисобга олинади.

23. Талаба жўнатувчи олий таълим ташкилоти тавсиясига асосан қабул қилувчи олий таълим ташкилотига академик мобилликни амалга ошириш учун зарур ҳужжатларни топширади. Жўнатувчи олий таълим ташкилоти томонидан талабага белгиланган шаклдаги транскрипт тақдим этилади.

24. Талабанинг академик мобиллик даврида ўзлаштирилиши белгиланган таълим элементларини жўнатувчи олий таълим ташкилотининг розилигисиз ва у билан келишмасдан ўзгартириш мумкин эмас. Хориждаги ҳамкор олий таълим ташкилотларининг таълим дастурларида белгиланган таълим олиш натижалари жўнатувчи олий таълим ташкилотининг таълим дастури бўйича таълим олиш натижаларига мос келиши ёки уларни тўлдириши лозим. Академик мобиллик вақтида академик йил кўрсаткичлари таҳлил қилинади ва ушбу Низомга асосан кредитлар тан олинishi белгиланади.

25. Қабул қилувчи олий таълим ташкилотида талаба томонидан ўзлаштириладиган ўқув элементларининг тўплами ва улар ТДЮУ таълим дастурига интеграция қилинганлиги таълим тўғрисидаги келишувда аниқ кўрсатилган бўлиши лозим. Қабул қилувчи олий таълим ташкилотида ўзлаштириладиган кредитлар миқдори хорижда ўқиш даврига (3 — 6 ой ёки 1 — 3 йил) мутаносиб бўлиши керак. Жўнатувчи олий таълим ташкилоти томонидан академик мобиллик даврида талабанинг ўзлаштирган (тўлиқ ёки қисман) кредитлари тан олинади.

Талаба жўнатувчи олий таълим ташкилотига қайтиб келгач, академик мобиллик даврида тўпланган кредитлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда ТДЮУ кенгаши томонидан белгиланган тартиб-қоидалар асосида уни кейинги курсга ўтказиш ёки курсда қолдириш белгиланади.

26. ТДЮУ академик мобиллик дастури бўйича режалаштирилган таълим элементларини ўзлаштириш учун талабани белгиланган шакл асосида рўйхатдан ўтказиш ва академик мобиллик даврида ушбу элементларни ўзлаштириш имкониятлари таъминланиши мажбуриятини олади.

27. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган таълим дастурлари доирасида академик мобиллик учун таълим тўғрисидаги келишувлар тузилиши зарур ҳисобланмайди.

28. Таълим тўғрисидаги келишувга мувофиқ академик мобиллик даврида талабанинг билим даражасини аниқловчи кўрсаткичлар ТДЮУ баҳолаш тизимини бошқа баҳолаш тизимларига конвертация қилиш жадвали асосида қабул қилинади.

29. Стажировкани ўташ бўйича келишув талаба, жўнатувчи ва қабул қилувчи ташкилот томонидан уч томонлама имзоланади.

30. Стажировка давомида талаба томонидан ўзлаштирилган билимларнинг ошқоралигини таъминлаш ва уларни тасдиқлаш мақсадида қабул қилувчи ташкилот томонидан стажировкани ўтаганлик тўғрисида сертификат берилади.

**5-боб. Баҳолаш, баҳоларни конвертация қилиш**

31. Талабалар таълим дастури доирасида ўқитиш шаклидан қатъи назар, белгиланган тартибдаги баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

32. Фан дастурида (силлабусда) белгиланган баҳолаш тартиби ҳамда ижобий баҳолар доирасида баҳоланган талабаларга кредитлар берилади. Талаба белгиланган таълим олиш натижаларига эриша олмаган тақдирда, кредитлар берилмайди.

33. Баҳолаш усуллари фан ёки модуль доирасидаги талабанинг ютуқларини акс эттирувчи ва тасдиқловчи ёзма, оғзаки, амалий иш, лойиҳа, портфолио ва назоратлар каби турларни ўз ичига қамраб олади. Баҳолаш мезони таълим олиш натижасига эришилганлигини акс эттириши шарт.

34. Кредитларни кўчириш ТДЮУда баҳолаш тизимини бошқа баҳолаш тизимларига конвертация қилиш жадвалини бошқа олий таълим ташкилотида тузилган шунга ўхшаш жадвал билан солиштириш асосида амалга оширилади.

**6-боб. Кредит-модуль тизимида талабаларни рўйхатга олиш**

35. Рўйхатга олиш хизмати таълим ва талабалар билимини баҳолаш жараёнларини алоҳида юритиш, талабалар ҳақидаги академик маълумотларни электрон тарзда автоматик бошқариш ҳамда якуний назоратларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

36. Рўйхатга олиш хизмати талабага танлаган мутахассислиги бўйича юқори даражадаги билим, кўникма ва малакаларга эришишда ёрдам беришга қаратилган бўлиб, у қуйидаги функцияларни қамраб олади:

ўқув жараёни жадвалини тузиш ва бажарилишини назорат қилиш;

талабаларнинг фанларга рўйхатдан ўтишини назорат қилиш;

факультетлар билан ҳамкорликда академик гуруҳларни шакллантириш;

оралиқ, якуний баҳолашлар ва якуний давлат аттестациясининг ўтказилишини назорат қилиш;

таълим олаётган талабаларнинг баҳоларга оид маълумотларини архивга қадар сақлаш;

транскрипт формаларини шакллантириш ва талабаларнинг маълумотларини киритиш;

талабалар контингенти бўйича статистикани юритиш.

37. Рўйхатга олиш хизмати функциялари ТДЮУ Ўқув-услугий бошқармаси томонидан амалга оширилади.

38. ТДЮУ Ўқув-услугий бошқармаси таълим жараёнини бошқариш ахборот тизими орқали факультетлар томонидан талабаларнинг фанларга рўйхатдан ўтказилишини ва талабанинг шахсий таълим траекториясини шакллантириш жараёнини мувофиқлаштиради. Талабанинг шахсий таълим траекторияси улар томонидан мустақил равишда тьютор ёрдамида ўқув режаси ва танлов фанлари каталоги асосида тегишли ўқиш даври учун

тузилади. Талабанинг таълим траекторияси таълим жараёнини бошқариш ахборот тизимидан фанларни танлаш орқали автоматик равишда шаклланади. Шахсий таълим траекториясига ҳар ўқув йилидан олдин ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

39. Талабаларнинг шахсий таълим траекторияси асосида ТДЮУ ўқув-услугий бошқармаси факультетлар билан ҳамкорликда академик гуруҳларни шакллантиради ва бирон-бир фанга ёзилиш етарли бўлмаган тақдирда, шахсий таълим траекториясини ўзгартириш зарурлиги тўғрисида талабаларга хабар беради. Талабанинг шахсий таълим траекторияси шакллантириб бўлингандан сўнг дарс жадвали тузилади.

40. ТДЮУ ўқув-услугий бошқармаси ҳар бир талабани рўйхатдан ўтказиш санаси ва вақтини белгилайди (одатда, талаба томонидан етарли ГРА кўрсаткичларининг тўпланганлиги ва контракт тўловлари амалга оширилганлигига қараб). Биринчи курс талабаларини рўйхатдан ўтказиш улар билан академик ва касбга йўналтириш тадбирлари амалга оширилганидан кейин бошланади.

41. Талабалар танлаган фанларини ҳар семестрнинг дастлабки биринчи ҳафтаси ичида ўзгартириши мумкин.

42. Биринчи курс талабаларини рўйхатга олиш жараёни қуйидаги тартибда амалга оширилади:

тьютор ТДЮУ ўқув-услугий бошқармасидан бириктирилган гуруҳ талабаларининг логин ва паролларини олади, талабага таълим жараёнини тушунтиради, таълим дастури билан таништиради, логин ва пароль беради ҳамда талаба порталидан фойдаланишни ўргатади;

талаба профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказиладиган фанлар бўйича таништирув тақдимотларига қатнашади, мажбурий ва танлов фанлари билан танишади ва таълим жараёнини бошқариш ахборот тизимидаги талаба портали орқали фанларга рўйхатдан ўтади;

талаба таълим жараёнини бошқариш ахборот тизимидаги портали орқали дарс жадвалини аниқлайди ва дарсларга қатнашади.

### **7-боб. Талабаларни ўқишдан четлаштириш, қайта тиклаш, курсдан курсга ўтказиш механизмлари**

43. Талабалар ТДЮУдан қуйидаги ҳолларда четлаштирилади:

ўз хоҳишига биноан;

ўқишнинг бошқа олий таълим ташкилотига кўчирилиши муносабати билан;

ўқув интизомини ва ТДЮУ томонидан ўрнатилган ички тартиб-қоидаларни мунтазам равишда ёки бир мартаба қўпол равишда бузганлиги учун;

шартнома асосида ўқиётган таълим олувчилар шартнома билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаганлиги учун;

суд томонидан озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланганлиги сабабли;

суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);

таълим дастурини белгиланган муддатда ўзлаштирмаган тақдирда;  
вафот этганлиги сабабли.

Четлаштирилган талабага белгиланган шаклдаги таълим тўғрисидаги маълумотнома берилади.

44. Бир фанга ажратилган аудитория соатининг 25 фоизини ва ундан ортиқ соатни сабабсиз қолдирган талаба ушбу фандан четлаштирилиб, якуний назоратга киритилмайди ҳамда мазкур фан бўйича тегишли кредитларни ўзлаштирмаган ҳисобланади. Якуний назорат турига киритилмаган ёки кирмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича қониқарсиз баҳо олган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабалар таътил вақтида ёки кейинги семестрлар мобайнида тегишли фанлардан ўзлаштирилмаган кредитлар миқдорига мос равишда базавий тўлов-контракт миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўловни амалга оширгандан сўнг ўзлаштирилмаган фанларни ўз ҳисобидан қайта ўқиш ҳуқуқига эга бўлади.

ТДЮУ кенгаши қарори билан аудитория соатини сабабсиз қолдириш фоизи қисқартирилиши ва академик қарздорликни бир марта бепул топширишга рухсат берилиши мумкин.

45. Таълим олувчини курсдан курсга ўтказиш унинг ГРА ёки кредитлар миқдори қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. ТДЮУ талабаларни курсдан курсга ўтказишда ГРА кўрсаткичи ёки кредитлар миқдорини мустақил белгилайди.

ГРА ўтиш баллини тўплай олмаган талаба қайта ўқиш учун тегишли курсда қолдирилади. Семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги бор таълим олувчилар ўқишдан четлаштирилмайди.

Курсдан курсга қолган талабалар фақат қарздор бўлган фанларни қўйи курслар билан бирга ёки мустақил ўзлаштириб, уларга мос равишда шартнома маблағларини тўлайди.

Талаба кредитларни топшириш вақтида ўзлаштирмаган фанни ўқув режасидан чиқиб кетганлиги сабабли, қўйи курсларда ўқитилмайдиган бўлса, факультет декани тавсиясига биноан ТДЮУ ўқув ишлари бўйича проректори томонидан ихтисослигига кўра мазмуни яқин бўлган бошқа фанни ўзлаштиришга рухсат берилиши мумкин.

Шартнома асосида бир курсда қайта ўқиш сони чегараланмайди.

46. Таълим олувчи қонунчилик ҳужжатлари асосида ўқишини қайта тиклаш ва қўчириш ҳуқуқига эга. Таълим олувчи томонидан четлаштирилгунга қадар ўзлаштирган кредитлар миқдори ТДЮУ томонидан тўлиқ ҳажмда ҳисобга олинади.

Таълим олувчининг тегишли даврда ўзлаштирган фанлари кредитларда ифодаланмаган тақдирда, мазкур фанлар бир семестр учун 30 кредит ҳажмида белгиланади.

**8-боб. Якунловчи қоидалар**

47. ТДЮУда таълим олишнинг тўлов қиймати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ТДЮУ томонидан мустақил белгиланади.

48. Ўқув юкмаси бўйича ҳисобланган соатлар ҳажми ТДЮУ штат бирликлари сонини ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошларини белгилаш учун асос бўлмайди.

Штат бирликлари профессор-ўқитувчиларнинг талабалар сонига нисбати бўйича, ойлик маоши эса тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади ҳамда иш ҳақи ҳисоблаш ва тўлаш табель асосида амалга оширилади.

49. Фанлар бўйича қайта таълим олиш учун тўлов қиймати ТДЮУ томонидан бутун ўқув йилининг стипендиясиз контракт суммасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Қайта таълим олиш учун тўлов механизми ТДЮУ томонидан бир кредит қийматини ҳисоблаш асосида белгиланади. Бир кредит қиймати ўқув йили давомидаги таълим олиш учун тўланадиган стипендиясиз контракт суммасини режалаштирилган кредитлар миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

50. Талаба ТДЮУ таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган тақдирда, унга академик даражасини тасдиқлайдиган диплом ва диплом иловаси берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 10 июндаги 359-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик  
техникумларида таълимнинг кредит-модуль тизимида  
ўқув жараёнини ташкил этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг юридик техникумларида (кейинги ўринларда — юридик техникумлар) таълимнинг кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Юридик техникумларда ўқув жараёнида кредит-модуль тизими Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа модели (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS)га мувофиқ ташкил қилинади.

Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда — ТДЮУ) томонидан бошқа олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари доирасидаги шартномаларда ушбу Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар назарда тутилган бўлса, шартнома қоидалари қўлланилади.



3. Ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этишнинг ташкилий масалаларига оид маълумотлар, шу жумладан, таълим дастури, фанлар каталоги, академик мобилликни таъминлаш, таълим тўғрисидаги маълумотнома, кредитларни тан олиш ва кўчириб ўтказишга тааллуқли ҳужжатлар ҳамда дипломга илованинг шакллари, шунингдек, академик мобиллик даврида ўқувчининг билим даражасини аниқлаш бўйича кўрсаткичлар ва бошқа зарур ҳужжатлар намуналари Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда — ТДЮУ) томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**академик мобиллик** — юридик техникум ўқувчиларининг муайян вақт мобайнида республика ҳудудидаги юридик техникумга (ТДЮУга) ёки хорижий давлатдаги бошқа бир таълим муассасасига ўқиш мақсадида бориши;

**кредит** — таълим олиш натижаларига кўра ўқувчи томонидан муайян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкламасининг ўлчов бирлиги;

**кредитларни кўчириш** — ўқувчиларнинг академик мобиллигини таъминлаш мақсадида бир таълим муассасаси таълим дастурида олинган кредитларни бошқа таълим муассасасига кўчириш ва тан олиш;

**кредит тўплаш** — таълим элементларини ўзлаштириш ва бошқа ютуқларга эришиш натижасида тақдим этиладиган кредит бирликларини тўплаш;

**мобиллик дастури** — икки ёки ундан ортиқ таълим муассасаси ўртасида ўзаро келишув асосида ташкил этилган академик мобиллик дастури;

**таълим дастури** — юридик техникум битирувчисига муайян эгалланган мутахассислик бўйича касбий фаолиятни малакали бажариш имконини беришга қаратилган профессионал таълим тайёргарлигининг асосий мазмунини аниқловчи таълим стандартлари, ўқув режаси, ўқув фанлари (модулар) дастурлари, малака амалиёт дастурларидан иборат ҳужжатлар тўплами;

**таълим дастури каталоги** — юридик техникум тавсифи, кредит-модуль тизимига кириш, мавжуд таълим мутахассисликлари, хизматлар ва ресурслар, ўқув фанлари дастурлари, аниқ таълим дастурлари элементлари тавсифи тўғрисидаги ахборот;

**таълим жараёнини бошқариш ахборот тизими** — ўқувчиларни рўйхатга олиш, ўқув материалларни тарқатиш, ўқувчилар ва педагог ходимлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, топшириқларни бериш, назоратлар ўтказиш, баҳолаш ва унинг натижаларини қайд этиш каби имкониятларга эга бўлган электрон тизим (махсус дастурий восита);

**таълимнинг кредит-модуль тизими** — таълим олувчига йўналтирилган, таълим олиш, таълим бериш ва таълим олувчилар билимини баҳолаш жараёнларининг шаффофлиги тамойили асосида кредитларни йиғиш ва ўтказишдан иборат тизим;

**таълим модули (модуль)** — бу ўзида билимга оид ҳамда касбий жи-

ҳатларни қамраб оладиган, ўқувчида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган таълим дастурининг таркибий элементи сифатида назорат қилишнинг тегишли тури билан яқунланадиган алоҳида ўқув фани (унинг қисми ёки ўзаро бир соҳага доир фанлар мажмуи);

**таълим тўғрисидаги маълумотнома** — ўзлаштирилган модуллар, тўпланган кредитлари миқдори, олинган баҳолар акс этириладиган ўқувчининг академик ўзлаштириши бўйича гувоҳномаси;

**таълим элементлари** — таълим дастурининг бир қисми бўлиб, таълим олиш натижаларига эришиш ва таълим дастурида кўрсатилган билимларни ўзлаштиришга кўмаклашувчи ўқитиш тури;

**транскрипт** — таълим олишнинг тегишли даврида ўзлаштирилган кредитлар ва баҳоларнинг ҳарф ва рақамлардаги ифодаси кўрсатиб ўтилган фанлар рўйхатини ўз ичига олган белгиланган шаклдаги ҳужжат;

**ўқувчининг шахсий таълим траекторияси** — ўқувчи томонидан танланган ҳамда унга кетма-кетликда билимлар тўплаш ва хоҳлаган компетенциялар йиғиндисиغا эга бўлиш имкониятини берадиган йўналиш (маршрут). Таълим траекторияси институционал ҳужжатлар ва йўриқномалар ёрдамида тузилиши ҳамда турли таълим траекториялари натижада бир хил малака олишга олиб келиши мумкин;

**ўқиш юкламаси** — ўқувчи томонидан ўқув фаолиятининг барча турлари (маъруза, амалий машғулот, семинар, курс лойиҳаси (иши), амалиёт ва мустақил иш)ни амалга ошириш асосида қутилган ўқув натижаларига эришиш учун зарур бўлган вақт сарфи;

**GPA (Grade Point Average)** — таълим олувчининг дастур бўйича ўзлаштирган баллари ўртача қиймати бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$GPA = \frac{K_1 * U_1 + K_2 * U_2 + K_3 * U_3 \dots + K_n * U_n}{K_1 + K_2 + K_3 \dots + K_n}, \text{ бунда:}$$

K — ҳар бир фан/модулга ажратилган кредитлар миқдори;

U — ҳар бир фан/модуль бўйича талаба тўплаган балл.

Бунда, ўқувчи фақат фан/модулни муваффақиятли яқунлаган тақдирда, ушбу фан/модуль бўйича кредит берилади.

5. Юридик техникумларнинг ўқув йили учун таълим дастури тузилмаси бир ёки бир нечта модуллардан иборат таълим элементларидан ташкил топган бўлиб, ТДЮУ кенгаши томонидан тасдиқланади. Таълим дастури аудитория машғулотлари, илмий лойиҳалар, мустақил таълим, амалиёт ва бошқа таълим элементларидан иборат бўлиши мумкин.

Таълим дастурида кредитларнинг миқдори ўқув юкламаси асосида кўрсатилади.

Таълим дастури каталоги ва ўқитиш шароитлари тўғрисидаги батафсил маълумотлар юридик техникумнинг расмий веб-сайтига қулай юкланадиган шаклда ўқув йили бошланишидан камида бир ой олдин жойлаштирилади ва эълон қилиб борилади.

6. Юридик техникумларда кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш мазкур Низомга иловага\* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

## **2-боб. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва таълим сифатини таъминлаш**

7. Юридик техникумларда ўқув жараёни ўқув (аудитория машғулотлари, амалиёт ва мустақил ишларнинг ташкил этилиши) ва назорат (модулар бўйича билимлар ўзлаштирилишини ва уларнинг натижаларини баҳолаш) тадбирларидан ташкил топади.

8. Ўқув жараёни ўқувчилар, педагог ходимлар ва маъмурият ўртасида очиқ мулоқот шаклида ўқувчига йўналтирилган ёндашув асосида режалаштирилади. Ушбу жараёнда ўқувчиларнинг талаб ва истаклари муҳокама қилинади. Барча манфаатдор томонлар таълим дастурининг яратилиши ва ўзлаштирилишининг конструктив муҳокамасига жалб этилиши мумкин. Бундай муҳокамаларда ўқувчилар вакиллари овоз бериш ҳуқуқи орқали иштирок этишлари мумкин.

9. Ўқув жараёнини режалаштириш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:  
таълим дастури каталоги ва ўқув режасини ишлаб чиқиш;  
модуларнинг ўқув дастурини (силлабусни) ишлаб чиқиш;  
ўқув режаси ва танлов фанлари рўйхатига мос равишда ўқувчиларнинг шахсий таълим траекториясини шакллантириш;

ўқув жараёни жадвалини тузиш;

академик гуруҳлар бўйича ўқув машғулотлари жадвалини тузиш.

Ўқув режасига ўқувчилар томонидан ихтиёрий равишда ўзлаштирилладиган қўшимча кредитлар ажратилладиган таълим элементлари киритилади. Ўқувчининг жамоат ишларидаги, илмий тўғараклар, юридик клиникалар фаолиятидаги иштироки ҳамда хорижий мутахассислар томонидан ўтказилладиган қисқа муддатли курслардаги иштироки рағбатлантирилиб, кредитлар ажратилади.

Ўқувчи ўқув юкласидан ташқари ўз ихтиёрига кўра рўйхати тақдим этиладиган қўшимча фанларни (модуларни) ёки бошқа факультет ва таълим йўналиши ўқув режасининг танлов фанларида мавжуд фанлар рўйхатидан қўшимча фанни танлаб тўлов-контракт асосида ўқишига рухсат этилади. Бунда қўшимча ўзлаштирилган фанлар ўқувчи ўқув юкласига (кредитлар ҳажмига) қўшилади ҳамда диплом иловасида қайд этилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда — Адлия вазирлиги) томонидан академик давр шакли — назарий таълим даври семестр, триместр ва бошқа шаклларда ўрнатилиши мумкин, шунингдек, ўқув жараёнини тизимли ташкил этиш учун дарс машғулотларини бошлаш вақти ва сменаси белгиланади.

Академик давр давомида ўқувчи томонидан тўпланиши лозим бўлган

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кредитлар миқдори ўқув режасида кўрсатилган мажбурий ва танлов модулларини ўз ичига олади.

Мажбурий ва танлов модуллари таркиби ҳамда уларни ўрганишга ажратиладиган кредитлар миқдори ТДЮУ томонидан мустақил белгиланади.

Ўқувчилар шахсий таълим траекториясида белгиланган танлов модуллари доирасида фанларни мустақил танлаши мумкин. Ўқувчиларнинг шахсий таълим траекториясини шакллантириш тартиби ТДЮУ томонидан белгиланади.

11. Юридик техникумларда ўқувчи бир семестрда 30 кредит, бир ўқув йилида 60 кредит тўплаши керак. Семестр давомида ўқувчи томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган кредитлар ҳажми ўқув режасида кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади. Ўқувчи ўзининг шахсий таълим траекториясини шакллантиришда ҳар бир семестр учун 30 кредит ҳажмидаги фанларни ўзлаштиришни назарда тутиши, улар таркибида ўқув режасидаги мажбурий фанлар бўлиши шарт.

12. Юридик техникумларнинг битирувчилари ТДЮУда иккинчи курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга эканлигини инобатга олиб, ТДЮУнинг биринчи курсидаги кредитларини (60 кредит) юридик техникумларда тўплайди.

13. ТДЮУнинг биринчи курсидаги тўпланиши лозим бўлган кредитларнинг юридик техникумнинг қайси курси давомида (биринчи ёки иккинчи курс ёхуд иккала курсда) тўпланиши ТДЮУ томонидан белгиланади.

14. Юридик техникумларда ўқув юклагаси ҳажми Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

15. Кредит-модуль тизимида 1 кредит миқдори ва ўқув машғулоти соати (астрономик ёки академик соат) ТДЮУ Кенгаши томонидан белгиланади.

16. Таълим сифати самарадорлиги ТДЮУ томонидан ишлаб чиқиладиган таълим дастурининг ваколатли ташкилотлар тавсифномалари ва талабларига мослигини таъминлаш билан белгиланади.

Таълим сифатини такомиллаштириш ва педагог ходимлар ўртасида рақобатни шакллантириш мақсадида ТДЮУ Кенгаши қарорига асосан таълим жараёнини бошқариш ахборот тизими портали орқали ўқувчиларга модуль доирасида ўқувчиларнинг шахсий таълим траекториясини шакллантириш жараёнида педагог ходимларни танлаш имконияти берилади.

17. Педагог ходимларнинг таркиби меҳнатини меъёрлаштириш, уларнинг иш вақтини фақат ўқув тадбирларига асосланган ҳолда амалга оширишлари, педагог ходимларнинг шахсий иш режасидаги тадбирлар рўйхати ва уларнинг минимал соатлари (сарфланадиган вақт меъёрлари) ECTS талабларига мувофиқ ТДЮУ кенгаши қарори билан белгиланади.

ECTS талабларига мувофиқ ўқув юклагаси бўйича ҳисобланган соатлар ҳажми, ўқитувчиларнинг йиллик иш режаси соатлар миқдори штат бирликлари сонини ҳамда педагог ходимларнинг ойлик маошларини белгилаш учун асос бўлмайди.

Штат бирликлари педагог ходимларнинг ўқувчилар сонига нисбати

бўйича, ойлик маоши эса тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида белгиланади ҳамда иш ҳақи ҳисоблаш ва тўлаш табель асосида амалга оширилади.

### **3-боб. Ўқувчилар ўзлаштиришини баҳолаш тизими**

18. Таълим дастури доирасида ўқитиш шаклидан қатъи назар, юридик техникум ўқувчиларининг билимини баҳолаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Юридик техникумларда таътил вақтида, қоида тариқасида, ёзги семестр ташкил этилиши мумкин. Ёзги семестр модулларни ўзлаштириш (академик қарзларни топшириш), ўқув дастуридаги фарқларни йўқотиш мақсадида пуллик асосда ташкил қилинади.

20. Ёзги семестрнинг давомийлиги ўқув жараёнининг графиги асосида йўналишлар, мутахассисликлар ва курслар кесимида белгиланади. Бунда, ўқувчилар билимини баҳолаш амалда белгиланган тартиб асосида ташкил этилади.

21. Ёзги семестрга жалб қилинган педагог ходимларга соатбай асосида иш ҳақи тўланади.

22. Ўқувчилар ўзлаштириши натижалари транскриптда акс этирилади.

23. Кредитларни кўчириш юридик техникумда баҳолаш тизимини бошқа баҳолаш тизимларига конвертация қилиш жадвалини бошқа таълим муассасасида тузилган шунга ўхшаш жадвал билан солиштириш асосида амалга оширилади.

### **4-боб. Ўқувчилар академик мобиллиги ва кредитларни тан олиш**

24. Академик мобилликни таъминлаш ва ўқувчининг кредитларини бошқа юридик техникум (ТДЮУ) томонидан тан олинишида қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланилади:

таълим дастури (фанлар) каталоги;

таълим тўғрисидаги келишув, маълумотнома ва сертификат.

Мазкур ҳужжатлар таълим олиш натижаларини акс эттиради ва юридик техникумга кредитларни тан олиш ва кўчириб ўтказиш учун асос ҳисобланади.

25. Ўқувчи томонидан юридик техникум таълим дастури бўйича тўпланган кредитлар миқдори бошқа юридик техникумда (ТДЮУда) белгиланган таълим олиш натижаларига мувофиқ ўзлаштириладиган кредитлар миқдorigа тенг ҳисобланади.

26. Ўқувчи жўнатувчи таълим муассасаси тавсиясига асосан қабул қилувчи таълим муассасасига академик мобилликни амалга ошириш учун зарур ҳужжатларни топширади. Жўнатувчи таълим муассасаси томонидан ўқувчига белгиланган шаклдаги транскрипт тақдим этилади.

27. Ўқувчининг академик мобиллик даврида ўзлаштирилиши белгилан-

ган таълим элементларини жўнатувчи таълим муассасасининг розилигисиз ва у билан келишмасдан ўзгартириш мумкин эмас. Хориждаги ҳамкор таълим муассасаларининг ўқув дастурларида белгиланган таълим олиш натижалари юридик техникумларнинг ўқув дастури бўйича таълим олиш натижаларига мос келиши ёки уларни тўлдириши лозим.

28. Қабул қилувчи таълим муассасасида ўқувчи томонидан ўзлаштирилган таълим элементлари жўнатувчи таълим муассасасининг ўқув дастурига интеграция қилинганлиги, шунингдек, академик мобиллик даврида ўқувчининг билим даражасини аниқловчи кўрсаткичларнинг жўнатувчи ва қабул қилувчи таълим муассасаларининг баҳолаш тизимларига конвертация қилинганлиги академик мобиллик тўғрисидаги шартномада аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Қабул қилувчи таълим муассасасида ўзлаштирилган кредитлар миқдори юридик техникум (ТДЮУ)да ёки хорижда ўқиш даврига (6 ой ёки 1-2 йил) мутаносиб бўлиши керак. Жўнатувчи таълим муассасаси томонидан ўқувчи академик мобиллик даврида ўзлаштирган (тўлиқ ёки қисман) кредитлар тан олинади. Ўқувчи жўнатувчи таълим муассасасига қайтиб келгач, академик мобиллик даврида тўпланган кредитлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалдаги тартиб-қоидалар асосида уни кейинги курсга ўтказиш ёки курсда қолдириш белгиланади.

ТДЮУнинг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган таълим дастурлари доирасида академик мобиллик учун таълим тўғрисидаги келишувлар тузилиши талаб этилмайди.

29. Юридик техникум ўқувчиларининг ўқишини бошқа юридик техникумга кўчириш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### **5-боб. Ўқувчиларни ўқишдан четлаштириш, қайта тиклаш, курсдан курсга ўтказиш**

30. Юридик техникум ўқувчиларини ўқишдан четлаштириш қонунчилик ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади. Ўқувчи четлаштирилганига қадар ўзлаштирган кредитлар миқдори юридик техникум томонидан тўлиқ ҳажмда ҳисобга олинади.

Четлаштирилган ўқувчига белгиланган шаклдаги таълим тўғрисидаги маълумотнома берилади.

31. Ўқувчилар қонунчилик ҳужжатлари асосида ўқишини қайта тиклаш ва кўчириш ҳуқуқига эга.

32. Бир фанга ажратилган аудитория соатининг 30 фоизини ва ундан ортиқ соатни сабабсиз қолдирган ўқувчи ушбу фандан четлаштирилиб, якуний назоратга киритилмайди ҳамда мазкур фан бўйича тегишли кредитларни ўзлаштирмаган ҳисобланади. Якуний назорат турига киритилмаган ёки кирмаган, шунингдек, ушбу назорат тури бўйича қониқарсиз баҳо олган ўқувчи академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор ўқувчилар таътил вақтида ёки кейинги семестрлар мобайнида тегишли фанлардан ўзлаштирилмаган кредитлар миқдorigа мос

равишда базавий тўлов-контракт миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўловни амалга оширгандан сўнг ўзлаштирилмаган фанларни ўз ҳисобидан қайта ўқиш ҳуқуқига эга бўлади.

ТДЮУ кенгаши қарори билан аудитория соатини сабабсиз қолдириш фоизи қисқартирилиши ва академик қарздорликни бир марта бепул топширишга рухсат берилиши мумкин.

33. Ўқувчини курсдан курсга ўтказиш унинг ГРА қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Юридик техникумлар ўқувчиларини курсдан курсга ўтказишда ГРА кўрсаткичи ТДЮУ томонидан белгиланади. ГРА кўрсаткичини тўплай олмаган ўқувчи қайта ўқиш учун тегишли курсда қолдирилади.

34. Семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги бор таълим олувчилар ўқишдан четлаштирилмайди ва курсда қолдирилади.

Курсда қолган ўқувчилар фақат қарздор бўлган модулларни ўзлаштириб уларга мос равишда шартнома маблағларини тўлайди. Шартнома асосида бир курсда қайта ўқиш сони чегараланмайди.

Ўқувчи иккинчи курсни тугатгандан сўнг иккала босқичлари учун белгиланган энг кам кредитлар миқдорини тўплаб, шартнома тўловидан қарзи бўлмаса, «битирувчи» мақомига эга бўлади. Бунда битирувчи мақомига эга ўқувчи модулларни мустақил ўзлаштирган ҳолда мунтазам равишда ўтказиладиган имтиҳон сессияларида имтиҳон топшириш ёки якуний давлат аттестациясидан шартнома-тўлов асосида ўтиш учун муружаат қилиши мумкин.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

35. Ўқувчи ўқув режасида назарда тутилган кредитларни тўпласа, шу жумладан, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтса, ўрта махсус профессионал маълумот даражасига эга бўлади.

36. Юридик техникумларни муваффақиятли тамомлаб ТДЮУга ўқишга яқка тартибдаги суҳбат орқали қабул қилинган талабаларнинг ТДЮУнинг биринчи курси учун юридик техникумларда тўпланган кредитлари ТДЮУ кенгаши қарори билан кўчирилади.

37. Юридик техникумларда таълим олишнинг тўлов қиймати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Адлия вазирлиги томонидан мустақил белгиланади.

Ўқув йили учун тўлов-контракт 60 кредит миқдорида ҳисобланади. Ўзлаштиришлари шарт бўлган (мажбурий ва танлов модуллар доирасида) кредитлардан ташқари ўқувчиларга ўз ихтиёрлари билан қўшимча модулни қўшимча тўлов асосида ўзлаштиришига рухсат этилади.

38. Фанлар бўйича қайта таълим олиш учун тўлов қиймати Адлия вазирлиги томонидан бутун ўқув йилининг контракт суммасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Қайта таълим олиш учун тўлов механизми Адлия вазирлиги томонидан бир кредит қийматини ҳисоблаш асосида белгилана-

ди. Бир кредит қиймати ўқув йили давомидаги таълим олиш учун тўланадиган базавий тўлов-контракт миқдорини режалаштирилган кредитлар миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

39. Таълим дастурида белгиланган натижаларга эришиш ҳамда кредит-модуль тизими тўғри ва ҳаққоний қўлланилаётганлигини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида ўқув жараёнининг мониторинги ўтказилади.

Мониторинг юридик техникумлар ва ТДЮУ томонидан сўровнома, фокус-гурӯхлар, интервью олиш ёки эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 10 июндаги 359-сон қарорига  
З-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини  
такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида» 2020 йил 30 октябрдаги 677-сон қарорига  
киритилаётган қўшимча**

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 30 октябрдаги 677-сон қарорининг 3-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«ТДЮУга Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг йўлланмалари ҳамда ТДЮУ ҳузуридаги академик лицей тавсияномалари асосида кириш тест синовларисиз яқка тартибдаги суҳбат натижаларига кўра ўқишга кирган юридик техникумлар ва академик лицейнинг битирувчиларига (абитуриентларга) уларнинг тўлов-контракт асосида ўқиш харажатларини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда Адлия вазирлигининг бюджетдан ташқари ва ТДЮУнинг бюджетдан ташқари (тўлов-контракт, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт) маблағлари ҳисобидан грантлар ажратилиши мумкин».



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**339** Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2021 йил 25 мартдаги ПҚ–5038-сон қарори ижросини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Агентликнинг ҳуқуқий мақоми, тузилмаси, асосий вазифалари ва функциялари;

Агентлик фаолиятини ташкил этиш тартиби;

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, ўз таркибий бўлинмалари билан ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши;

Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ва жавобгарлиги;

Агентликни молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш.

2. Агентлик ушбу қарор билан тасдиқланган Низомдан келиб чиқиб:

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) тўғрисида низомларни тасдиқласин;

икки ой муддатда ҳудудий бошқармалар томонидан туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари (кейинги ўринларда — туман (шаҳар) бўлимлари) тўғрисидаги низомлар тасдиқланишини таъминлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда:

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларини транспорт коммуникациялари қулай, шунингдек хизмат кўрсатиладиган контингент — кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олган ҳолда зарур шароитларга эга бўлган бино (хоналар) билан таъминлаш чораларини кўрсин;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 июнда эълон қилинган.

Агентликнинг ҳудудий бошқармаларига биттадан, жами 14 та енгил хизмат автотранспорт воситаларини сақлашга лимит ҳамда уларнинг хариди учун зарур бўлган маблағларни ажратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимларига бино (хоналар) ажратилишига қадар улар фойдаланилаётган бино (хона)ларда узлуксиз равишда фаолият юритиши имкониятини таъминласин;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон маълумотларини ўзида жамлайдиган «ТИЭК» тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиялари дастурий комплексини 2022 йил якунига қадар Агентликка бепул берсин. Дастурий комплекс Агентликка бепул берилгунга қадар соғлиқни сақлаш органлари билан тузилган шартнома асосида хизмат кўрсатилишини ташкил қилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 26 мартдаги 252-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил, 13-сон, 241-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К. Инаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 12 июнь,  
366-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 12 июндаги 366-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни  
ривожлантириш агентлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) асосий вазибалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Агентлик кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб борувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси) бўйсунди.

3. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

5. Агентлик ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ҳамда бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

7. Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бошқармалар) Агентлик томонидан тасдиқланган низомларга, туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари (кейинги ўринларда — туман (шаҳар) бўлимлари) ҳудудий бошқармалар томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ ўз фаолиятини амалга оширадилар.

8. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Агентство по развитию медико-социальных услуг Республики Узбекистан;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — Agency for development of medical and social services of the Republic of Uzbekistan.

9. Агентлик жойлашган жой (почта манзили): Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 12 А-уй.

## 2-боб. Агентликнинг тизими

10. Агентлик тизимига қуйидагилар киради:

Агентликнинг марказий аппарати;

худудий бошқармалар;

туман (шаҳар) бўлимлари;

идоравий мансуб ташкилотлар:

«Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари;

«Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари;

«Мурувват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйлари;

Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати;

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар;

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази;

Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш худудий марказлари;

Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация маркази;

Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг худудий бўлинмалари.

Агентлик тизимига кирадиган ташкилотлар ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланадиган низомлар ва уставларга мувофиқ амалга оширадилар.

11. Агентлик таркибда юридик шахс ҳисобланмайдиган, Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолият юритади.

Ушбу жамғармалар маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### 3-боб. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари

12. Қўйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг, жумладан, «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари ҳамда «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга методик раҳбарлик қилиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилишини ҳамда мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш;

муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш;

тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида таҳлил қилиш ва мониторинг олиб бориш;

тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш фаолиятига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш;

одам савдосидан жабрланганларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва психологик қўллаб-қувватлаш тизимини мувофиқлаштириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини ташкил этиш.

13. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш ва яхшилаш масалаларида ягона давлат бошқарувини амалга оширади;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига манзилли тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишни ривож-

лантиришга оид давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган янги усул ва ижтимоий технологияларни татбиқ этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

кексалар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматнинг янги шакл ва механизмини татбиқ этиш, тиббий-ижтимоий экспертиза, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларини реабилитация қилиш фаолиятини мувофиқлаштиради;

Агентлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликда белгиланган кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига имтиёзлар, санаторий-курортда соғломлаштириш учун йўлланмалар, протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини тақдим этиш соҳасида фаолиятни мувофиқлаштиради;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда ёлғиз кекса фуқаролар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш бўйича ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

соҳани ахборотлаштириш тизими шакллантирилишини таъминлайди, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, тиббий-ижтимоий хизмат тизимида ҳисоб ва ҳисоботни юритиш бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади;

б) тиббий-ижтимоий муассасаларнинг, жумладан, «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари ҳамда «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида:

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар ўз вақтида маънавий ва сифатли кўрсатилишини таъминлаш борасида тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишнинг янги шакл ва механизмларини татбиқ этиш бўйича тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

тиббий-ижтимоий муассасаларда яшайдиган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга маиший, тиббий ва маданий хизмат кўрсатишни ташкил

этади, мазкур муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашни таъминлайди;

«Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари ҳамда «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари-нинг васийликка олинганларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлиқ-ни сақлаш тизимининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда диспансеризациядан ўтказиш, уларни санаторийларда соғломлаштириш ва ихтисослаштирилган стационарларда даволашни ташкил қилиш фаолияти-ни мувофиқлаштиради;

«Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари ҳамда «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари-нинг маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни, шу жумладан, концерт дастурларини ташкил этиш орқали кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар-нинг маданий ҳаётда фаол иштирок этишларини ташкил этиш фаолияти-ни мувофиқлаштиради;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам дастурларини молия-лаштириш учун маблағларни жалб этишга оид ишларда нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини татбиқ этишга кўмаклашади;

в) кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш-да давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга методик раҳбарлик қилиш соҳасида:

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш бора-сида амалга оширилган ишлар тўғрисида давлат органлари ва ташкилотла-ридан тегишли маълумотларни сўраб олади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифала-рига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг мониторинги ва таҳлилини олиб боради, ушбу соҳадаги муаммоларни бартараф қилиш бўйича таклифлар-ни ишлаб чиқади;

давлат органлари ва ташкилотларининг кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиб-бий-ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

г) ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий, касбий ва ижтимоий реabili-тация қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилишини ҳамда мутахас-сислар тайёрлашни ташкил этиш соҳасида:

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий, касбий ва ижтимоий реabili-тация қилиш йўналишларида илмий тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий, касбий ва ижтимоий реabili-

тация қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотларни олиб боришда манфаатдор вазирликлар ва идоралар, илмий, илмий-амалий марказлар билан ҳамкорлик қилади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш, тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш тизими ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш, тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилишнинг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш учун муассасалар, ташкилотларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига буюртма беради;

тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш, тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилишнинг долзарб масалалари бўйича республикада халқаро тадбирлар (конференциялар, кўргазмалар ва шу кабилар) ўтказилишини ташкил этади;

д) муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш соҳасида:

муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш тартибини белгилайди;

протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларига йиллик эҳтиёжни аниқлайди, фуқароларни босқичма-босқич таъминлаш ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

республикада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан жаҳон андозаларига мос келадиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

муҳтож шахсларни давлат томонидан бепул протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш соҳасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этишда илғор чет эл тажрибасини ўрганади ва амалиётга татбиқ қилинишини мувофиқлаштиради;

е) тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида таҳлил қилиш ва мониторинг олиб бориш соҳасида:

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишни муваффақиятли амалга оширишга салбий таъсир ўтказаётган тизимли муаммо ва камчиликларни таҳлил қилади;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишда мунтазам равишда илғор хорижий тажрибани ўрганади ва таҳлил қилади;

таҳлил натижаларига кўра кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва амалга оширади;



фуқароларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш, ногиронликни белгилаш ва реабилитация қилиш соҳасига илғор хорижий тажрибани жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва амалга оширади;

ж) тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш фаолиятига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш соҳасида:

тиббий-ижтимоий экспертиза хизматини бошқаради, ногиронлик ҳолати, динамикаси ва унга олиб келадиган омилларнинг тизимли таҳлилинини ўтказиши;

ногиронликни белгилаш тартибини ишлаб чиқади ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ногиронлик сабаблари, унга таъсир кўрсатувчи салбий омилларнинг таҳлили асосида давлат органлари ва ташкилотларининг ногиронликнинг олдини олиш юзасидан фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва уларга тиббий-ижтимоий ёрдам бериш чораларини амалга ошириш соҳасида комплекс дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилишни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш борасидаги илғор чет эл тажрибасини ўрганади, республикада ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишнинг самарали усул ва механизмларини жорий қилиш ишларини мувофиқлаштиради;

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш йўналишида мақсадли илмий изланишларни олиб боради, улар асосида самарали таклифларни ишлаб чиқади ва амалиётга татбиқ этилишини мувофиқлаштиради;

з) одам савдосидан жабрланганларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва психологик қўллаб-қувватлаш тизимини мувофиқлаштириш соҳасида:

одам савдосидан жабрланганларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва уларни психологик қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилишини ташкил этади;

одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш соҳасида илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганади, таҳлил қилади ҳамда амалиётга жорий этишни мувофиқлаштиради;

одам савдосидан жабрланганларни реабилитация қилиш режасини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

одам савдосидан жабрланганларга қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари яратилишида, шунингдек уларни озик-овқат, дори воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминлашда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади;

нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда одам савдоси жабр-дийдаларини тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

и) ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини ташкил этиш соҳасида:

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижросини таъминлаш борасида тегишли қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотни давлат бошқаруви органларидан, хўжалик бирлашмаларидан ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда сўраб олади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасига, давлат бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмаларига ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритади;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлашда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

#### **4-боб. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги**

##### **1-§. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

14. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳужжатлар, статистик маълумотлар, ҳисоботлар, таҳлилий материаллар ва бошқа ахборотларни давлат бошқаруви органларидан, хўжалик бирлашмаларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур статистик ахборотни давлат статистика органларидан бепул асосда олиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда киритиш;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши

мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур ҳолларда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиш;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш масалалари бўйича давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар ишини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

Агентликнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан судларга аризалар ва даъволар киритиш;

Агентликнинг ва унинг тизимидаги давлат мулкани бир бўлинмадан бошқасига белгиланган тартибда бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш, Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

Агентлик ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифодалаш;

Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ходимларини улар томонидан тегишли соҳада улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари параметрлари бажарилишини ҳисобга олган ҳолда моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

Ўз ваколати доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Агентлик ваколатларига кирувчи масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Вазирлар Маҳкамасига, давлат бошқаруви органларига, хўжалик бирлашмаларига ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига киритиш;

Ўзининг фаолият юритишига тегишли муаммоларни ҳал этишга илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан, хорижий олимлар ва мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш;

Агентлик тизимида кирадиган ташкилотларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қилиш;

Агентлик ва Агентлик тизимида кирадиган ташкилотларнинг моддий-техник базасини яхшилаш чораларини кўриш;

амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Агентликнинг ижтимоий инфратузилмасини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

Агентлик фаолиятини кенг ёритиш мақсадида ижтимоий тармоқларда расмий веб-сайтлар, шунингдек саҳифалар яратиш;

Ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўرғазмалар, ярмаркалар ўтказиш, шунингдек бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган шунга ўхшаш тадбирларда иштирок этиш;

тиббий-ижтимоий хизмат мутахассислари малакасини ошириш дастурларига киритиш учун таклифлар ишлаб чиқиш;

тиббий-ижтимоий хизмат муаммолари бўйича илмий-методик ва ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва нашр этиш.

Агентлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларни ҳам амалга ошириши мумкин.

15. Агентлик:

ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, шунингдек, тегишли соҳадаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

ўз фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек Агентлик томонидан қабул қилинадиган буйруқлар амалга оширилишининг сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

ўз фаолияти соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

## **2-§. Агентлик марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

16. Агентликнинг марказий аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун зарур бўлган тиббий-ижтимоий хизмат масалалари бўйича материаллар ва маълумотларни Агентликнинг ҳудудий бўлинмаларидан ва тизимидаги ташкилотлардан сўраш ва олиш;

Агентликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун зарур бўлганда Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари белгиланган тартибда жалб қилиш, шу мақсадда эксперт ва ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан ўзлари томонидан киритилган тиббий-ижтимоий хизмат, тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлашни талаб қилиш, зарурат бўлганда уларни қайта ишлаш учун қайтариш;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларига тезкор ҳал қилиниши талаб этиладиган ва Агентликка юкланган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан топшириқлар бериш;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларнинг қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкама-

сининг топшириқлари, шунингдек Агентлик ва унинг раҳбариятининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишига оид фаолиятини ўрганиш ва текшириш;

худудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш (тўлиқ ёки қисман) ёки уларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Агентликнинг марказий аппарати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Агентликнинг марказий аппарати:

худудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Агентлик фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича Агентлик марказий аппарати бўлинмаларининг ишини ташкил этиш;

Агентлик томонидан кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек Агентлик томонидан қабул қилинадиган буйруқларнинг тайёрланиши сифати ва экспертизадан ўтказилиши;

дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатлар худудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан амалга оширилишини ташкил этиш учун жавоб беради.

### **3-§. Агентлик худудий бошқармаларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

18. Агентликнинг худудий бошқармалари уларга юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тиббий-ижтимоий муассасалар ва туман (шаҳар) бўлимларидан зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Агентлик ваколатига тааллуқли соҳадаги муҳим муаммолар ечими бўйича таклифлар тайёрлаш ва уларни кўриб чиқиш учун худудий комиссиялар ва ишчи гуруҳлар ташкил қилиш;

давлат дастурлари бажарилиши бўйича туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини ўрганиш;

тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини ташкил этишда амалий-методик ёрдам кўрсатиш, туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш;

Агентлик кўрсатмасига мувофиқ тиббий-ижтимоий муассасалар фаолиятини ўрганиш ва хулосалар тайёрлаш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат бошқаруви

органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кўриб чиқиши учун таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Худудий бошқармалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Агентликнинг худудий бошқармалари:

Агентликка юкланган вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Агентликнинг худудий бошқармалари фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш;

Агентликка киритилаётган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифлар, шунингдек Агентликнинг худудий бошқармалари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг амалга оширилиши сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

туманларда (шаҳарларда) аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш асосида тиббий-ижтимоий хизмат соҳасини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ривожлантиришга доир таклифларни тайёрлаш;

тиббий-ижтимоий хизмат соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида самарали амалга оширилиши, муаммоли масалалар ҳал этилиши учун жавоб беради.

#### **4-§. Агентлик туман (шаҳар) бўлимларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

20. Агентлик туман (шаҳар) бўлимлари уларга юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраб олиш;

давлат дастурларини амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туман (шаҳар) бўлинмалари билан ҳамкорлик қилиш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун худудий бошқармалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиш ҳуқуқига эга.

Агентлик туман (шаҳар) бўлимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Агентлик туман (шаҳар) бўлимлари:

туман (шаҳар) бўлимларига юкланган вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

худудий бошқармаларга киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифлар, шунингдек, ўзлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

соҳада долзарб муаммоларни, шунингдек туманни (шаҳарни) ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган тизимли камчиликларни аниқлаш;

туманларда (шаҳарларда) тиббий-ижтимоий хизмат соҳасини ривожлантириш, муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

### **5-боб. Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари**

22. Қўйидагилар Агентлик директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

Агентликнинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Агентликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

тиббий-ижтимоий хизмат ва тиббий-ижтимоий экспертиза масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларини бажариш;

ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Агентликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Агентлик фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий масъулияти даражасини белгилаш;

Агентликнинг фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳуж-

жатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармонига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ҳудудий бўлинмалар, шунингдек идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Агентлик тизими мутахассисларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тизимли қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

Агентлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Агентликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

Агентликка ишга қабул қилинаётган кадрларнинг профессионаллиги ва ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган чораларни амалга ошириш;

фаолият соҳаси масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, улар «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаси фаолиятининг Намунавий регламентига мувофиқ Агентликнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда уларни келишиш (виза қўйиш);

Агентлик раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамла-



катларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўз ўринбосарлари ва ҳудудий бўлинмалар, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

Агентлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолишининг мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик ходимлари томонидан Давлат бошқаруви органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этиш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар ва муассасалар ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этиш, Агентликнинг раҳбарлари ва ходимлари уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишини, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

Агентлик тизимидаги ташкилотлар ва муассасаларни молиялаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишларини ташкил этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси судларида, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакат вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Агентлик номидан иштирок этиш;

зарурат бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

амалдаги штат меъёрларига мувофиқ Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ташкилий тузилмалари ва бошқарув ходимларининг чекланган сонини тасдиқлаш;

Агентлик марказий аппаратининг таркибий тузилмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек Агентликнинг ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

Агентлик тизимидаги кирадиган идоравий мансуб ташкилотларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Агентлик марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бошқармалар, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар, идоравий мансуб ташкилотлар мансабдор шахслари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек уларнинг ижросини белгиланган тартибда назорат қилиш;

Агентлик ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар тузилмасини тасдиқланган ходимларнинг сони доирасида тасдиқлаш.

23. Қуйидагилар директор ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

директор вақтинча бўлмаганда тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Агентлик фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича дастурлар ва тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларини кўриш,

бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш; мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар режаларини тасдиқлаш, улар бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Директорнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича директорга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиш чораларини кўриш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мутасаддилик қилинадиган бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик директор томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда директорнинг топшириғига биноан иштирок этиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПК-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбир-

лари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3137-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Агентлик мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

соҳага тегишли масалалар бўйича Агентлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чора-тадбирлар кўриш, соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни директорга киритиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни директорга киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

Агентлик ходимларининг Давлат бошқаруви органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ тизимда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

соҳада давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни директорга киритиш;

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакиллари мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

24. Қуйидагилар Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита умумий раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

тегишли таркибий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда таркибий бўлинмалар ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни директорнинг мутасаддилик қиладиган ўринбосарларига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Агентлик таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПК-3137-сон қарори талабларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

директорнинг буйруқлари ва унинг ўринбосарлари кўрсатмалари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

таркибий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда директор ўринбосарларига таклифлар тақдим этиш, профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Агентликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик Агентлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Регламенти ва Вазирлар Маҳкамаси Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Агентлик раҳбариятининг топшириғи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

таркибий бўлинмалар ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

таркибий бўлинмалар ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини таъминлаш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

давлат хизматларининг самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Агентлик раҳбариятига киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

25. Қўйидагилар Агентликнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

ҳудудий бошқарма фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва Агентлик буйруқлари билан уларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

ҳудудий бўлинмалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ҳудудий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

директорнинг буйруқлари ва унинг ўринбосарлари кўрсатмалари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

соҳага кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, ҳудудий бўлинмаларнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, ҳудудий бўлинмалар фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ходимларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ҳудудий бўлинмалар ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

Агентлик ҳудудий бўлинмаларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳудудий бўлинмалар кадрлар захирасини шакллантириш;

директор номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, ҳудудий бўлинмаларга ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги қафолатини таъминлаш;

ҳудудий бўлинмалар ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича мунтазам чора-тадбирлар кўриш;

ҳудудий бўлинмалар ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини таъминлаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ҳудудий бўлинмалар тизимида «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда ҳудудий бўлинмалар томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар кўриш бўйича таклифларни директорнинг мутасаддилик қиладиган ўринбосарларига киритиш;

ҳудудий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

ҳудудий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;



худудий бўлинмалар ходимлари лавозим маошига мукофотлар, устама-лар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифларни Агентликка киритиш;

давлат сирини ёки қонунчилик ҳужжатлари билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш.

26. Қуйидагилар туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

туман (шаҳар) бўлимига раҳбарлик қилиш;

фаолиятнинг айрим йўналишлари бўйича ходимлар ўртасида функционал вазифаларни тақсимлаш ва уларнинг жавобгарлиги даражасини белгилаш;

туман (шаҳар) бўлимига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

директорнинг буйруқлари, унинг ўринбосарлари ва худудий бошқарма бошлиқларининг кўрсатмалари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

соҳага кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

туман (шаҳар) бўлимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда худудий бошқарма бошлиқларига таклифлар киритиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, туман (шаҳар) бўлинмасида кадрлар захирасини шакллантириш;

ходимларнинг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини таъминлаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомил-

лаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали туман (шаҳар) бўлимларида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

туман (шаҳар) бўлимлари ходимлари лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида таклифлар киритиш;

давлат сирини ёки қонунчилик ҳужжатлари билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг химоя қилинишини таъминлаш.

### **6-боб. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги**

27. Агентлик директори:

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши; ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 22-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун жавоб беради.

28. Агентлик ўринбосарлари:

Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларида Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган масалаларга доир соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 23-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун жавоб беради.

29. Марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

тегишли таркибий тузилмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган Агентлик марказий аппаратининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 24-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун жавоб беради.

30. Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар)даги ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари:

ҳудудий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

Агентлик ҳудудий бўлинмаларининг ушбу Низомнинг тегишлилиги бўйича 19 ва 21-бандларида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг тегишлилиги бўйича 25 ва 26-бандларида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун жавоб беради.

**7-боб. Агентлик фаолиятини ташкил қилиш****1-§. Агентлик раҳбарияти**

31. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

32. Директорнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган 2 нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди ва ҳисобот беради.

33. Директор бўлмаган даврда унинг ваколатлари директорнинг биринчи ўринбосари, у бўлмаганда эса — директорнинг буйруғига биноан бошқа ўринбосар томонидан амалга оширилади.

34. Директор:

Агентлик фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади ва Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Агентлик фаолиятининг алоҳида йўналишлари ва участкаларига раҳбарлик қилиш ва идоравий бўйсунувдаги ташкилотлар фаолияти учун директор ўринбосарлари ва Агентлик тизимининг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини ва шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

ўз ваколати доирасида Агентлик тизими ходимлари томонидан ижро этилиши шарт бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида марказий аппарат харажатлар сметасини ва штат жадвалини тасдиқлайди, Агентликнинг республика бюджетида турган идоравий мансуб ташкилотларнинг харажатлар ва даромадлар сметаларини рўйхатдан ўтказди;

худудий бўлинмалар, шунингдек Агентликнинг идоравий мансуб ташкилотлари марказий аппарати тузилмасига, зарур бўлса, ходимларнинг умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритади;

марказий аппарат бўлинмалари, худудий бўлинмалар тўғрисидаги низомларни, Агентлик тизимидаги кирадиган идоравий мансуб ташкилотлар уставларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

ходимлар, шу жумладан, бошқарув ходимлари, идоравий бўйсунувдаги ташкилотлар ходимлари сонини умумий белгиланган штат бирликлари доирасида мустақил белгилайди, идоравий бўйсунувдаги ташкилотлар тузилмасини, штатлар сонини, шу жумладан, бошқарув ходимларини, меҳнатга ҳақ тўлаш фондини, харажатлар сметасини, автотранспорт воситалари лимитини тасдиқлайди, шунингдек уларнинг мол-мулкни тасарруф этади;

Агентлик тизимида белгиланган тартибда молиявий ишларни ташкил этади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

35. Қуйидагилар:

марказий аппарат ходимлари, Агентлик тизимига кирувчи идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

ҳудудий бошқармалар бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишган ҳолда Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари, маҳаллий бюджетда турган тиббий-ижтимоий муассасаларнинг раҳбар ўринбосарлари, ҳудудий бошқармалар бош бухгалтери Агентлик директори билан келишган ҳолда ҳудудий бошқармалар бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

республика бюджетда турган идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбар ўринбосарлари Агентлик директори билан келишган ҳолда ушбу ташкилотнинг раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

ҳудудий бошқармалар бошлиғи лавозимга тайинлашда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб-таомил яқунлангунига қадар директор мазкур таркибий бўлинманинг самарали ҳамда узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида вақтинча бошлиқ вазифаларини бажарувчини тайинлайди.

## **2-§. Агентликнинг ўз таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлиги**

36. Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилиб:

топшириқларни ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказиши ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларга таркибий бўлинмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолияти амалиётини текширади ва ўрганади, умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар

фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этади;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар кўради;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар масъул ходимлари иштирокини ташкил этади, тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

37. Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

Агентлик раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида маълумот беради; тиббий-ижтимоий хизмат ва тиббий-ижтимоий экспертиза соҳасида қонунчилик ҳужжатлари ижроси бўйича фаолият натижалари тўғрисида марказий аппаратга ахборот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган ишдаги камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида маълумот беради;

ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда Агентликнинг марказий аппаратага тақдим этади;

тиббий-ижтимоий хизмат ва тиббий-ижтимоий экспертиза масалаларини ҳал қилишга қаратилган таклифларни Агентликнинг марказий аппаратага юборади;

комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик натижалари тўғрисида ахборот беради;

ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида хабар беради.

38. Агентлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар директорнинг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосари томонидан кўриб чиқилади.

Агар кўрсатиб ўтилган кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, у бўйича қарор бевосита директор томонидан қабул қилинади.

**3-§. Агентликнинг бошқа давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги**

39. Агентлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошқа

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

40. Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколати доирасида бошқа давлат бошқаруви органларининг ҳудудий органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари тегишли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик қилади.

41. Агентлик фаолиятига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли тузилмалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири мутасаддилик қилади.

### **8-боб. Агентликни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш**

42. Агентлик фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

43. Агентлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича, тегишли равишда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ходимларига тенглаштирилади.

Туман (шаҳар) бўлимлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги 459-сон қарорига 9а, 10а, 11а ва 12а-иловаларда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

Агентликнинг бюджетдан ташқари ҳисобварақларида шаклланидиган маблағлардан Агентлик марказий аппарати ходимларига Агентлик директори томонидан лавозим маошининг 200 фоизигача миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгиланади.

44. Агентлик тизими ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига мувофиқ лавозим маошини белгилашда тариф коэффициенти марказий аппарат ходимларига — 1,5 барабар, унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси марказий аппарати ва унинг ҳудудий комиссиялари ходимларига — 1,2 барабар оширилган миқдорда қўлланилади.

«Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари, «Саховат» кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разряд-

ларига мувофиқ лавозим маошини белгилашда раҳбар ва шифокор ходимларига — 1,5 баравар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига — 2,0 баравар, бошқа барча ходимларининг — 1,2 баравар оширилган миқдорда қўлланилади.

45. Агентлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалардан ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

Агентлик ходимлари лавозим маошларига ҳар ойда қўшиладиган рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган қўшимча ҳақлар ва устамалар директор томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ тўланади.

### **9-боб. Яқунловчи қоида**

46. Агентликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**

**340** Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицейнинг битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3308*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 347-сон «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицейнинг битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 9 июнь,  
12-мҳ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 июнда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2021 йил 9 июндаги  
12-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик  
лицейнинг битирувчиларини Тошкент давлат юридик  
университетига якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали  
ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 347-сон «Тошкент давлат юридик университетига кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицейнинг (кейинги ўринларда — академик лицей) барча фанлар бўйича юқори натижаларга эга битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига (кейинги ўринларда — ТДЮУ) кириш тест синовларисиз, якка тартибда суҳбат ўтказиш орқали, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**абитуриент** — ТДЮУ бакалавриатига академик лицей тавсияси бўйича тест синовларисиз, суҳбат ўтказиш орқали кираётган академик лицей битирувчиси;

**махсус комиссия** — ҳар йили ТДЮУ ректори буйруғи билан ташкил этиладиган битирувчиларга тавсияномалар бериш масаласини кўриб чиқувчи комиссия;

**қабул комиссияси** — ҳар йили ТДЮУ ректори буйруғи билан ташкил этиладиган ТДЮУ бакалавриатига қабулни ташкил этадиган, шу жумладан, абитуриентлар ҳужжатларини қабул қиладиган ва уларга маслаҳат берувчи комиссия.

**суҳбат комиссияси** — ТДЮУ бакалавриатига қабул қилиш учун абитуриентлар билан суҳбат ўтказиш мақсадида ТДЮУ тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан ташкил этиладиган комиссия;

2. ТДЮУ бакалавриатига абитуриентлар қабул параметрларидан ташқари ТДЮУ томонидан белгиланадиган ўринлар сонига мос равишда қабул қилинади. Талабалар ТДЮУда тўлов-контракт асосида ўқийди.

3. ТДЮУ бакалавриатига ўқишга қабул қилиш суҳбат натижалари-

га кўра рейтинг тизими бўйича тўпланган баллар асосида амалга оширилади.

4. Абитуриентлар учун суҳбат:

академик лицей дастурлари доирасида ҳуқуқий фанлар бўйича билим савияси ва ўзлаштириш даражасини;

юридик касбни танлашда мотивациясини (ҳуқуқшунос касбининг моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини тушуниш, унга доимий қизиқиш кўрсатиш);

нутқ маданиятининг шаклланганлиги, ўз фикрини равон ифода этиш ва танқидий фикрлаш салоҳиятига эга эканлигини;

умумий дунёқарашининг шаклланганлиги, ўз устида ишлаш ва ижодкорлик қобилиятини аниқлаш бўйича ўтказилади.

5. ТДЮУ бакалавриатига абитуриентларни ўқишга қабул қилиш ушбу Низомга 1-иловадаги\* схемага мувофиқ ташкил этилади.

**2-боб. Махсус комиссияни ташкил этиш ва тавсиянома бериш**

6. Махсус комиссия ҳар йили 10 июндан кечикмасдан 7 нафар кишидан иборат таркибда тузилади. Махсус комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮУ, академик лицей ходимлари киритилади.

Махсус комиссия таркибига келишув асосида бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Махсус комиссия ўз фаолиятини коллегиялик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик тамойиллари асосида амалга оширади.

Махсус комиссияга комиссиянинг бошқа аъзолари фаолиятини мувофиқлаштирувчи раис бошчилик қилади. Махсус комиссия фаолиятини ташкилий таъминлаш унинг котибига юкланади.

Тошкент давлат юридик университети ўқув ишлари бўйича проректори — академик лицей директори (кейинги ўринларда — академик лицей директори) лавозими бўйича махсус комиссиянинг раиси ҳисобланади.

7. Битирувчилар ҳар йили 20 июндан кечикмасдан махсус комиссияга тавсиянома беришни сўраб ариза билан мурожаат қилади. Бунда, ариза махсус комиссия котибига топширилади.

Махсус комиссия фақат комиссия ташкил этилган тегишли ўқув йили битирувчиларининг аризаларини кўриб чиқади.

8. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

фанларни ўзлаштирганлик тўғрисида академик маълумотнома;

битирувчининг чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи сертификат;

битирувчининг шахсий ютуқлари, академик лицей ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирокини (маънавий-маърифий тадбирлар, жамоат ишлари, лойиҳалар, танловлар, олимпиадалар ва бошқаларни) тасдиқловчи ҳужжатлар.

9. Махсус комиссия ҳар йили 20 июндан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда битирувчиларнинг ҳужжатларини кўриб чиқади.

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Махсус комиссиянинг мажлислар ўтказиш жадвали ва мажлисга таклиф этилган битирувчилар рўйхати комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

11. Мажлислар ўтказиш жадвали академик лицейнинг расмий веб-сайтида мажлис бошланишидан камида бир ҳафта аввал эълон қилинади.

12. Махсус комиссия мажлиси комиссия аъзоларининг барчаси иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

13. Тавсиянома бериш масаласи кўриб чиқиладиганда, махсус комиссия қўйидаги асосий минимал талабларни ҳисобга олади:

а) битирувчининг академик лицейдаги умумий ўзлаштириш кўрсаткичи рейтинг натижалари бўйича 71 ва ундан юқори фоизни ташкил қилиши (5 (беш) баҳолик тизимда 4 (тўрт) баҳо ва ундан юқори бўлиши керак);

б) битирувчининг чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи қўйидаги миллий ёки халқаро сертификатга эга эканлиги:

инглиз тили учун — миллий сертификат ёки International English Language Testing System (IELTS 5,5, Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 72), Cambridge Assessment English FCE ва CAE ҳамда CEFR халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

япон тили учун — миллий сертификат ёки Japanese Language Proficiency Test (JLPT № 2) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

немис тили учун — миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD II) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

француз тили учун — миллий сертификат ёки Diplôme d'Etudes en Langue Française (DEL F), Test de Connaissance du Français (TCF4) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

хитой, корейс ва бошқа тиллар учун — миллий сертификат ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

в) битирувчининг шахсий ютуқлари, академик лицей ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки (маънавий-маърифий тадбирлар, жамоат ишлари, лойиҳалар, танловлар, олимпиадалар ва бошқалар);

г) битирувчининг академик лицейдаги ўқиш даврида унга нисбатан интизомий чора қўлланилмаганлиги.

Мазкур бандда кўрсатилган асосий минимал талабларга тегишли масалаларни кўриб чиқишда, битирувчининг академик лицейдаги бутун ўқиш даври ҳисобга олинади.

14. Зарурат бўлганда, тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида битирувчи суҳбат учун махсус комиссия йиғилишига чақирилиши мумкин. Суҳбат жараёни реал вақт режимида (онлайн) кузатиб борилишини таъминлайдиган хонада ўтказилади.

15. Битирувчига тавсиянома бериш ёки тавсиянома беришни рад этиш ҳақидаги махсус комиссия қарори мажлисда иштирок этган комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ҳамда комиссия ҳар бир

аъзосининг битирувчи тўғрисидаги асослантирилган фикри комиссия мажлиси баённомасида қайд этилади.

16. Махсус комиссия мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланиб, раис томонидан тасдиқланади.

17. Махсус комиссиянинг қарори асосида академик лицей директори томонидан битирувчига тавсиянома берилади.

18. Тавсиянома бериш уни олган битирувчилар рўйхатини илова қилган ҳолда махсус комиссияси қарори қабул қилингандан сўнг 2 кундан кечикмасдан академик лицей директори буйруғи билан расмийлаштирилади. Тавсиянома олган битирувчига буйруқдан кўчирма берилади.

19. Тавсиянома бериш ҳақидаги буйруқ қабул қилингандан сўнг бир кун ичида қабул комиссиясига фойдаланиш учун юборилади.

### **3-боб. Қабул комиссияси томонидан ҳужжатларни қабул қилиш**

20. Абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризалари қабул комиссияси томонидан 25 июндан 5 июлгача қабул қилинади.

Зарур ҳолларда, Адлия вазирлиги томонидан мазкур банднинг биринчи хатбошисида белгиланган абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризаларини қабул қилиш муддатига ўзгартириш киритилиши мумкин.

21. ТДЮУ бакалавриатига қабул қилиш учун ҳужжатлар Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тақдим этилади.

Абитуриентлар ТДЮУ ректори номига ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризани ушбу Низомга 2-иловасига\* мувофиқ электрон шаклда тўлдиради.

22. Қабул қилиш тўғрисидаги электрон аризага диплом ва иловаси электрон шаклда илова қилинади.

Аризага илова қилинаётган ҳужжат ҳақиқийлиги сақланишини таъминловчи (ҳар бир дюймга 200 нуктадан кам бўлмаган) алоҳида файл кўринишида бўлиши керак.

Аризани унга ҳужжатлар «PDF» (portable document format) форматда сканер қилинган нусхалар кўринишида илова қилинган ҳолда жўнатишга йўл қўйилади.

23. Ушбу Низомнинг 20 — 22-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ барча ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, 72 соат ичида ноёб рақам бериш орқали ариза рўйхатга олинади ва абитуриентга билдиришнома юборилади ҳамда абитуриентга ҳужжатларнинг аслини ўз вақтида топшириш зарурати тўғрисида хабар берилади.

Ҳужжатлар қабул комиссияси томонидан қабул қилинган вақт ариза учун ноёб рақам олинган вақт ҳисобланади.

24. Агар тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Низомнинг 20 — 22-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, 72 соат ичида аризада кўрсатилган электрон почта манзили бўйича абитуриентга

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тегишли хабарнома юборилади. Бунда, абитуриентга кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ва ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагунга қадар уларни такроран тақдим этиш имконияти берилади.

Ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш қатъиян ман қилинади.

25. Рўйхатга олинган қабул қилиш тўғрисидаги аризалар сони ҳар куни ТДЮУнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

#### **4-боб. Суҳбат комиссиясини ташкил этиш ва якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш**

26. Якка тартибдаги суҳбат ҳар йили 10 — 20 июль кунлари суҳбат комиссияси томонидан ўтказилади. Об'ектив сабабларга кўра ушбу муддатларда суҳбат ўтказиш имконияти бўлмаса, ТДЮУ якка тартибдаги суҳбат ўтказиш муддатини бу ҳақда абитуриентларни камида уч кун аввал хабардор қилган ҳолда, ўзгартириши мумкин.

27. Суҳбат комиссияси ҳар йили 1 июлдан кечикмасдан 7 нафар кишидан иборат таркибда тузилади. Суҳбат комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва ТДЮУ ходимлари киритилади.

Суҳбат комиссияси таркибига келишув асосида бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Махсус комиссия таркибига киритилган шахсларнинг Суҳбат комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

Суҳбат комиссияси ўз фаолиятини коллегиялик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

Суҳбат комиссиясига комиссиянинг бошқа аъзолари фаолиятини ўзаро умумий мувофиқлаштирувчи раис бошчилик қилади. Суҳбат комиссияси фаолиятини ташкилий таъминлаш унинг котибига юкланади.

28. Якка тартибдаги суҳбат ўтказилишига қадар абитуриентлар учун маслаҳатлар ташкил этилади, маслаҳатлар жадвали қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

29. Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш учун бино ва аудиторияларни тайёрлашни ташкил этиш учун жавобгарлик қабул комиссияси масъул котиби зиммасига юкланади.

30. Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш жадвали ТДЮУ расмий веб-сайтида суҳбат бошланишидан камида уч кун олдин жойлаштирилади.

31. Якка тартибдаги суҳбат ТДЮУдаги таълим тилларида ўтказилади. Якка тартибдаги суҳбат тили абитуриентнинг ўзи томонидан белгиланиб, унинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризасида кўрсатилади.

32. Абитуриентлар якка тартибдаги суҳбатдан ўтишлари учун навбат билан киритилади. Якка тартибдаги суҳбатга абитуриент биометрик паспорти (идентификация ID-картаси) билан ташриф буюради.

33. Абитуриентнинг якка тартибдаги суҳбатга уяли телефон ва бошқа

алоқа ва телекоммуникация воситалари, луғат, китоб ва шпаргалкалар олиб кириши, улардан фойдаланиши ёки уларни бошқа абитуриентга бериши, шунингдек, бошқа абитуриентга ёрдам бериши қатъиян тақиқланади.

Ушбу талабни бузган абитуриент якка тартибдаги суҳбатдан четлаштирилади. Суҳбатдан четлаштириш бўйича ушбу Низомга 3-иловада\* берилган шаклга мувофиқ суҳбат комиссияси котиби томонидан далолатнома расмийлаштирилади.

34. Якка тартибдаги суҳбатни ўтказиш давомида суҳбат комиссияси аъзолари томонидан абитуриентга мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган мезонлардан келиб чиққан ҳолда саволлар берилади.

Бунда ушбу Низомнинг 4-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган йўналишлар бўйича бериладиган саволлар рўйхати академик лицей ўқув дастурлари доирасида шакллантирилади ҳамда ТДЮУ ректори томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган саволлар рўйхати ТДЮУнинг расмий веб-сайтига якка тартибдаги суҳбат бошланишидан камида ўн беш кун аввал жойлаштирилади.

Битта абитуриент билан якка тартибдаги суҳбат 45 дақиқагача давом этиши мумкин. Мазкур Низомнинг 4-банди иккинчи ва учинчи хатбошида назарда тутилган йўналишлар бўйича саволлар абитуриент томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда махсус электрон дастур орқали тасодифий равишда танланади.

Абитуриент томонидан тасодифий равишда танланган саволлар суҳбат комиссияси котиби томонидан принтерда чоп этилади ва абитуриентга тақдим қилинади.

Якка тартибдаги суҳбат натижалари 100 баллик тизимда баллар қўйиш йўли билан баҳоланади. Мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ҳар бир мезон бўйича максимал балл 25 баллни ташкил этади.

35. Якка тартибдаги суҳбат натижаларини аниқлаш учун суҳбат комиссиясининг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил ҳолда ушбу Низомга 4-иловага\* мувофиқ шаклдаги баҳолаш варақасини тўлдиради ва уни суҳбат комиссияси котибига тақдим этади. Суҳбат комиссияси котиби абитуриентга суҳбат комиссияси аъзолари томонидан қўйилган ўртача баллни ҳисоблаб чиқади.

Якка тартибдаги суҳбат натижалари рейтинг тизими бўйича абитуриентга қўйилган (0 дан 100 гача оралиқдаги) баллар асосида аниқланади.

Суҳбат комиссияси баённомасида абитуриентлар рўйхати камайиб бориш тартибида, энг юқори балл олган абитуриентдан бошлаб жойлаштирилади.

36. Якка тартибдаги суҳбат жараёни ва натижалари суҳбат комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланадиган ва раис томонидан тасдиқланадиган баённомада қайд этилади.

Якка тартибдаги суҳбат жараёни ва натижаларини қайд этишда видео ва аудиоёзувлардан фойдаланилади. Якка тартибдаги суҳбат жараёни Ин-

---

\* 3-4-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тернет жаҳон ахборот тармоғи орқали онлайн режимда трансляция қилиниши мумкин.

37. Суҳбат натижалари ТДЮУ расмий веб-сайтида суҳбат ўтказилгандан сўнг кейинги иш кунида эълон қилинади.

38. Абитуриентлар ўқишга қуйидаги ҳолларда қабул қилинмайди: жадвал бўйича якка тартибдаги суҳбатга келмаганда (0 балл қўйилади); якка тартибдаги суҳбатда белгиланган максимал баллнинг 56 фоизи ва ундан кам балл тўпланганда.

39. ТДЮУ бакалавриятига абитуриентларни қабул қилиш учун якка тартибдаги суҳбатни қайта ўтказишга йўл қўйилмайди.

40. Якка тартибдаги суҳбат натижалари юзасидан ТДЮУ ректорининг буйруғи билан абитуриентларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси таркибига тегишли фанлар бўйича малакали мутахассислар киритилади.

Махсус ва Суҳбат комиссиялари таркибига киритилган шахсларнинг апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

41. Якка тартибдаги суҳбат натижаларидан норози бўлган абитуриент апелляция комиссиясига суҳбат натижаси эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида ёзма тартибда апелляция бериш ҳуқуқига эга.

42. Апелляция комиссияси тақдим этилган апелляцияни у келиб тушган кундан бошлаб икки иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади. Апелляция кўриб чиқиладиган кун ҳақида абитуриентга хабар берилади.

43. Апелляция комиссияси томонидан апелляция фақат абитуриент иштирокида, суҳбат жараёни ёзиб олинган видеотасвир асосида кўриб чиқилади.

44. Абитуриентнинг эътирозларини кўриб чиқиш натижаси бўйича Апелляция комиссияси қуйидаги мазмундаги қарорлардан бирини қабул қилади:

эътироз асоссиз бўлса, апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш ва суҳбат натижаларини ўзгаришсиз қолдириш;

эътироз асосли бўлса, апелляцияни қаноатлантириш ва суҳбат натижаларига ўзгартириш киритиш.

45. Якка тартибдаги суҳбатдан муваффақиятли ўтган абитуриентлар қабул комиссиясига ўқув йили бошланишига қадар ҳужжатларнинг аслини, шунингдек чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи миллий ёки халқаро сертификатнинг асл нусхасини тақдим этади.

Ҳужжатларда, шу жумладан, электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатларда сохталаштириш ва қалбакилаштириш аниқланган тақдирда, абитуриент якка тартибдаги суҳбатдан четлаштирилади (ТДЮУ талабалар сафидан четлаштирилади), ҳужжатлари эса белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга юборилади.

46. Якка тартибдаги суҳбат натижалари 1 августга қадар ТДЮУ бакалавриятига абитуриентларни тавсия этиш ҳақида қарор қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилади.

**5-боб. Қабул қилишни расмийлаштириш**

47. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ТДЮУ бакалавриятига тавсия этиш тўғрисидаги буйруғи 10 августдан кечиктирмасдан қабул қилинади.

48. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ТДЮУ бакалавриятига тавсия этиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинганидан сўнг ТДЮУ билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида белгиланган тартибда контрактлар тузилади.

Белгиланган намунадаги контракт бланкалари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи қабул қилинган кундан бошлаб берилади ҳамда ТДЮУ ректори ва бош бухгалтери имзоси билан юридик шахслар учун 3 нусхада ва жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади.

ТДЮУ бакалавриятига тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия қилинган абитуриентлар учун тўловлар ҳар йили қонунчилик ва шартнома шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

49. Абитуриентларни ТДЮУга ўқишга қабул қилиш юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан контракт тўлови тўлангандан сўнг ТДЮУ ректорининг буйруғи билан 15 сентябрдан кечиктирмай расмийлаштирилади.

Ушбу абитуриентларга 2 сентябрдан бошлаб дарсларга қатнашишига рухсат этиш тўғрисида буйруқ расмийлаштирилади.

**6-боб. Яқуний қоидалар**

50. Академик лицей томонидан берилган тавсиянома икки йил давомида амал қилади.

51. ТДЮУ бакалавриятига қабул қилинган абитуриентларнинг яқка тартибдаги суҳбат натижаларидан тегишли кўчирмалар уларнинг шахсий йиғмажилдига тикиб қўйилади.

52. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА  
ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**341** Кристо-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3309*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ–5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Кристо-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Лойиҳа бошқаруви миллий  
агентлиги директори**

**Д. ЛИ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 8 июнь,  
3-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 июнда эълон қилинган.

**Иқтисодий жиноятларга  
қарши курашиш  
департаментининг бошлиғи**

**Д. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 7 июнь,  
16-сон

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий  
агентлиги 2021 йил 8 июндаги 3-сон ва  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши  
курашиш департаментининг 2021 йил  
7 июндаги 16-сон қарорига  
ИЛОВА

**Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни  
амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан  
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни  
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни  
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**бенефициар мулкдор** — якуний натижада мулк ҳуқуқига эгалик қилувчи ёки мижозни ҳақиқатда назорат қилувчи жисмоний шахс, шу жумладан, манфаатини кўзланган ҳолда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга оширилаётган юридик шахс;

**ички назорат** — крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг мижозни лозим даражада текшириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан

боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш, шубҳали операцияларни аниқлаш ҳамда террорчилик фаолиятида, терроризмни молиялаштиришда ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришда иштирок этувчи ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар билан боғлиқ операцияларни аниқлашга доир фаолияти;

**ички қоидалар** — крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар, шу жумладан, уларнинг филиалларида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи ички ҳужжатдир;

**жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатлар** — Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг расмий баёнотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва ҳудудлар;

**мижозни идентификациялаш** — мижозни лозим даражада текшириш мақсадида мижозлар ҳақидаги маълумотларни улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида аниқлаш;

**мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш** — қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган таъсис ҳужжатлари (устав ва (ёки) таъсис шартномаси, низом) асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали мижознинг мулкдори ёки уни назорат қилувчи юридик шахсни аниқлаш;

**мижоз** — крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг хизматидан фойдаланаётган жисмоний ёки юридик шахс;

**террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс** — террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек, террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

**оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс** — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуролини тарқатишини олдини олишга қаратилган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

**крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахс** — крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун ўрнатилган тартибда лицензияни олган шахс;

**мижозни лозим даражада текшириш** — мижозни ва у қайси шахслар номидан иш кўраётганини текшириш, мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш, шунингдек мижоз томонидан амалга оширилладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганишларни ўтказиш;

**хабар қилиниши лозим бўлган операциялар** — ички назоратни ўтказиш давомида крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар томонидан шубҳали деб топилган, содир этилаётган ва тайёрланаётган крипто-активлар, шунингдек, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

**масъул ходим** — ички назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган шахс;

**оффшор худуд** — имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда улар ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликни ва тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатлар ва худудлар;

**Рўйхат** — терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек, чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати;

**крипто-активларни алмаштиришга, сақлашга ва сотиб олиш/сотишга мўлжалланган крипто-платформа** — крипто активларини, шу жумладан, токенларни сотиш, сотиб олиш ва алмаштириш, жойлаштириш, сақлаш ва бошқариш учун мўлжалланган ахборот тизими (ресурс, дастурий таъминот ва аппарат, дастурий таъминот, мобил дастур);

**шубҳали операция** — крипто-актив, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларда мазкур Қоидаларни амалга ошириш жараёнида жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

**операцияларни тўхтатиб туриш** — мижознинг крипто-актив, пул маблағлар ёки бошқа мол-мулк билан операцияларни амалга ошириш, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;

**юқори мансабдор шахслар** — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида, шу жумладан, ҳарбий тузилмаларида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув вазифаларини бажарувчи ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколатли шахслар, шунингдек чет давлат корхоналарининг юқори мартабали раҳбарлари, чет давлатнинг таниқли сиёсатчилари ва сиёсий партияларининг таниқли аъзолари (шу жумладан, собиқ);

**таваккалчилик** — мижозлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга ошириш таваккалчилиги;

**ички назорат тизими** — мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатлар билан белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга қаратилган масъул ходим ва крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатлари йиғиндиси;

**махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;

**операция иштирокчилари** — мижозлар (шу жумладан, таъсисчилари, акциядорлари ва бошқа иштирокчилари), уларнинг вакиллари ҳамда мижознинг операцияда иштирок этувчи ҳамкорлари;

**хусусий крипто-ҳамён** — крипто-биржаларидан ташқарида яратилган крипто-активлари ва токенларни сақлаш ва уларнинг эгасига крипто-актив ва токенлари билан барча турдаги операцияларни бажариш имкони берувчи дастурий ва дастурий-техник воситаси.

2. Қуйидагилар ички назоратнинг мақсади ҳисобланади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қаратилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг жиноий фаолиятга қасддан ёки қасддан бўлмаган ҳолда жалб этилишига йўл қўймаслик;

таваккалчиликларни аниқлаш, уларни баҳолаш, ҳужжатлаштириш ва пасайтириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

3. Қуйидагилар ички назоратнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўз таваккалчиликларини аниқлаш, баҳолаш, ҳужжатлаштириш ва камайтиришга доир тегишли чораларни кўриш;

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларини ва идентификациялаш жараёнларини амалга ошириш, шу жумладан, мижоз-

лар ва уларнинг бенефициар мулкдорлари ҳақидаги маълумотларни мунтазам янгилаш ва верификациялаш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш, уларнинг шахсини ўрганиш бўйича имкон қадар чоралар кўриш;

юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан амалга оширилаётган операцияларни чуқур мониторинг қилиш;

мазкур Қоидалар ва ички қоидаларда белгиланган тартибда шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотни (ҳужжатларни) махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида тақдим этиш;

махсус ваколатли давлат органининг қўшимча маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги сўровларини ҳамда мижозларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларини тўхтатиб туриш ҳақидаги кўрсатмасини ўз вақтида бажариш;

Рўйхат билан солиштириш орқали операция иштирокчилари орасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида сақланишини таъминлаш;

крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг раҳбариятини тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборот ва материаллар билан тезкор ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операцияларни амалга ошириш ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган операция иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро алмашиб бориш;

сўровлар бўйича мижозлар базасидан Рўйхат билан солиштириш орқали террорчилик фаолиятини молиялаштиришга ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқадор шахсларни аниқлаш.

## **2-боб. Ички назорат тизимини ташкил этиш**

4. Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг ички назорат тизими уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, мижозлар базаси ва мижозлар

ҳамда уларнинг операциялари билан боғлиқ бўлган таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

5. Масъул ходим крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар раҳбарининг буйруғи билан раҳбар ходимлари орасидан тайинланади. Мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар ўзининг масъул ходими ва мазкур Қоидалар талабларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотни ҳар йили 10 январига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига почта алоқа воситалари ёки электрон шаклда юборади.

Масъул ходим ўзгарган тақдирда крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахс, янги тайинланган масъул ходим ҳақида уни тайинланган иш кунидан кечиктирмасдан хабардор қилиши лозим.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги махсус ваколатли давлат органига крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслардаги масъул ходимлар ва мазкур Қоидалар талабларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотни ҳар йили 20 январдан кечиктирмасдан тақдим этади.

7. Масъул ходим лавозимига тайинланувчи шахс крипто-активлар муомаласи, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонунчилиги ҳамда ушбу соҳадаги халқаро стандартларни билиши шарт.

8. Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахснинг раҳбари ва масъул ходими лавозимига ўз фаолияти ва шахсий хулқ-атворида ишониб топширилган бўлинмани нотўғри бошқарганини намоён этган ҳамда судланганлик муддати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар тайинланиши мумкин эмас.

9. Масъул ходимларининг жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг, терроризмни молиялаштиришнинг ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услублари ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонунчилик ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслари мунтазам равишда ходимларни қайта тайёргарликдан ўтказишлари шарт.

10. Масъул шахс қуйидаги функцияларни бажаради:

жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш учун крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахс хизматларидан фойдаланиш хавфининг

олдини олиш учун қонунчиликда, мазкур Қоидаларда ва ички қоидаларда кўзда тутилган чораларни кўради;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонунчилиги, ушбу Қоидалар ва ички қоидалар талабларига крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар томонидан риюя этилиши назоратини амалга оширади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга оид қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги ахборотни крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар раҳбарига тақдим этади;

крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар мазкур Қоидалар ва ички қоидалар талабларига риюя қилинмаганлиги бўйича аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг раҳбарига кўриб чиқиши учун таклифлар киритади;

мазкур Қоидалар ижроси натижалари ҳақида ҳисоботни бир йилда камида бир маротаба крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг раҳбарига тақдим этади;

шубҳали операциялар, уларни бажаришга уринишлар тўғрисидаги хабарларни махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида узатилишини, шунингдек махсус ваколатли давлат органининг қўшимча маълумотларни тақдим этиш ҳақидаги сўровларнинг ва мижозларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларини тўхтатиб туриш ҳақидаги кўрсатмасининг бажарилишини таъминлайди;

ички назоратни ташкил этиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва бартараф этиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги ва махсус ваколатли давлат органи масъул шахслари билан ҳамкорликни амалга оширади;

Рўйхатни крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг ходимларига етказди.

11. Масъул шахс куйидаги ҳуқуқларга эга:

крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг ходимларидан ички назоратни амалга ошириш мақсадлари учун зарур бўлган бошқарувчилик, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операцияларга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш.

Масъул шахс қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.



12. Масъул шахс қўйидагиларга мажбур:

ўз ваколати доирасида мазкур Қоидалар ва ички қоидалар билан юклатилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажариш учун зарур чораларни кўриш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга оид ўз тавваккалчиликларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича тегишли чораларни кўриш, бу тавваккалчиликларни ҳужжатларда қайд қилиш ва уларни камайтириш чораларини кўриш;

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича, шу жумладан, доимий мониторингни амалга ошириш ҳамда идентификациялаш ҳамда Рўйхат билан солиштиришни таъминлаш бўйича чораларни кўриш;

бенефициар мулкдорларни аниқлаш ва идентификациялаш бўйича тегишли чораларни кўриш;

махсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда шубҳали операциялар тўғрисида, шу жумладан, улар аниқланган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай уларни амалга оширишга уринишлар тўғрисида хабарларни бериб бориш;

махсус ваколатли давлат органининг мижозларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциясини тўхтатиб туриш ҳақидаги талабномасини ўз вақтида бажариш бўйича чораларни кўриш;

олинган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш;

ички назоратни амалга ошириш давомида олинган ҳужжатларнинг сақланишини ва қайтарилишини таъминлаш;

қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

13. Кripto-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслари мазкур Қоидалар талабларидан келиб чиқиб, қўйидагиларни акс этган ички қоидаларни ишлаб чиқишлари ва тасдиқлашлари лозим:

таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, камайтириш ва ҳужжатлаштиришга доир чораларни амалга ошириш тартиби;

мижозларни ва уларнинг бенефициар мулкдорларини лозим даражада текшириш, шунингдек мижозлар операцияларининг мунтазам назоратини амалга ошириш қоидалари;

керакли ахборотни расмийлаштириш ва унинг махфийлигини таъминлаш тартиби;

шубҳали операцияларни аниқлаш тартиби, шунингдек бундай операциялар тўғрисидаги хабарларни тайёрлаш ва махсус ваколатли давлат органига юбориш тартиби;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга қўйиладиган малакавий талаблар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг олдини олишга қаратилган чоралар;

юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансаб-

дор шахсларга яқин шахслар билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш ҳамда улар томонидан ўтказиладиган операцияларини мониторинг қилиш тартиби;

юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган мижозларнинг хисобини юритиш ва мониторинг қилиш ҳамда бундай мижозлар операцияларини мониторинг қилиш тартиби;

махсус ваколатли давлат органининг қўшимча маълумотларни тақдим этиш ҳақидаги сўровларни ва мижозларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тўхтатиб туриш ҳақидаги талабномасини ўз вақтида бажариш бўйича чоралар;

қонунчиликка зид бўлмаган бошқа қоидалар.

14. Кripto-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар қўйидагиларга мажбур:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни ўрганишни, таҳлил қилишни ва аниқлашни ўз фаолиятида тизимли равишда, йилига камида бир марта амалга ошириши, ўрганиш натижаларини ҳужжатлар билан қайд этиши ва уни камайтириш бўйича тегишли чоралар қўриши шарт;

таваккалчиликлар даражасини ва уларни камайтириш бўйича тегишли чораларни аниқлаш давомида мазкур соҳага оид барча таваккалчиликларни эътиборга олиш;

таваккалчиликларни баҳолаш энг сўнгги ҳолатда ушлаб туриш;

махсус ваколатли давлат органига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига таваккалчиликларни баҳолаш натижаларини тақдим этишнинг аниқ тартибини белгилаш;

бошқа, шу жумладан, чет элдаги, крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар билан амалий иш муносабатларига киришиш давомида мумкин бўлган усуллар орқали, шу жумладан, очик манбалардан, уларнинг иш обрўси, бизнес юритиш усул ва услублари, қонунчиликни бузиш ҳолатлари тўғрисида маълумотларни тўплаш;

кripto-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахснинг бошқарув органларининг розилиги олингани ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат тизимини ўрганилишидан сўнг бошқа крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар билан амалий иш муносабатларига киришиш;

кripto-активларни миллий ёки чет эл валютасига сотиш ёхуд сотиб олиш, алмаштириш операцияларни, шу жумладан, мижоз номидан, амалга ошириш давомида крипто-актив жўнатувчи/қабул қилувчи ҳамда операция амалга ошириш учун ишлатилган ҳамён манзиллари, бенефициар мулкдорлари ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотларнинг олиниши ва тақдим этилиши,

шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, махсус ваколатли давлат органи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сўровларига асосан мазкур маълумотларни тақдим этиш;

ички қоидалар қўлланилишини доимий мониторингини амалга ошириб боришлари ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг юқори даражадаги таваккалчилик аниқланган ҳолларда таваккалчиликларни бошқариш ва камайтириш бўйича кучайтирилган чораларни қўриш.

15. Кripto-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг ички қоидалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонунчилик ва мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ бўлиши, шунингдек аниқланган таваккалчиликлар ва уларнинг баҳосидан келиб чиқиб тузилиши шарт. Ички қоидалар, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланади.

16. Кripto-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг чет элдаги алоҳида бўлинмалари (мавжуд бўлганда) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда улар жойлашган мамлакат талабларига риоя қилишлари лозим, мазкур талаблар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг талабларидан фарқ қилган тақдирда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартларни қўллаши лозим.

17. Кripto-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар ўзининг хориждаги алоҳида бўлинмаларидан мазкур ажратилган бўлинмалар жойлашган мамлакат қонунчилигидаги тақиқлар туфайли жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолатлар тўғрисида бош офисни хабардор қилишни талаб қилишга мажбурдир.

### **3-боб. Мижозларни лозим даражада текшириш**

18. Кripto-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар мижозларни лозим даражада текшириш чораларини қўришлари керак.

Мижозларни лозим даражада текшириш чоралари барча янги мижоз-

лар ҳамда таваккалчилик даражасидан келиб чиқиб мавжуд мижозларга нисбатан қўлланилади.

Алоҳида ҳолларда, мавжуд мижознинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқаси борлиги ҳақида асослантирилган шубҳалар мавжуд бўлганида ва унга нисбатан мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга ошириладиганлиги ошкор бўлиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чоралар амалга оширмасдан махсус ваколатли давлат органига шубҳали операция ҳақида ахборот юборилишига йўл қўйилади.

19. Мижознинг лозим даражада текшириш қўйидаги ҳолларда амалга оширилиши керак:

мижоз билан амалий иш муносабатлари ўрнатилганда;

мижоз билан крипто-активлар муомаласига оид хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартнома тузилганда;

ўтказиладиган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга ошириладиганлигига нисбатан ҳар қандай шубҳалар мавжуд бўлганда;

мижоз тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўғрилигига гумонлар мавжуд бўлганда;

операция ўтказиладиган кунда эквиваленти 1000 (бир минг) АҚШ долларидан ошган миқдордаги бир марталик операциялар амалга ошириладиган ҳолларда.

20. Мижозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар қўйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

ишончли манба ва ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда мижозни идентификациялаш ва верификациялаш;

тегишли ҳужжатлар асосида мижознинг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш;

мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялашни, мижознинг бенефициар мулкдор шахсини верификациялаш бўйича тегишли чоралар кўриш, шу жумладан ишончли манбадан олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, юридик шахс-мижозларга нисбатан эса таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш;

мижоз томонидан амалга ошириладиган иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай мижоз, унинг фаолияти мақсад ва характери ҳамда мол-мулк, шу жумладан крипто-активлар манбаси тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказиш.

Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар мижозларни лозим даражада текшириш давомида олинган маълумотларни мунтазам янгилаб бориши ва энг сўнгги ҳолатда ушлаб туриши шарт. Бунда юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига олинган мижозларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

21. Кripto-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар мижозни лозим даражада текшириш бўйича мазкур Қоидаларнинг 20-бандида кўрсатиб ўтилган чораларни кўриш билан бирга, мижоз ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахсларга нисбатан:

юқори мансабдор шахснинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва ўтказилаётган операциядаги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбаларини аниқлаш бўйича тегишли чораларни кўриш;

юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларига фақатгина раҳбарият рухсати билан киришиш (ёки мавжуд мижозлар учун давом эттириш);

лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини кўришлари шарт.

22. Лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

мижоз ҳақида очиқ манбалар ва маълумотлар базаларидан қўшимча тасдиқланган маълумотларни тўплаш ва қайд этиш ҳамда мижоз ва унинг бенефициар мулкдори ҳақидаги маълумотларни янгилаш ва верификациялашни кўпроқ ўтказиш;

мижоздан у томонидан амалга оширилаётган операциялар бўйича пул маблағларининг манбалари ёки унинг молиявий ҳолати операциялар ўтказилишининг мақсад ва сабаблари ҳақидаги маълумотларни олиш;

амалий иш муносабатларига киришиш ёки давом эттиришга крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахснинг бошқарув органларининг рухсатини олиш;

текширишларнинг сони ва кетма-кетлигини ошириш йўли билан мижоз операцияларининг кучайтирилган мониторингини амалга ошириш ҳамда операцияларни амалга ошириш схемаларни чуқур ўрганиш.

мижоз томонидан амалга оширилаётган операциялар устидан доимий мониторинг юритиш.

23. Мижоз хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги шартнома тузиш учун мурожаат қилганда, крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар қуйидагиларга мажбурдирлар:

ушбу Қоидалар ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонунчилик талабларига мувофиқ операция бўйича мижозни ва/ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш;

аввалги ҳисобот даври (ой, йилнинг чораги, ярим йиллик, йил) давомида мижознинг илгари ўтказган операцияларини ўрганиш, агар ихтиёрида бундай операциялар тўғрисида маълумотлар бўлса;

операциянинг турини ва унинг мижознинг таъсис ҳужжатларида белгиланган фаолияти мақсади ва турларига ёки унинг умумий иш амалиётига мувофиқлик даражасини аниқлаш;

аниқ иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган, миждознинг лозим даражада текшириш материалларига илова қилинадиган миждознинг умумий иш амалиётига, таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўзда тутилган унинг фаолияти мақсадларига ва турларига мос келмайдиган барча операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва ҳулосаларини ёзма қайд қилиш.

24. Миждоз ва миждознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш мазкур Қоидаларнинг 2 ва 3-иловаларида назарда тутилган ахборот асосида амалга оширилади.

Идентификация натижаси фамилияси, исми ва отасининг исмини, шунингдек санаси кўрсатган ҳолда масъул ходим томонидан алоҳида журналга киритилади.

25. Миждозни идентификациялашда давлат рўйхатига олинганлиги, раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар текширилиши керак.

Кўрсатилган ҳужжатларни тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш автоматлаштирилган тизими орқали ёки ушбу тизимдан ахборот олишнинг имкони бўлмаган ҳолда бевосита миждоздан олиш мумкин.

26. Миждозни ва операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи барча ҳужжатлар улар тақдим этилган санада амалда бўлиши шарт.

Миждоз ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда амалий иш муносабатлар тўғрисидаги маълумотлар ўрганилади.

27. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига нисбатан миждозларни лозим даражада текшириш чора-тадбирларининг ўтказилиши талаб қилинмайди.

28. Кристо-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар қуйидаги ҳолларда миждозга операцияларни амалга оширишни рад этади:

миждозларни лозим даражада текшириш чораларини қўллаш имкони бўлмаганда;

идентификациялашни тугатиш имкони бўлмаган ёки лозим даражада текшириш натижалари бўйича у билан ишга оид муносабатларни ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи маълумотлар олинган ҳолда;

атайин нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонунчиликка мувофиқ сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Миждозларга операцияни амалга оширишни рад этилган ҳолларда кристо-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслари махсус ваколатли давлат органига хабар юборишлари керак.

#### **4-боб. Таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш**

29. Кристо-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оши-

рувчи шахслар таваккалчилик даражасини аниқлаши, шунингдек уни пайтириш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши шарт.

Таваккалчилик даражаси мижознинг фаолияти ва амалга оширадиган операциялари турларини инобатга олган ҳолда мижоз тақдим қилган маълумотлар, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар ва мижозни лозим даражада текшириш натижалари асосида масъул ходим томонидан аниқланади ва баҳоланади.

Мазкур банднинг иккинчи хатбошида белгиланган талаблар асосида мижозга жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида операцияларни бажаришнинг тегишли (юқори ёки қуйи) таваккалчилик даражаси берилади.

30. Юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига олдиндан қуйидаги мезонларга тўғри келадиган операция иштирокчилари киритилиши керак:

а) Рўйхатга киритилган шахслар ёки Рўйхатга киритилган шахснинг назоратидаги шахслар, Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори бўлган ёки уни назорат қилувчи шахслар;

б) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда ёхуд оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

в) чет эл корхоналарининг ваколатхоналари ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлмаган жисмоний шахслар;

г) оффшор ҳудудларда ҳисобвараққа эга бўлган шахслар;

д) бенефициар мулкдори мазкур банднинг «а» ва (ёки) «б» кичик бандларида кўрсатилган шахс ҳисобланган ташкилотлар;

е) мунтазам равишда (3 ой ичида кетма-кет икки маротабадан ошиқ) шубҳали операцияларни амалга оширувчи мижозлар;

ж) юқори мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва юқори мансабдор шахсларга яқин шахслар;

з) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа шахслар.

31. Операция юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритилган тақдирда, крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар ушбу мижозга нисбатан лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини кўришлари ва доимий мониторинг қилиб боришлари шарт.

32. Мижоз томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг хусусияти ўзгаришига қараб, крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар мижозни лозим даражада текшириш натижалари бўйича тўпланган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда таваккалчилик хавфи даражасини қайта кўриб чиқишлари лозим.

33. Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар ички қоидаларда белгиланган тартибда юқори таваккалчилик

даражаси тоифасига киритилган барча мижозларнинг (операция иштирокчиларини) ҳисобини юритиши керак. Юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган барча мижозлар (операция иштирокчилари) тўғрисидаги маълумотлар махсус журналга киритилади.

34. Кripto-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг олдини олишга қаратилган чораларни кўриши керак. Ушбу мақсадда кripto-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар хизматларини кўрсатиш учун янги ёки ривожланаётган технологиялардан фойдаланилиши сабабли юзага келиши мумкин бўлган таваккалчилик даражаларини аниқлаши ва баҳолаши керак. Таваккалчиликнинг бундай баҳолаш янги ёхуд ривожланаётган технологиялардан фойдаланишдан аввал ўтказилиши керак.

#### **5-боб. Шубҳали операциялар мезонлари ва аломатлари ҳамда уларни аниқлаш тартиби**

35. Қуйидаги мезон ва аломатлар мавжуд бўлганда операция шубҳали деб топилади:

операцияни амалга ошириш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига (ишончлилигига) гумон туғилиши ва (ёки) операция тўғрисидаги, шу жумладан, операция бажарувчи томонларнинг бири ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ келмаслиги;

операция аниқ иқтисодий моҳиятга эга эмаслиги ва мижоз фаолиятининг тавсифи ва фаолият турига мувофиқ келмаслиги;

мижоз томонидан зарурат туфайли сўралаётган, шу жумладан, ишонч билдирувчи (агар мижоз ишончли вакил сифатида иш юритаётган бўлса) ҳақидаги маълумотларни тақдим этишнинг сабабсиз рад этилиши;

мижозга нисбатан мазкур Қоидаларда кўрсатилган чоралар асосли қўлланилаётганда, мижоз ташаббуси билан дарҳол амалий иш муносабатларининг тўхтатилиши;

мижозга нисбатан ушбу Қоидаларда назарда тутилган талаблар қўлланилганда унинг ташаббуси билан дарҳол амалий иш муносабатларининг тўхтатилиши;

идентификациялашни яқунлашнинг имкони бўлмаслиги ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, мижоз билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотларнинг олиниши;

мижоз хизмат кўрсатишнинг фойдалироқ шартларига нисбатан эътиборсиз бўлиши, шунингдек мижоз томонидан айни турдаги хизматлар кўрсатишдаги оддий тўловдан фарқ қиладиган юқори мукофотнинг таклиф қилиниши;

кripto-активлар ёки пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳуду-



дидан ташқарига оффшор хуудларда доимий яшовчи ёки рўйхатга олинган шахсларнинг фойдасига ўтказилиши;

операциянинг иштирокчиларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

қонунчилик билан белгиланган назорат жараёнидан қочишга қаратилган деган хулосани чиқаришга асос бўладиган операциялар ёки битимларнинг бир неча бор амалга оширилганлиги аниқланганда;

мунтазам равишда бир хил миқдордаги крипто-активларни бир ёки бир нечта, шу жумладан, крипто-биржаларда очилган крипто-ҳамёнларга ўтказиш;

крипто-активларни бир-бирига кўп марта алмаштириш, кейинчалик уларни крипто-биржаларда ёки крипто-активларни алмаштиришга, сақлашга ва сотиб олиш/сотишга мўлжалланган крипто-платформаларда очилган бошқа крипто-ҳамёнларга ёки хусусий крипто-ҳамёнларга ўтказиш;

24 соат ичида крипто-активлар билан кўплаб йирик битимларни амалга ошириш, шунингдек янги очилган ёки илгари узоқ вақт давомида ишлатилмай келган крипто-ҳамёнлардан фойдаланиш;

мижоз амалий иш муносабатларини аниқ олиб бора олмайдиган мамлакатлардаги крипто-активлар айланмаси соҳасида фаолиятни амалга оширувчи шахсларга тўсатдан крипто-активларни ўтказиши;

крипто-активларни қисқа вақт ичида крипто-ҳамёнларига киритиш ва уларни хусусий ёки аноним крипто-ҳамёнларга ўтказиши;

крипто-активларни илгари жиноий мақсадларда ишлатилган крипто-ҳамёнлардан, шунингдек бундай крипто-ҳамёнларга илгари эга бўлган шахсларнинг крипто-ҳамёнларидан олиш;

мижознинг одатдаги айланмасига аниқ мос келмайдиган крипто-ҳамёнларга йирик миқдордаги крипто-активларини киритиш;

крипто-активларини хорижий ёки миллий валютага юқори комиссия билан ёки ноқулай курсда алмаштириш;

яқинда эмиссия қилинган крипто-актив қийматининг тез ўсиши ва крипто-активларни алмаштиришга, сақлашга ва сотиб олиш/сотишга айнан бир крипто-биржа ёки крипто-платформа доирасида амалга оширилиши;

крипто-активлар нархлари билан ҳийла-найранг ишлатиш белгилари мавжудлиги;

узоқ вақт давомида кенг тарқалган ва муомалада бўлган крипто-активларни янги эмиссия қилинган крипто-активларга уларни кейинчалик турли хил крипто-ҳамёнларга ўтказиш ёки чет эл ва миллий валютага алмаштириш;

янги эмиссия қилинган крипто-активни «White paper» декларациясига (крипто-активлар ва токенларни жойлаштириш орқали инвестициялар жалб қилинадиган фаолият ҳақида маълумотни ўз ичига олган ҳужжат) эга эмаслиги ёки ундаги маълумотлар ҳақиқатга мувофиқ эмаслиги, шу

жумладан, крипто-активга айрим мамлакатлар ҳукуматлари ёки таниқли халқаро ташкилотлар томонидан кафолат берилиши тўғрисида маълумотнинг асоссиз келтирилиши ҳамда олинган маблағларнинг шубҳали инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтирилиши;

мижоз томонидан доимий равишда IP-манзилни яширадиган ва махфийликни таъминлайдиган дастурлардан фойдаланиши;

мижоз ва унинг операция бўйича контрагентнинг ҳақиқий домени, у рўйхатдан ўтган мамлакатдаги доменидан фарқлиги;

мижознинг айнан бир IP-манзилдан кўп миқдорда крипто-ҳамёнлар очилиши;

идентификация маълумотларини, шу жумладан, электрон почта манзиллари, IP-манзиллар ва доменларни, крипто-ҳамён эгалари тўғрисидаги маълумотларнинг тез-тез ўзгартирилиши;

мижоз крипто-активлар айланмаси соҳасида билимларга эга эмаслиги;

крипто-активларнинг келиб чиқиш манбаи, хавф-хатарга асосланган ўйинларни (қимор ўйинлар) онлайн тарзда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматларни кўрсатадиган сервислари бўлиши;

операцияни амалга оширишда фойдаланилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклар жиноий йўли билан топилган ёки терроризмни ёхуд оммавий қирғин қуролларининг тарқалишини молиялаштиришга мўлжалланган деган ҳар қандай шубҳанинг мавжуд бўлиши.

Ички қоидалар билан шубҳали операцияларнинг қўшимча белгилари ва мезонлари ўрнатилиши мумкин.

Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахс, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан махсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган, тавсия хусусиятига эга бўлган методик тавсиялар асосида шубҳали операцияларни эрта аниқлаш бўйича кўрсаткичларни жорий қилиш ҳуқуқига эга.

36. Идентификациялаш жараёнида олинган маълумотлар, шунингдек мижозга берилган таваккалчилик даражаси операцияни мониторинг қилишга асос бўлиб ҳисобланади.

37. Мижозни идентификациялаш ва улар операцияларининг жорий текшируви лавозим мажбуриятларига мувофиқ крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни олиб борувчи шахснинг ходими томонидан ўтказилади, у шубҳали операциялар аломатлари мавжуд операцияларни аниқлаган тақдирда бундай операциялар ҳақида бевосита масъул ходимига зудлик билан хабар бериши лозим.

38. Мижоз операцияларининг кейинги текшируви масъул ходим томонидан жорий текширув жараёнида аниқланмайдиган шубҳали операцияларни аниқлаш мақсадида, мижознинг ўтган давр мобайнида бажарган операцияларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Асосли шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда масъул ходим мижоз операциясини шубҳали деб ҳисоблаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади.

39. Операцияни шубҳали деб тан олиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу

Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек мижознинг туридан, операция мақсадлари ва ҳажмидан аниқланадиган таваккалчиликдан келиб чиққан ҳолда ва шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида амалга оширилади.

40. Мижоз операцияси шубҳали деб тан олингандан сўнг масъул ходим қўйидаги чораларни кўриши керак:

мижознинг операциялари устидан мониторингни кучайтириш;

мижоз тўғрисида қўшимча маълумот олиш;

мижознинг таваккалчилик даражасини қайта кўриб чиқиш;

операция ҳақидаги маълумотларни махсус журналга қайд этиш;

шубҳали операция тўғрисида махсус ваколатли давлат органига хабар берилишини таъминлаш;

қонунчиликка ва мижоз билан тузилган шартномага мувофиқ у билан муносабатларни тўхтатиш бўйича крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни олиб борувчи шахснинг раҳбарига таклиф киритиш.

41. Шубҳали операция ҳақидаги хабар крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахс томонидан шубҳали операция аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, қонунчиликда назарда тутилган тартибда махсус ваколатли давлат органига берилади.

42. Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахс тегишли операцияга нисбатан шубҳали эканлигини тасдиқловчи ёки олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни дарҳол махсус ваколатли давлат органига хабар қилиши зарур.

**6-боб. Террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда қатнашаётган ёки қатнашишда гумон қилинаётган шахслар Рўйхатига киритилган шахслар иштирокидаги операциялар аниқланганда амалга ошириладиган чора-тадбирлар**

43. Крипто-активлар айланмаси соҳасида фаолиятни амалга оширувчи шахслар мижоз, мижознинг бенефициар мулкдори ва операция иштирокчиларининг идентификация маълумотларини Рўйхат билан солиштиришлари шарт.

Агар мижоз билан амалий иш муносабатларни ўрнатиш даврида ёки пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширишда крипто-активлар айланмаси соҳасида фаолият олиб борадиган шахс ходимлари томонидан мижоз, мижознинг бенефициар мулкдори ёки операция иштирокчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келганлиги аниқланган тақдирда, улар кечиктирмасдан ва мижозни хабардор қилмасдан операцияни тўхтатишлари ва (ёки) крипто-активларини ишга солмай тўхтатиб қўйишлари ва масъул ходимга хабар беришлари керак.

Ўз навбатида, масъул ходим операция иштирокчиларидан бири ва амалга

оширилатган операциянинг идентификация маълумотларини махсус журналга киритиши, шунингдек махсус ваколатли давлат органига хабар юбориши лозим.

44. Кripto-активлар билан боғлиқ операция кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан тўхтатиб турилади, крипто-активлар эса ишга солинмай тўхтатиб қўйилади ва махсус ваколатли давлат органига хабар қилинади, агарда:

мижоз ёки операция иштирокчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келса;

мижоз Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топшириғига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

операция иштирокчиси — юридик шахс Рўйхатга киритилган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса.

45. Операцияни тўхтатиш ва тиклашни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб қўйилган, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулктан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширади.

### **7-боб. Махсус ваколатли давлат органининг сўровлари ва буйруқларини бажариш**

46. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ махсус ваколатли давлат органи жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш чораларини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни ёзма равишда сўрашга, шу жумладан, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари орқали олишга ҳақлидир.

Кripto-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар мижозларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклари билан операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмасини ўз вақтида бажариш чораларини кўрадилар.

47. Махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган

операциялар бўйича қонунчиликка ва мазкур Қоидаларга мувофиқ махсус журналга ёзган ҳолда қуйидагилар расмийлаштирилади:

операция тури ва уни амалга ошириш асослари;

операцияни амалга ошириш санаси ва суммаси;

операцияни амалга оширувчи мижозни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар.

### **8-боб. Ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш, махфийлигини таъминлаш**

48. Кripto-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар, крипто-активлар, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотлари ҳамда материалларини, шу жумладан, иш ёзишмаларини қонунчиликда белгиланган муддатлар мобайнида, лекин операция амалга оширилганидан ёки мижоз билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатда сақлашлари шарт.

Сақлаш муддатлари тугаши билан ҳужжатлар белгиланган тартибда архивига топширилади.

49. Мижозни лозим даражада текшириш жараёнида олинган мижоз тўғрисидаги маълумотлар мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шакл бўйича тузиладиган мижоз сўровномасида қайд этилади. Кripto-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар ички қоидаларга мувофиқ мижоз сўровномасига бошқа маълумотларни киритиш ҳуқуқига эга.

50. Электрон шаклда тўлдирилган мижоз сўровномаси қоғоз шаклида чиқарилганда масъул ходим имзоси билан тасдиқланади.

51. Мижозлар сўровномалари хронологик тартибда алоҳида жилдларда тикиб борилади ва масъул ходимда сақлаб борилади.

52. Кripto-активлар, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ва мижозларни лозим даражада текширишга доир ахборот, зарурат туғилган тақдирда, операция тафсилотларини қайта тиклаш ва ахборотдан махсус ваколатли давлат органи фойдаланиши мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.

53. Мижозни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахс, мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни амалга ошириш таваккалчилиги камида бир йилда бир маротаба янгиланиб борилиши лозим.

54. Масъул ходим фаолиятида фойдаланилган барча ҳужжатларга кириш имкониятини чеклаш мақсадида бундай ҳужжатлар ва уларнинг рўйха-

ти бевосита масъул ходим томонидан махсус жиҳозланган хонада ёки ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши керак.

55. Электрон шаклдаги ҳужжатлар дастурлаш йўли асосида архивлаштирилиши, электрон ахборот ташувчи воситаларга ёзилиши ва масъул ходим томонидан уларнинг рўйхати билан бирга ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши керак.

56. Кripto-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотга кириш имкониятини чеклайдилар, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик шахсларга уларнинг операциялари ҳақида махсус ваколатли давлат органига хабар берилганлиги тўғрисида маълум қилиш ҳуқуқига эга эмаслар;

ички назорат функцияларини амалга ошириш жараёнида олинган ахборотни ўз ходимлари томонидан ошкор қилмасликни (шахсий мақсадлари ёхуд учинчи шахслар манфаатлари учун фойдаланмаслигини) таъминлайдилар.

### **9-боб. Яқуний қоидалар**

57. Кripto-активлар айланмаси соҳасида фаолиятни амалга оширувчи шахслар томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

58. Кripto-активлар айланмаси соҳасида фаолиятни амалга оширувчи шахснинг раҳбари ва масъул ходими мазкур Қоидаларни бузганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

59. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яширишда, шунингдек мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Крипто-активлар айланмаси соҳасида  
фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун  
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни  
легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга  
ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни  
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича  
ички назорат қодаларига  
1-ИЛОВА

**Крипто-активлар айланмаси соҳасида фаолиятни амалга  
оширувчи шахснинг масъул ходими ва ички қодаларнинг  
амалга оширилиши тўғрисидаги  
МАЪЛУМОТЛАР**

---

(шахснинг номи)

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими, телефон.
2. Масъул ходим этиб тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқ санаси ва рақами.
3. Ўтган йил учун ташкилот томонидан кўрсатилган хизматлари тўғрисида маълумот, шу жумладан:
  - а) филиаллар ёки алоҳида бўлинмалар мавжудлигини кўрсатувчи ташкилий тузилманинг тавсифи;
  - б) крипто-активлар билан операцияларни амалга ошириш бўйича кўрсатиладиган хизмат турлари ва фойдаланиладиган крипто-активлар турлари ҳамда уларнинг ишлаш механизмларининг умумий тавсифи;
  - в) мижозларнинг тури ва сони;
  - г) амалга оширилган битимларнинг умумий миқдори ва сони;
  - д) аниқланган хатарлар ва уларни камайтириш бўйича қўрилган чоралар тўғрисида маълумот.
4. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни таъминлаш бўйича крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахс томонидан тасдиқланган ҳужжати номи ва санаси, шунингдек унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритган кейинги ҳужжатлар ҳамда ўзгартишлар киритиш сабаблари ва мақсадлари тўғрисида маълумот.
5. Масъул шахс ва ходимининг, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида доимий равишда қайта тайёргарликдан ўтказишларни амалга ошириш тўғрисидаги маълумот.
6. Махсус ваколатли давлат органига юборилган хабарлар сони (хабарларнинг мазмуни ошкор қилинмасдан фақатгина уларнинг умумий сони берилди).

Крипто-активлар айланмаси соҳасида  
фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун  
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни  
легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга  
ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни  
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича  
ички назорат қоидаларига  
2-ИЛОВА

### **Жисмоний шахсни идентификациялашда зарур бўлган МАЪЛУМОТ**

Жисмоний шахсни идентификациялашда зарур бўлган маълумот:

- а) фамилияси, исми, отасининг исми;
- б) туғилган санаси ва жойи;
- в) солиқ тўловчининг идентификация рақами ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;
- г) фуқаролиги тўғрисидаги маълумотлар;
- д) доимий ва (ёки) вақтинчалик яшаш жойи;
- е) шахсни тасдиқловчи ҳужжат (ҳужжатнинг рақами ва серияси, берилган санаси ва берилган органнинг номи);
- ж) мобил телефон рақами (мавжуд бўлса).

Крипто-активлар айланмаси соҳасида  
фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун  
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни  
легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга  
ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни  
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича  
ички назорат қоидаларига  
3-ИЛОВА

### **Мижоз — юридик шахс ҳамда унинг бенефициар мулкдорини идентификациялашда зарур бўладиган МАЪЛУМОТЛАР**

Мижоз — юридик шахслар ҳамда унинг бенефициар мулкдорини идентификациялашда зарур бўладиган маълумотлар:

- а) тўлиқ, шунингдек агар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи;
- б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи;
- в) солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- г) жойлашган ери (почта манзили);
- д) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бошқа маълумотлар;



е) лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган лицензиялар тўғрисида маълумотлар: фаолият тури, лицензиянинг рақами ва берилган санаси; ким томонидан берилганлиги; амал қилиш муддати;

ж) юридик шахс номидан иш кўрувчи жисмоний шахснинг идентификацияси тўғрисида маълумотлар;

з) юридик шахс таъсисчилари (йирик акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда мижознинг устав фонди (капитали)даги уларнинг улушлари тўғрисида маълумотлар;

и) рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

к) юридик шахс бошқарув органлари (юридик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар;

л) телефон рақамлари.

Крипто-активлар айланмаси соҳасида  
фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун  
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни  
легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга  
ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни  
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича  
ички назорат қоидаларига  
4-ИЛОВА

### **Мижознинг сўровномасида кўрсатиладиган МАЪЛУМОТЛАР**

1. Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидаларига 2 ва 3-иловаларда кўрсатилган мижоз ва мижознинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш жараёнида олинган маълумот.

2. Хавф даражаси, шу жумладан, хавфни баҳолаш учун асос тўғрисидаги маълумот.

3. Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар томонидан мижозни идентификация қилишда амалга оширилган қўшимча тадбир натижалари.

4. Мижоз билан муносабатларнинг бошланган санаси ва хизмат кўрсатиш муддати.

5. Кўрсатилган хизмат турлари, миқдори ва нархи тўғрисида маълумот.

6. Мижознинг сўровномаси тўлдирилган ва унга ўзгартириш киритилган сана.

7. Мижоз билан ишлашга масъул бўлган, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими, амалдаги телефон рақами.

8. Қўғоз шаклидаги мижоз сўровномасини тўлдирган ходимнинг имзоси (фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда лавозими кўрсатилган ҳолда) ва электрон кўринишдаги мижоз сўровномасини тўлдирган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими.

9. Ички қоидалар билан аниқланадиган бошқа маълумотлар.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 9 июндаги 12-мх-сон «Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицейнинг битирувчиларини Тошкент давлат юридик университетига яқка тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2021 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3308.***

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2021 йил 8 июндаги 3-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 7 июндаги 16-сон «Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

***2021 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3309.***

